656
Ик 96

Л.Н.ЖЎРАЕВ,
Ғ.Р. МАМАТҚУЛОВ, Р.Ф.ХУДОЙБЕРДИЕВ

# ЗАМОНАВИЙ ПОЧТА АЛОҚАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Л.Н.ЖЎРАЕВ, Ғ.Р. МАМАТҚУЛОВ,
Р.Ф.ХУДОЙБЕРДИЕВ

# ЗАМОНАВИЙ ПОЧТА АЛОҚАСИ

(Ўқув қўлланма)

Тошкент – 2017

УЎК: 004.773.3
КБК 32.975.202
Ж-96

Ж-96 Л.Н.Жўраев, Ғ.Р. Маматқулов, Р.Ф.Худойбердиев. Замонавий почта алоқаси. –Т.: «Aloqachi»; 2017, 220 бет.

ISBN 978-9943-326-94-1

Ушбу ўқув қўлланма "Замонавий почта алоқаси" фани маъруза машғулотлари учун тайёрланган бўлиб, ўлкамизда почта алоқасининг ривожланишининг яқин тарихи, унинг хизматларини тақдим этиш бўйича технологик жараёнлар, Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг янги хизмат турлари ва почта алоқаси объектларини замонавийлаштириш орқали яратилган янги, замонавий технологиялар ва дастурий таъминотлар юзасидан билимларни ўз ичига олган. Ўқув қўлланма "Почта алоқаси технологияси" йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси тармоғини замонавийлаштириш дастури йўналишлари ва почта алоқаси хизматларини автоматлаштиришнинг илғор тажрибалари ривожланган хориж давлатлари тажрибаси асосида очиб берилган.Ҳар бир маъруза материаллари режа асосида тузилган ва якунида назорат саволлари келтирилган.

Бундан ташқари бугунги кун почта алоқасида тақдим этилаётган хизматларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган ахборот тизимлари ва улар жорий этилишигача бўлган жараёнлар тўлиқ ёритилган.

Қўлланма якунида манбалар бўйича глоссарий ва адабиётлар рўйхати берилган.

*Тақризчилар:*

**З.З.Қосимов, З.М.Отақўзиева**

*ТАТУ илмий-услубий кенгашининг 2016 йил 25 декабрдаги 4(95)-сонли қарорига асосан чоп этилди.*

ISBN 978-9943-326-94-1

© « Aloqachi »нашриёти, 2017.

## МУНДАРИЖА

Кириш.................................................................................................... 5

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЧТА АЛОҚАСИ ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.............................................. 7

1 §. Ўзбекистон Республикасида почта алоқасининг тарихи ва ривожланиш босқичлари.............................................. 7

2 §. Почта алоқаси объектларини замонавийлаштириш.............................. 46

2-БЎЛИМ. ПОЧТА АЛОҚАСИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ. "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АЖ КОРПОРАТИВ КОМПЬЮТЕР ТАРМОҒИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАМОЙИЛЛАРИ.............................. 59

1 §. Почта алоқасига ахборот тизимларини қўллаш йўналишлари.......... 59

2 §. «Ўзбекистон почтаси» АЖ нинг корпоратив компютер тармоғи...... 65

3-БЎЛИМ. ПОЧТА АЛОҚАСИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.............................................................................. 77

1 §. Почта алоқасини замонавийлаштиришда Финляндия тажрибаси.............................................................................. 77

2 §. Почта алоқасини замонавийлаштиришда Малайзия тажрибаси....... 92

4-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЧТА АЛОҚАСИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ.............................................................................. 104

1 §. Почта алоқаси соҳасида электрон тижоратни ташкил қилиш тамойиллари. Почта алоқасида Интернет-магазин.............................. 104

2 §. Почта алоқаси соҳасида Интернет – магазин.............................. 108

3 §. Электрон тўловлар.............................................................................. 114

5-БЎЛИМ. ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ЖЎНАТИШ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ. РЎЙХАТГА ОЛИНУВЧИ ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИНИ НАЗОРАТИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ.............................................................................. 117

1 §. Почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш, етказиб бериш ва уларни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишнинг технологик жараёни.............................................................................. 117

2 §. Почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш, етказиб бериш ва уларни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш технологик жараёнининг автоматлаштирилган ахборот тизими.............................. 122

3 §. Почта жўнатмаларига транзит равишда ишлов бериш...................... 125

**6-БЎЛИМ.** ПОЧТА ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ ХИЗМАТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ ........ 129
1 §. Почта пул ўтказмаларининг технологик тамойили. Электрон пул ўтказмалари ........ 129
2 §. Почта алоқасидаги электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган ахборот тизими ........ 132
**7-БЎЛИМ.** ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАРНИ ТЎЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ ........ 140
1 §. Пенсия ва нафақаларни тўлашнинг технологик жараёни ........ 140
2 §. Пенсия ва нафақаларни тўлаш жараёнларини назорат қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими ........ 141
3 §. Пенсия жамғармасининг "Пенсия" автоматлаштирилган ахборот тизимида фойдаланиш тартиби ........ 150
4 §. Пенсия ёки нафақа олувчи тўғрисида дастурдан маълумот олиш .... 155
**8-БЎЛИМ.** КОММУНАЛ ХИЗМАТ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ПОЧТА АЛОҚАСИ ОБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ ........ 164
1 §. Коммунал хизмат тўловларини қабул қилишнинг технологик жараёни. Коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимининг ишлаш тамойили ........ 164
2 §. "Коммунал хизматлар тўловларини қабул қилиш" автоматлаштирилган тизимида ишлаш тартиби ........ 167
**9-БЎЛИМ.** ДАВРИЙ НАШРЛАРГА ОБУНАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ...... 184
1 §. Почта алоқасида обуна жараёнини ташкил қилиш тамойиллари.... 184
2 §. Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб беришнинг ААТ........ 185
**10-БЎЛИМ.** ПОЧТА АЛОҚАСИ СОҲАСИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ ........ 192
1 §. Молиявий ҳисобга олиш жараёнларини автоматлаштириш ........ 192
2 §. Автоматлаштирилган бошқарув ахборот тизимлари ........ 196

Глоссарий ........ 210
Фойдаланилган адабиётлар ........ 216

# КИРИШ

Почта алоқаси соҳаси барча давлатлардаги каби, Ўзбекистон Республикасининг ҳам миллий иқтисодиёти ва ижтимоий-сиёсий инфраструктурасининг муҳим элементларидан бири ҳисобланиб, ягона ахборот тизимини ривожлантириш ва уни қўллаб қувватлаш, шу билан бирга миллий иқтисодиётнинг муҳим сегментларини ривожлантиришга хизмат қилиш билан бир қаторда, халқ хўжалигининг ажралмас қисми сифатида эътироф этиб келинади.

Бундан ташқари почта алоқаси корхоналари ўзида давлатга, тижорат ва молия ташкилотларига, бошқарув органларига ва ахолига коммуникацион хизмат кўрсатувчи йирик масштабдаги тақсимот тизимини мужассамлаштирган бўлиб, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнайди.

Инсоният ўз тараққиёти давомида доимо ўзаро мулоқот қилиш, фикр, тажриба алмашиш, бир-бирининг ҳолидан хабардор бўлиб туришга интилиб келган. Унинг ана шу эҳтиёжини қондиришда почта хизмати беқиёс аҳамиятга эга бўлган. Таъкидлаш керакки, бу хизматнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳар бир халқнинг давлатчилик анъаналари билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Ушбу ҳақиқатни қарийб уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган юртимиз заминида бу борадаги анъаналар теран илдизларга эга экани ҳам тасдиқлайди. Қадим-қадим замонлардан бошлаб жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлиб келган кўҳна ва гўзал диёримизда илм-фан, маданият ва санъат, меъморлик ва босқичма шаҳарсозлик каби соҳалар билан бир қаторда, почта хизмати ҳам босқичма шаклланиб, тараққий этиб келган.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб почта алоқаси соҳаси бир қатор ислоҳотлардан ўтди. Хусусан, 1991 йилда почта ва электр алоқа тармоқларини ажратиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида почта алоқаси ва союзпечать корхоналари негизида почта алоқаси мустақил корхонаси (бирлашмаси) ташкил этилди ва 1992 йилда почта алоқаси корхонаси таъсисчиларининг йиғилиши қарори билан «Ўзбекистон почтаси» концерни ташкил топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 июлдаги “Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1823-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳақида»ги 380-сон қарорига асосан, «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида»ги 339-сон қарорига мувофиқ «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси ва таркибидаги акциядорлик жамиятлари негизида «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди. Почта алоқаси жўнатмаларни етказиб бериш орқали одамлар, ижтимоий ишлаб чиқариш даражалари ва истиқболларига бевосита таъсир этиш билан бир қаторда бозор инфраструктурасини ташкил этиш ва ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилларини белгилаб беради.

# 1 БЎЛИМ.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЧТА АЛОҚАСИ ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 1 §. Ўзбекистон Республикасида почта алоқасининг ривожланиш тарихи ва босқичлари

Маълумки, қулдорлик жамияти шаклланиши билан ҳукмдорларнинг тобе ҳудудлардаги вазият ҳақида узлуксиз ахборотга эҳтиёжи ортиб боргани сари хабар етказиш ва олиш тизимини тартибга солиш ва ривожлантириш ҳамда махсус тузилмаларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратила бошланган. Шунга кўра айтишимиз мумкинки почта тарихи ёзув пайдо бўлиши билан узвий боғлиқ жараён бўлиб, айнан хат туфайли хабар ва маълумотларни ёзма тарзда етказиш имконияти вужудга келган.

Дастлабки почта тузилмалари (аслида «почта» («posta») атамаси лотинча «statio posita» – от алмаштириладиган жой маъносини англатиб, XIII асрдан эътиборан муомалага киритилган) қадимги Мисрда пайдо бўлиб, асосан узоқ-яқин манзилларга яёв хабар етказиб берадиган кўплаб чопарлардан ташкил топган. Шу тариқа Миср фиръавнлари ҳатто узоқ масофада жойлашган вилоятлардаги вазиятдан доимо хабардор бўлиб турган.

Мисрда нафақат мамлакат доирасида, балки бошқа давлатларга ҳам жўнатиладиган чопарлар узоқ масофани, азоб-уқубат ва хавф-хатарларга қарамасдан, имкон даражасида қисқа фурсатда босиб ўтиши талаб этилган. Фиръавнларнинг XII сулоласи ҳукмронлиги davридаёқ (м.а.1985–1785 йй.) хат-хабарларни етказиб берадиган махсус кишилар (чопарлар) бўлган. Археологик қазишмалар чоғида

тахминан милоддан аввалги 225 йилга оид папирусга битилган ҳужжатда чопар томонидан етказиб берилган хабарлар қайд этилгани Қадимги Мисрда почта хизмати қандай йўлга қўйилгани ҳақида муайян тасаввур беради. Аста-секин бундай хизмат тури бошқа мамлакатлар, чунончи, Эрон, Хитой, Юнонистон, Рим, Марказий Осиё ҳудудларида ҳам пайдо бўлган.

Юнон тарихчилари Геродот ва Ксенофонт Эрон шоҳи Кир Иккинчи даврида асосий йўлларда бир-биридан тенг масофада (одатда, от билан бир кунлик масофада) почта бекатлари барпо этилгани, хабарлар отлиқ чопарлар (ангарлар) томонидан етказиб берилгани, энг қизиғи, аксарият чопарларнинг ўзига хос кийими, уларнинг касби ва мақомини тасдиқлайдиган нишони (пайзаси) бўлгани ҳақида маълумот қолдиришган. Ушбу бекатлар чопарлар дам оладиган ва отларни алмаштирадиган манзил сифатида хизмат қилган. Ёзув пайдо бўлган илк даврлардаёқ хат-хабар етказишнинг самарали усулларидан бири – махсус ўргатилган кабутарлар ва бошқа қушлардан фойдаланилгани диққатга сазовордир. Юнонлар, римликлар, мисрликлар, форслар, яҳудийлар, кейинроқ эса галлар ва олмонларга оид манбаларда кабутарлардан ҳарбий, тижорат ва бошқа мақсадларда фойдаланилгани ҳақида кўплаб маълумотлар бизнинг давримизгача етиб келган. Почта алоқасининг бундай тури Миср подшоҳи Нуриддин ҳукмронлиги даврида (1146–1173 йй.) айниқса жадал ривожланган. Ўша замонлар бир жуфт учқур кабутарлар учун 1000 динарийгача (тахминан 4,5 кг кумуш) ҳақ тўланган. Кейинги даврларда кабутарлардан урушлар пайтида кенг фойдаланилган. Масалан, 1870–1871 йй. Франция–Пруссия уруши пайтида 73 та

кабутар 150 минг расмий ва бир миллионга яқин хусусий хабарни (микрохатни) етказиб берган. Кабутарлар почтаси Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари даврида ҳам кенг қўлланган. Ўтган асрнинг 50–60-йилларида асосан оммавий ахборот воситалари, айниқса, газета хабарчилари кабутарлар хизматидан тез-тез фойдаланиб турган. Ўргатилган кабутарлар орқали хат-хабар етказиш ўрта асрларда кўплаб мамлакатлар, хусусан, Марказий Осиё ҳудудида ҳам кенг тарқалгани манбаларда қайд этилган. Масалан, Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти тарихини битган муаррих Шаҳобиддин Насафийнинг «Нафсат ул-масдур» («Юракдаги заққумлар») асарида ҳукмдорга мактуб етказиб берган кабутар лар ҳақида бир неча далиллар келтирилади.

Биринчи жаҳон уруши даврида ҳам кабутарлардан кенг фойдаланилган. Кабутарлар почтаси ҳарбий ҳаракатлар пайтида фронт ортига хат-хабар етказишнинг энг тезкор усули ҳисобланган.

Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаёт ривожи, ички ва ташқи алоқаларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши бу жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш зарурати почта алоқаси тизимини узлуксиз такомиллаштириб боришни талаб этарди. Марказлашган йирик давлатларнинг ташкил топиши билан почта хизматини ташкил этиш давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланади. Хусусан, мил. авв. III –II мингйилликларда Қадимги Мисрда, Месопотамиядаги (Тигр ва Евфрат дарёларининг қуйи оқимидаги ҳудуд) Шумер ва Аккад, Бобил, Оссурия давлатларида (бугунги Ироқ ҳудуди), Кичик Осиёдаги Хетт салтанатида, шунингдек, Юнонистон, Эрон, Хитой, Рим империяси ва Марказий Осиёда ҳам почта хизмати яхши йўлга

қўйилгани ҳақидаги маълумотлар бизнинг давримизгача етиб келган. Хусусан, Қадимги Миср фиръавнларининг IV сулоласи ҳукмронлиги (мил. авв. 2900—2700 йй.) даврида кўп сонли махсус пиёда чопарлардан фойдаланилгани тарихий манбаларда келтирилган. Ана шу чопарлар ва отлиқ хабарчилар туфайли Ливия, Эфиопия ва Арабистон (Фаластин) ҳудудларида ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган Миср қўшинлари билан мунтазам алоқа таъминланган. Улкан Осиё қитъасининг катта қисмини эгаллаган Аҳмонийлар салтанатида ҳам почта хизматидан кенг фойдаланилгани манбаларда ўз ифодасини топган. Тезлик билан хат-хабар етказишда салтанатнинг турли ҳудудларини ўзаро боғловчи транзит алоқа йўллари, хусусан, ўша давр иқтисодий-маданий алоқаларида «Шоҳ йўли» алоҳида ўрин тутган. Машҳур юнон тарихчиси Геродот мил. авв. VI асрнинг сўнгги чорагида, Доро Биринчи ҳукмронлиги даврида қурилган машҳур «Шоҳ йўли» бўйлаб бир кунлик масофада работ ва почта бекатлари барпо этилгани ҳақида батафсил маълумот беради. Унинг таъкидлашича, Кичик Осиё ҳудудидан Ўрта ер денгизидаги Сард шаҳригача 450 фарсангга (тахминан 2500 км) чўзилган бу йўл империянинг асосий транспорт артерияси сифатида катта аҳамият касб этган. Эътиборли жиҳати шундаки, Сарддан Сузагача саёҳат қилган Геродот бу йўлда 111 та почта бекати ва шунча карвонсарой мавжудлигини қайд этган. Бу йўлда ташкил этилган почта алоқаси тизими мамлакат пойтахтидан вилоятларга хат-хабарларни ўша давр учун мисли кўрилмаган тезликда, эстафета шаклида етказиб бериш имкониятини яратган. Геродотнинг гувоҳлик беришича, подшоҳ чопарлари – «ҳангар»лар (юнонлар уларни «ангареонлар» деб

юритган) шошилинч хат-хабарларни мамлакат пойтахти Сузадан бир неча минг километр узоқликда жойлашган Сард шаҳрига 6 кунда етказган бўлса, ҳарбий қўшин худди шу масофани 90 кунда босиб ўтган.

Хитойда ҳам дастлабки почта манзиллари Чжоу сулоласи даврида (м.а. 1123–249 йй.) шаклланган. Ўша замонларда хабарлар 80 чопар ва махсус тайёрланган 8 та бош хабарчилар орқали етказилган. Улар учун ҳар 5 километр масофада овқатланадиган иншоотлар, узоқроқ масофада эса тунаш учун бекатлар қурилган. Цинь (м.а. 221–206 йй.), айниқса, Хань сулоласи ҳукмронлик қилган даврда (м.а. 206–220 йй.) бу тизим янада кенгайтирилган ва такомиллаштирилган.

Қадимги Шарқ давлатларида, кейинчалик Римда ҳам давлат аҳамиятига молик хабарларни керакли манзилга белгиланган муддатда етказиш учун почта хизмати бошлиги масъул ҳисобланган.

Почта тизими фаолияти форслардан юнонларга ва римликларга ўтган. Дастлабки даврларда юнонлар хабар етказиш учун фақат пиёда чопарлардан фойдаланишган. Бир-бири билан доимо сиёсий рақобатда бўлган юнон полисларидаги вазият почта хизмати ривожига салбий таъсир кўрсатган. Юнонларда почтачилар «Гемеродромалар» деб аталган бўлиб, улар бир соатда 55 стадий (10 километрга яқин) масофани босиб ўтган. Эътиборли жиҳати шундаки, айрим чопарларнинг номи тарихда муҳрланиб қолган. Жумладан, Плутархнинг ривоят қилишича, ана шундай чопарлардан бири – Фидиппид милоддан аввалги 490 йилда Марафон остонасидаги жангда қозонилган ғалаба ҳақидаги оғзаки хабарни Афинагача югуриб етказган ва силласи қуриганидан йиқилиб, жони узилган

экан. Кейинроқ ўта муҳим хабарларни етказиш учун суворийлар хизматидан фойдаланишга ўтилган. Масалан, Александр Македонский лашкарбошиси Диодорнинг ёзишича, ҳукмдор қароргоҳида туяли суворийлар доимо тайёр турган. Қадимги даврлардан бошлаб турли давлат ва гуруҳлар ўртасида сиёсий кураш кучайиши натижасида аниқ хабар ёки ахборотга эга бўлиш жуда катта аҳамият касб этган. Душман ҳақида маълумот келтирадиган жосуслик хизматининг пайдо бўлиши ва ахборот ўғирлашнинг кучайиши махфий хабарларни етказишнинг турли усуллари пайдо бўлишига сабаб бўлган. Умуман олганда, инсоният тарихида махфий хабарлар етказишнинг ақл бовар қилмас йўллари, усулларидан фойдаланилгани кўплаб манбаларда акс этган. Етказилаётган хабарнинг душман қўлига тушиб қолмаслиги учун уни кенг тарқалган ёзувлар воситасида эмас, балки турли рамзлар, шакл ва кодлар орқали узатишга ҳаракат қилинган. Бундан ташқари, ёзма хабарларнинг душман қўлига тушиб қолмаслиги учун бекитиш йўллари ҳам изланган. Шу муносабат билан Геродотнинг «Тарих» асарида келтирилган бир маълумот эътиборни тортади. Унда таъкидланишича, Кичик Осиёдаги форсларга тобе бўлган Милет шаҳри ҳокими Аристагорга Сузада Доро Биринчи томонидан гаровда ушлаб турилган Милетнинг собиқ ҳокими Гистиендан чопар келади. Форс салтанатининг ҳудудларида, айниқса, ҳукмдор қароргоҳи бўлган Суза шаҳридан чиқувчи барча йўллар яхши қўриқлангани боис чопар форсларга қарши қўзғолон кўтаришга ундайдиган яширин хабарни антиқа йўл билан етказиб келган. Яъни, бўлажак чопарнинг сочи олиниб, хат унинг бошига ёзилган ва соч ўсиб чиққанидан

кейингина у йўлга тушган. Милетга етиб келгач, унинг сочи олинган ва шу тарика Арастагор хат мазмуни билан танишиш имкониятига эга бўлган.

Рим империясида том маънодаги давлат почтасига Юлий Цезарь (м.а. 100 – 44 йй.) томонидан асос солинган бўлса, император Август ҳукмронлиги даврида (м.а. 63 – 14 йй.) бу тизим янада тараққий этган. Ўша замонлар «cursus publikus» (давлат почтаси) деб аталган почта тизими бевосита императорга бўйсунган ва бу оркали хусусий хат-хабар юборишга йўл қўйилмаган. Айнан ана шундай тармоқнинг мавжуд бўлгани туфайли Рим империясининг турли минтақалари бир-бири билан хат-хабар ва маълумот алмашиш имкониятига эга бўлган. Бу аниқ қонун-қоидалар асосида фаолият юритадиган улкан, кенг тармоқли почта алоқаси тизими бўлган. Империя ҳудудида равон йўллар қурилгани, савдо карвонлари ва почта жўнатмалари хавфсизлиги таъминлангани, шунингдек, фуқаровий ва ҳарбий ҳокимият муассасаларининг бир-бири билан хат-хабар алмашиши кенг йўлга қўйилгани почта тизимининг жадал ривожланишига хизмат қилган. Британиядан Болқон ва Кавказгача, Туркиядан Сурия, Фаластин ва Иорданиягача, Рейн бошланган жойдан Ливия саҳролари ва Александриягача бўлган масофаларни нисбатан тез фурсатда босиб ўтиш мумкин эди.

Масалан, Юлий Цезарь даврида чопарлар отларни алмаштириб, кунига 100 миля (тахминан 160 км) масофани босиб ўтса, cursus publikus (давлат почтаси)дан фойдаланган Тиберий чопарлари икки карра кўпрок масофани босиб ўтиш имкониятига эга бўлган. Эътиборли жиҳати шундаки, энг муҳим вилоятлардан хат-хабар

Римга деярли ҳар куни етказиб турилган. Гавжум йўллар бўйидаги почта бекатларида 20 – 40 та эгарланган отулов тайёр турган. Бу тизим Ғарбий Рим империяси емирилгунча сақланиб қолган, унинг таназзулга юз тутиши билан cursus publikus ҳам тарихга айланган. Шарқий Рим империясида эса давлат почтаси тахминан милодий 520 йилгача фаолият юритган.

**Қадимги туркийлар ва Амир Темур салтанатининг почта тизими**

Аҳмонийлар даврида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари туркийлар салтанати таркибига қўшиб олинган эди. Доро Биринчи даврида салтанат 20 та сатрапликка (вилоятга) ажратилган бўлиб, бақтрияликлар 12, саклар ва Каспий бўйида яшовчи қабилалар 15, парфияликлар, хоразмликлар, суғдлар ва арийлар 16 сатрапликка киритилган эди. Мавжуд маълумотларга кўра, милоддан олдин VI –V асрларда, яъни Аҳмонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда Марказий Осиё ҳудудлари салтанат миқёсидаги почта тизимига киритилган. Ана шу даврда муҳим транзит йўллар бўйида кичик қалъа шаклида кўплаб мустаҳкам иншоотлар бунёд этилган. Мазкур иншоотлар (работлар) савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажарувчи ҳарбий гуруҳлар учунгина эмас, чопарларнинг отлари сақланадиган ва савдо карвонлари тўхтаб дам оладиган жой сифатида ҳам хизмат қилган. Бундан ташқари, ушбу работлар давлат почта алоқаси тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган. Қадимги давр ва ўрта асрларда Марказий Осиё ҳудудида олов ва тутун чиқариш орқали маълумот етказиш кенг ёйилган. Масалан, кўпгина манбаларда Буюк ипак йўлининг муҳим йўналиши бўлган Бухоро–Марв карвон йўлида жойлашган Айритом ва Дунётепа каби

бекатларда X–XII асрларда кечаси савдо карвонлари, йўловчи ва чопарлар адашмаслиги учун олов ёқиб сигнал бериладиган миноралар бўлгани қайд этилган. Мамлакатимизда амалга оширилган археологик изланишлар Ўзбекистон ҳудудида жойлашган кўплаб бошқа қишлоқ қўрғонларида ҳам соқчилар минораси бўлганидан далолат беради. Асосан тепаликларда ва бир-биридан бир кунлик йўл узоқлигида жойлашган бу қўрғонлар давлат чопарлари отларини алмаштирадиган, зарур ҳолларда дам оладиган манзил вазифасини бажарибгина қолмасдан, фавқулодда вазиятларда олов ёқиш ва тутун чиқариш орқали муҳим хабар етказиш учун ҳам хизмат қилган. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё давлатларида почта алоқаси тизими фаолияти кенг тармоқ ёйиб, савдо йўлларида карвонларга, сайёҳларга, ҳарбий қўшинларга ва умуман, йўловчиларга почта хизмати кўрсатиш янада такомиллашади.Турк хоқонлиги даври ва Марказий Осиёнинг катта қисми араб халифалиги таркибига киритилган дастлабки даврларда, яъни илк ўрта асрларда (V–VI асрларда) почта хизмати фаолияти мавжуд сиёсий вазиятга мос равишда узлуксиз ишлаши талаб этилган. Бу даврда минтақада почта тизими фаолияти ҳақидаги маълумотлар кўпгина араб манбаларида акс этган. Хусусан, Ат Табарийнинг «Тарихи Табарий» асаридаги маълумотни таҳлил қилсак, Марказий Осиёнинг катта қисмида туркий давлатларнинг почта бекатлари ва уларда давлат чопарлари учун доимо сақланадиган учқур отлар ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишимиз мумкин.

Бошқа муҳим манба – Ибн Ҳамадонийнинг «Ахбор ал-Булдон» («Мамлакатлар ҳақида хабарлар») асарида минтақа шимолидаги

улкан ҳудудида ўзаро мулоқотнинг ривожига ёрдам берди. Сиёсий зиддиятлар, турли диний мазҳаблар ўртасидаги курашлар авж олганига қарамасдан, илм-фаннинг турли соҳаларида мислсиз кашфиётлар қилинди. Айниқса, Шарқ Уйғониш даврида (IX – XI ва XIV – XV аа.) яшаб ўтган улуғ мутафаккирларнинг ўзаро мулоқотлари (шу жумладан, хат орқали), ёзишмалари мисолида (бу ўринда Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Синонинг метафизика, космология, физика, минералогия каби фанларга оид мураккаб илмий масалалар юзасидан бир-бири билан узлуксиз фикр алмашиб турганини, бу чинакам илмий мулоқот, антик давр илмий, фалсафий қарашларини чуқур таҳлил этиш ва ривожлантиришнинг юксак намунаси бўлганини эслаш кифоя) ҳам нафақат давлат почтаси, шу билан бирга хусусий шахсларга тегишли хатларни етказишда изчил тизим йўлга қўйилганини, шахслараро мулоқот учун шарт-шароит яратилганини кўрамиз. Мусулмон манбаларида келтирилган кўплаб маълумотлар ривожланган ўрта асрларда почта алоқаси хизмати фаолияти ҳақида етарлича тасаввур беради. Хусусан, Ибн Хурдодбеҳнинг «Китаб ал-Месалик ва-ал-мемалик» («Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб») асарида ислом мамлакатларида 930 та почта йўллари мавжудлиги, ҳар йили почта отлари (ад-адаб) сотиб олиш, почта бекатлари бошлиқлари ва чопарларга маош тўлаш учун 159 минг динор ҳаражат қилиниши ҳақида маълумот берилади. Ўрта асрларда айрим ҳолларда ўта шошилинч хат-хабарлар етказишда ҳарбий қўшиндан ҳам фойдаланилгани маълум.

Абулфазл Байҳақий Ғазна ҳукмдори Масъуднинг Балхдан Термиз орқали Чағаниёнга ҳарбий юриши даврида (1038–1039 йилнинг қиш

фаслида) унга Ғазнидан бош вазир юборган шошилинч хабар (махфий хат) йўл бўйлаб кетма-кет қўйилган суворийлар орқали бетўхтов етказилгани ҳақида маълумот беради. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» («Сияр ул-мулук») асарида ҳам чопарлар хизматининг йўлга қўйилиши салтанатда барқарорликни таъминлашда катта аҳамият касб этгани ҳақида қимматли фикрлар мавжуд. Агар «Сиёсатнома» асари ўрта асрлар ислом мамлакатларида давлат бошқаруви тизими учун энг муҳим манбалардан бири эканини эътиборга олсак, почта хизмати тизимининг мамлакат ҳаётидаги ўрнини яққол тасаввур қилишимиз мумкин. Ўрта асрларда почта алоқаси хизмати фаолияти муҳим давлат аҳамиятига эга бўлиб, уни махсус вазирлик бошқаргани маълум.

Амир Темурнинг марказлашган қудратли салтанатида ҳам ўз даври учун мукаммал почта хизмати ташкил этилган ва самарали фаолият юритган эди. Шу боис Соҳибқироннинг амру фармонлари унинг тасарруфидаги барча ҳудудларга зудлик билан етказиб турилган. Улкан салтанатда хабарларни жадал етказиш билан махфий бўлим шуғулланган. Манбаларда қайд этилишича, Эрондан Самарқандга шошилинч хабарлар 3 кунда етказиб келинган. Амир Темур салтанатида алоқа тизими, шошилинч хабар етказиш Европа тилларида ёзилган манбалардаги маълумотлар билан ҳам тасдиқлангани диққатга сазовордир. Хусусан, Амир Темурнинг пайтахтига Испания қиролининг элчиси сифатида ташриф буюрган Руи Гонсалес де Клавихо кундаликларида давлат чопарлари, уларнинг ўз вазифаларини бажариши учун маҳаллий ҳокимлар томонидан яратилган шароит ва бошқа муҳим маълумотлар

MUHAMMAD ... NOMIDAGI
TOSHKENT ...
TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI
377343

келтирилади. Бундай маълумотларни яна бир европаликнинг кундаликларида ҳам кўрамиз. Уларнинг сафида бўлган немис рицари Иоганн Шильтбергернинг хотираларида йирик карвон йўллари бўйида махсус почта бекатлари мавжудлиги, уларда давлат хизматчилари, чопарлар учун чопқир отлар доимо тайёр туриши, бундай тизим улкан салтанатнинг барча йўлларида шакллантирилгани қайд этилади. Унинг таъкидлашича, шошилинч хабар олиб кетаётган чопарлар бекатларга яқинлашганда рўмолчага ўралган қўнғироғини чалган. Қўнғироқ овозини эшитган бекат назоратчилари чопарга ўша заҳоти учқур тулпорни бериши шарт бўлган. Карвон йўлларида бундай тезкор хизмат ҳукмдорнинг махсус ёрлиғига эга бўлган чет эллик савдогар ва элчиларга ҳам кўрсатилган. Қолаверса, бу ҳукмдорнинг салтанат аҳолисининг турмуши, жойлардаги вазият, маҳаллий ҳокимларнинг фаолиятидан доимо хабардор бўлиб туриш заруратидан келиб чиққан, албатта. Бу ўз навбатида, нафақат улкан салтанатнинг турли бурчакларидан, балки узоқ-яқин мамлакатлардан аниқ хат-хабар ва маълумотларни узлуксиз етказиб бериш имконини берадиган ишончли почта алоқа тизимини вужудга келтиришни тақозо этган эди. Ўз даври учун мукаммал бўлган ана шундай тизимни шакллантирган Соҳибқирон «Тузуклар»да унинг асосий мақсадини қуйидагича изоҳлайди: «Амр этдимки, вилояту шаҳарда ва ўрдада воқеаларни ёзувчиларни тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ, ўзининг ва ёт лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмронлик ҳақидаги хабарлар,

кўшни подшоҳлар, уларнинг гап-сўзлари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги сўзларни тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар».

Бу тизим доирасида салтанат хабарчилари сифатида амалдорлар ва уларни назорат қилиш учун тайинланган кишилар, савдогарлар, дарвешлар, қаландарлар ва бошқа тоифадаги кишилар фаолият олиб борган. Хабарлар тегишли жойларга ва кишиларга белгиланган муддатда ёзма ва оғзаки тарзда етказиб турилган. Салтанат бўйича йиғилган хабар ва маълумотлар махсус маҳкама нозирлари томонидан ўрганилган, унинг натижалари ҳукмдорга етказилган ва масалани ҳал этиш бўйича зарур амр-фармонлар чиқарилган. Соҳибқирон салтанатида хат-хабар етказишнинг ўта махфий даражаси ҳам шакллантирилган бўлиб, бу тизимга жалб этилган чопарлар (жосуслар) тўғридан-тўғри ҳукмдорга хабар етказиш ҳуқуқига эга бўлган. Форс тарихчиси Файзуллоҳ Рашидиддиннинг таъкидлашича, бундай кишилар одатда ўзининг алоҳида мавқеини тасдиқлайдиган махсус нишонга эга бўлган.

Бундан ташқари, Амир Темур хорижий мусулмон мамлакатлари ҳукмдорлари, масалан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон, Турк султони Елдирим Боязид, Миср султони ва бошқа мамлакатлар ҳукмдорлари билан хат алмашиш орқали сиёсий мулоқот юритган. Айниқса, Соҳибқироннинг Европа давлатлари ҳукмдорлари, жумладан, Франция, Леон ва Кастилия, Англия қироллари, Россия подшоҳи (рус князлари) билан ёзишмалари Ғарб мамлакатлари билан дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ўрнатилиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилган. Хулоса қилиб айтганда,

Соҳибқирон Амир Темурнинг маънавий-маърифий меросини чуқур ўрганиш, салтанатнинг равнақи ва гуллаб-яшнаши йўлида амалга оширган улкан бунёдкорлик ишларини, хусусан, ўз замонаси учун анча ривожланган почта хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш борасидаги ибратли саъй-ҳаракатларини кенг тарғиб этиш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Соҳибқирон Амир Темур асос солган почта хизмати темурийлар, айниқса, унинг муносиб вориси – Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврида ҳам изчил ривожлантирилади ва янги босқичга кўтарилади. Ҳиндистонда улкан салтанатга асос солган Бобур кенг кўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш билан биргаликда Хуросон, Афғонистон ҳамда Мовароуннаҳр билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш, маълумот ва хабарларни тезкорлик билан етказиш тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратган. «Бобурнома»да ҳукмдорнинг фарзанди Ҳумоюн жўнатган чопарлар ҳатто икки йилда ҳам Аграга етиб келмагани, Қобул, Ғазна, Андижон ва бошқа ўлкалардан хат-хабарлар жуда кеч етиб келаётгани ҳақидаги маълумотлар кўп учрайди. Шунинг учун ҳам Бобур Мирзонинг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан, бугунги истилоҳ билан айтганда, Шарқда илк бор том маънода почта хизматининг йўлга қўйилиши, ушбу соҳада хизмат қиладиганларнинг маоши, хавфсизлигини таъминлаш, манзилга тез фурсатда етиб бориши, йўл ва бекатларда пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этиш мақсадида амалга оширилган тадбирлар унинг учун мазкур масала нақадар улкан аҳамият касб этганидан далолат беради. Эътиборли жиҳати шундаки, Бобур ўз даври учун мукаммал почта алоқа

тизимини шакллантиришга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириш билан чекланиб қолмайди. У почта хизматига оид атамалар, масалан, «мил» ва «курух» сингари масофа бирликларига аниқлик киритади, бу соҳага оид тушунчалар форс, турк, ҳинд ва бошқа тилларда сўзлашувчи аҳоли учун тушунарли бўлиши, ҳар бир киши улардан қийналмасдан фойдаланиши ҳақида қайғуради.

«Бобурнома»дан Бобурнинг турли мамлакатлар бошлиқлари, темурий ҳукмдорлар билан хат ёзишиб тургани, бу хатлар кимдан, қаердан ва қанча вақтда етиб келгани, уларда қандай масалалар тилга олингани ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, асарда Умаршайх Мирзонинг амирларидан бўлган Худойберди Темуртошнинг Ўш яқинидаги жангда ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар Ҳиротдан 12 йиғоч (тахминан 100 км) шарқда турган Абу Саид Мирзога Абдул Ваҳоб шиғовул орқали хат билан жўнатилгани, бу хабарчи 120 йиғоч (тахминан 1000 км) масофани 4 кунда босиб ўтгани ҳақидаги маълумот келтирилади.

Сўнгги ўрта асрлар – ўзбек хонликлари даврида ҳам почта алоқаси тизими муайян даражада ривож топиб, хонликларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилди. Шу ўринда Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг Россия, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатлар билан фаол дипломатик муносабатлар ўрнатгани, элчилар ҳукмдорларнинг хатларини етказиб, хабарчи вазифасини ҳам бажарганини қайд этиш мумкин. Шошилинч хат-хабарлар етказишда чопарларнинг хавфсизлигини таъминлаш, почта бекатлари барпо этиш ва йўлларнинг сифати ҳам

катта аҳамиятга эга масала эди. Марказий ва маҳаллий ҳукумат йўллар ва йўлбўйи иншоотлари, почта бекатларининг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлашга масъул этиб белгиланган. Лекин айрим ҳолларда йўллар таъминоти учун давлат хазинасидан маблағ кам ажратилгани ёки бу маблағлар маҳаллий ҳокимият томонидан бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилгани сабабли йўлларни таъмирлаш маҳаллий аҳоли зиммасига юклатилган. Почта алоқаси хизмати учун зарур бўлган почта бекатлари барпо этишга давлат хазинаси ҳамда хусусий шахслар маблағлари сарфланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунга қарамасдан, XIX – XX аср бошларига оид манбаларда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида йўллар ҳолатининг ёмонлиги, бу ҳол почта хизматчилари фаолиятига, хат-хабарларни етказишга салбий таъсир этгани қайд этилган.

## XIX аср бошларида почта алоқасининг ривожланиши

Почта тизими ривожида туб бурилишни XIX аср бошларида темир йўллар тизимининг шаклланиши даври бошлаб берди. Худди шу аср аввалида паровоз ва пароходнинг, XX аср бошларида самолётнинг пайдо бўлиши билан почта жўнатмаларини етказиб бериш тезлиги мисли кўрилмаган даражада ошди. Шундан эътиборан почта алоқаси давлат тизимининг ажралмас қисмига айланиб, аҳолининг барча табақалари унинг хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари, алоқа ва почта жўнатмаларини етказишнинг бундай янги турлари ривожланиши бир биридан ҳатто энг узоқ масофада жойлашган мамлакатлар ўртасида ҳам почта алоқасини йўлга қўйиш имконини яратди.

1835 йил британиялик зобит Вэгхорн инглиз ва ҳиндларга тегишли почтани етказиб беришни йўлга қўяди. Бунинг учун у денгизтранспорти (пароходлар) ҳамда темирйўл хизматидан фойдаланган. Автомобиль пайдо бўлиши билан почта жўнатмаларини етказиб беришнинг янги усули – автомобиль транспорти тизими вужудга келиб. ундан асосан муайян давлат доирасидаги минтақалараро, вилоятлар ва туманлараро магистралларда фойдаланилади. Почта тарихида темирйўл почтаси алоҳида аҳамият касб этади. Унинг тезкорлиги ҳамда жўнатмаларга бевосита почта вагонларида ишлов бериш имконияти мавжудлиги туфайли почта жўнатмаларини қисқа муддатда етказиб бериш борасида бундай усулнинг ўрни катта. Қолаверса, почта вагонидан ташқари темирйўл почта тизимида темирйўл почта бўлимлари, почта ва почта-юк поездлари ҳам бўлганини қайд этиш лозим. Темир йўл почтаси томонидан етказилаётган почта жўнатмаларига ишлов бериш учун махсус почта штемпеллари, штамп ва ёрлиқлар, унинг хизмат ҳақини тўлаш учун эса алоҳида темирйўл маркаларидан фойдаланилади. Почта 1830 йил 15 сентябрда Буюк Британияда Ливерпуль –Манчестер темирйўл йўналиши бўйлаб илк бор етказиб берилган. Дастлаб поездларда ғилдиракли платформага жойлаштирилган юк ортилган почта араваси, кейинчалик почтанинг ўзи ташилган. Бир неча йил ўтгач, почтани тезроқ етказиб бериш мақсадида оддий вагонларда почта бўлинмаси жойлаштирилган ёки узун составларга бириктирилган махсус вагонларда поезднинг ҳаракати давомида почта саралаб ажратилган. Бундай почта вагонлари қатор мамлакатларда, жумладан, 1838 йил –Англияда, 1841йил – Бельгияда,

1846 йил – Францияда, 1848 йил – Германияда (Гейдельберг) жорий этилган.

Темирйўл почтаси ривожланиши билан унинг амалиётида почта поездлари мустаҳкам ўрин эгаллаган. Факат почта вагонларидан таркиб топган темирйўл составлари ёки таркибига почта вагони бириктирилган йўловчи поездлари шулар жумласидандир.Тўлик почта вагонларидан иборат илк почта поезди XIX асрнинг ўрталарида Англияда Лондон – Абердин темирйўл йўналишида пайдо бўлган. Йўл-йўлакай унга 30 та почта ходими ва 3 та темирйўлчи хизмат кўрсатган. Кейинчалик почта жўнатмалари ва юк ташувчи почта-юк поездлари жорий этилган. Шуниси қизиқки, 1927–2003 йй. мобайнида Лондонда дунёда ягона бўлган ерости почта темирйўли фаолият юритган. Саккизта бекатдан иборат мазкур темирйўл Британия почта хизматининг почта тўпланадиган барча асосий пунктлари билан боғланган эди.

Поездларни ҳаракатга келтириш ва бошқариш автоматик тарзда амалга оширилган. XX асрда кўпгина мамлакатларда темирйўл орқали почта жўнатмаларини ташиш почта юкларини ташишнинг асосий турига айланади. Аммо XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг бошларида қатор мамлакатларда почта вагонлари паркининг қисқариши кузатилган.Авиация почтаси жўнатмаларни ҳаво йўллари орқали ташиш имконини берадиган почта алоқасининг энг тезкор туридир. 1903 йилилк аэропланларнинг пайдо бўлиши билан уларни почта жўнатмаларини ташишга жалб этиш ғояси кун тартибига қўйилади. 1911 йил 18 февралида Ҳиндистонда Оллоҳобод – Наини йўналиши бўйича амалга оширилган биринчи парвоз чоғида 6,6

мингта хат ва 250 та махсус откритка 13 км масофага етказилган. Хатлар «First aerial post. U. P. Exhibition. Allahabad. 1911» («Илк ҳаво почтаси. Умуммиллий кўргазма. Оллоҳобод. 1911 й.»). деган ёзувли штемпель билан белгиланган. Ҳиндистон ҳукуматининг топшириғи билан Алигар шаҳри почта муассасаси томонидан тайёрланган ҳамда Осиё тоғлари устида парвоз қилаётган биплан акс эттирилган мазкур штемпель жуда ноёб ҳисобланади, чунки самолёт ерга қўниши билан у йўқ қилинган экан. Авиация тарихида 60 та хатдан иборат биринчи халқаро почта 1919 йил учувчи Эдди Хаббард томонидан Ванкувер – Сиэтл йўналиши бўйича парвоз қилган самолётда етказилган. Кўплаб ҳалокатлар юз берганига қарамасдан, 1920 йилда қатор мамлакатларда, почта жўнатмаларини ташиш мақсадида авиациядан кенг фойдаланилган. Ўша пайтлардаёқ маркаларни тўплашга қизиқиш кучайгани сабабли филателистлар авиапочта ривожини мунтазам кузатиб боришга, турли жойларга амалга ошириладиган парвозлар ҳақида маълумот олиш ва ана шу парвозлар орқали хатлар жўнатишга ҳаракат қилган.

Авиапочта учун мўлжалланган илк почта маркалари 1917 йил Италияда чиқарилган ва синов парвозларида фойдаланилган шошилинч почта жўнатмаларига оид маркаларга тегишли белгилар қўйилган. Худди шундай ҳолат 1918 й. март ойида Вена – Краков – Львов – Киев шаҳарлари ўртасида мунтазам почта йўналиши илк бор йўлга қўйилиши муносабати билан чиқарилган маркаларда ҳам кузатилган. 1920–1930 йиллар халқаро авиапочта йўналишларида, хусусан, француз «Аэропосталь» авиакомпаниясида учувчи сифатида хизмат қилган машҳур адиб Антуан де Сент-Экзюперининг,

китобларида, жумладан, «Жанубий почта йўналиши» романи ва бошқа асарларида бу мавзу бадиий ифодасини топган.

1900–1930 йилларда ҳаво почтаси дирижабллар воситасида ҳам ташилган ва почта алоқасининг мазкур тури дирижабль почтаси, деб юритилган. XX аср давомида авиапочта жўнатмалар, посилка ва бандеролларни етказиб берадиган асосий транспорт воситасига айланди. Табиийки, бу даврда почтани етказиб беришда фақат темир-йўл транспорти воситасидан фойдаланилмаган. Вилоятлараро, айниқса туманлараро почта айрбошлаш жараёнида автомобиль транспортининг ўрни катта бўлган. Хусусан, поезд ёки ҳаво йўллари орқали вилоят марказига етказиб берилган почта айнан автомобиль транспорти ёрдамида туман марказлари, шаҳарчалар ва чекка қишлоқларга ташилган. Ҳатто мамлакатимизда темирйўллар тармоғи анча ривож топган, барча вилоят марказлари ва йирик шаҳарларга миллий авиакомпания самолётлари мунтазам парвоз қилаётган ҳозирги даврда ҳам почтани етказиб беришда автомобиль транспортнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бугунги кунда Фарғона водийси вилоятлари, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда бошқа минтақалар шаҳар ва қишлоқлардаги корхоналар ва аҳолига мўлжалланган почта 529 йўналиш бўйлаб айнан автотранспорт воситасида етказиб берилмоқда.

XIX аср бошларида конверт ва штемпель пайдо бўлади. Конверт 1820 йили брайтонлик тадбиркор Бревер томонидан кашф қилинган. Кейинчалик Англияда ва унинг колонияларида буюртма конвертлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Илк штемпелли бандероль 1857 йил АҚШ да пайдо бўлиб, кейинчалик 66 та

мамлакатда жорий этилган. Маълумотларга кўра, штемпель 1860 йили Бирлашган қироллликнинг бош почмейстри этиб тайинланган Генри Бишоп томонидан кашф этилган.

Дастлаб у жорий этган штемпель почтани жўнатиш вақтини назорат этиш учун мўлжалланган бўлиб, унда жўнатмани етказиш ойи ва куни ҳақидагина маълумот экс эттирилган. Ўша замонлар санаси ўзгартириладиган штемпеллар ҳали кашф этилмагани сабабли почта корхоналарида қўлланадиган штемпелларнинг умумий сони 366 та бўлган. Кейинчалик босмахонада босилган ва юза қисмида штемпели бўлган махсус конвертлар пайдо бўлган. Орадан бир ярим асрдан ортиқ вақт ўтганига қарамасдан, конвертнинг ташқи кўриниши ва шакл-шамойили деярли ўзгармасдан келмоқда. Кейинчалик мазкур штемпелли тизим ўрнига почта идорасининг хизмат ҳақини тўланганини тасдиқловчи почта маркалари ҳамда уларнинг ўрнини босадиган франкирлаш (яъни почта жўнатмасига почта йиғими миқдорини белгилайдиган махсус белгининг қўйилиши ҳамда сана ва олувчи ташкилот номи туширилган штемпелнинг босилиши) жорий этилади. Очиқ хат (пост-карт ёки почта карточкаси) ғояси биринчи бўлиб Олмониянинг собиқ бош почмейстри Генрих фон Стефан томонидан илгари сурилган бўлса ҳам, у дастлаб 1869 йил Австрияда жорий этилган. Шундан кейин олдиндан ҳисоб-китоб қилинган почта откриткалари бошқа бир қатор мамлакатларга тарқалади. Бир неча йилдан кейин штемпелли тизим ўрнига почта хизмати ҳақи тўланганидан далолат берадиган махсус белгилар – почта маркалари пайдо бўлади. Почта маркалари ҳақидаги илк маълумот 1823 йилга тўғри келади. Айнан ўша йили швециялик

Л.Г. Траффенберг почта жўнатмаси ҳақини олдиндан тўлаш учун конверт ва маркадан фойдаланиш ғоясини ўртага ташлайди. У почта маркасининг рангли бўртма тасвирини конвертнинг устки қисмига жойлаштириб, босиб чиқаришни таклиф этади. Лойиҳада маркани қалбакилаштиришга қарши чоралар ҳам кўзда тутилган эди. Аммо ушбу таклиф бемаъни деб топилади ва рад этилади. Почта маркасининг яна бир омадсиз ўтмишдоши – 1840 йил Англияда почта ислоҳотлари арафасида таклиф этилган «Малреди конвертлари» деб номланган почта маркаларини чиқариш лойиҳаси эди (у маркадаги тасвир муаллифи, таниқли инглиз график-рассоми Уильям Малреди шарафига шундай деб аталган). Лойиҳада тўлов амалга оширилганини тасдиқлаш учун икки усулдан фойдаланиш таклиф этилади жўнатмаларга елимлаб ёпиштириладиган махсус квитанция ва конвертни жорий этиш.

Конвертлар энг сифатли ипак қоғоздан чоп этилган, ранги ва нархи бўйича маркаларга мос бўлган. «Малреди конвертлари» ва почта маркалари бир кунда – 1840 йил босиб чиқарилган. Қизиғи шундаки, конвертлар қанчалик жозибали бўлмасин, аҳоли эътиборини қозона олмаган, маркалар эса, аксинча, бутун сайёрамиз бўйлаб тарқала бошлаган. Шундай қилиб, 1840 йилнинг 15 майида «Малреди конвертлари»га елимлаб ёпиштирилган дастлабки 5 та марка Бостонга жўнатилган. Маркалар 1840 йил улкан ададда – 75 млн. нусхада чоп этилган бир кун келиб жуда ноёб бўлиб қолишини ким ўйлабди дейсиз.

1840 йил 6 майда маркалар расман муомалага киритилади. Ҳозирги вақтда ўша куни жўнатилган 30–40 та хат сақланиб қолган.

Уларнинг орасида битта эмас, ўнта марка тўлаб жўнатилган хат ҳам бор. Ичига ҳужжатлар солинган бу хат Лондондаги «Оливерсон, Денби ва Севи» адвокатлар идораси томонидан Шотландияга жўнатилган. Конвертда «мальта хочи» шаклидаги штемпелни ва «LS .6MY 6. 1840» деган ёзувни кўриш мумкин. Ана шу сана дастлабки штемпель ва маркалар пайдо бўлган кун, деб эътироф этилади.

Телеграф (1832 йил) кашф этилиши билан миллионлаб кишилар ўртасида мулоқот воситаси сифатида хизмат қилиб келган почта алоқасининг ўрни ва аҳамияти асло пасайгани йўқ. Аксинча, аксарият мамлакатларда почта ва телеграф ягона тизимга бирлашиб, фаолият юрита бошлади. Шундай бўлса ҳам, бу икки алоқа турининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи катта қизиқиш уйғотиши табиийдир.

«Телеграф» аслида юнонча «tele»(узоқ) ва «grafo» (ёзаман) сўзларидан келиб чиққан. Бугунги иборалар билан айтганда,телеграф – сим, радио ёки бошқа алоқа тармоқлари орқали сигнал бериш воситаси ҳисобланади. Дастлабки телеграфлар симсиз бўлган, чунки хат орқали боғланиш ёки қандайдир маълумотни узоқ масофага етказиш усулларини кашф этишдан олдин, юқорида зикр этилганидек, кишилар товуш чиқариш, гулҳан ёқиш, барабан чалиш орқали бир-бирига маълумот етказган. Маълум маънода буларни ҳам телеграфнинг ибтидоий шакллари, дейиш мумкин.

1832 йил рус олими П.Л. Шиллинг биринчи электромагнит телеграфга асос солади. 1872 йил француз кашфиётчиси Жан Морис Эмиль Бодо кўп марта фойдаланиш имкониятини берадиган телеграф аппаратини яратиб, бир томонга фақат битта сим орқали икки ва

ундан кўпроқ маълумот узатиш мумкинлигини исботлаб берган. 1930 йил телефон шаклидаги дискли номер терувчидан иборат стартстоп телеграфи пайдо бўлади. Бу қурилма кўплаб афзалликларга эга бўлиб, телеграф тармоғи абонентларини аниқ белгилаш ва улар ўртасида тез алоқа ўрнатиш имконини яратган. Кейинчалик бундай қурилмалар «телекс» деб юритиладиган бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, 1753–1939 йиллар, яъни қарийб бир аср мобайнида телеграф тарихида 50 га яқин турли қурилмалар кашф этилган ва айримлари қоғозда қолиб кетган, бироқ замонавий телеграфнинг шаклланиши ва ривожланишига пойдевор сифатида хизмат қилган тизимлар ҳам бўлган.

1874 йилда биринчи халқаро почта конгрессида 22 мамлакат вакиллари иштирокида Умумий ягона почта шартномаси имзоланади ва Умумий почта иттифоқи (1878 йилдан – Жаҳон почта уюшмаси) ташкил этилади.

## XIX – XX асрларда ўлкамизда почта ва телеграф

Бу даврнинг дастлабки босқичларида юртимизда хат-хабарларни етказишда махсус аравалардан фойдаланилган. Хабар олиб ташийдиган енгил араваларнинг тезлиги анча юқори бўлган. Бундай усулда хат-хабар етказиш махсус почта йўллари барпо этишни тақозо этарди. Туркистонда бундай почта йўллари XIX аср охирларида қурила бошланган. Дастлаб Тошкент – Самарқанд почта йўли қурилган бўлса, XX асрнинг бошларида Самарқанд – Термиз почта йўли барпо этилган эди. Самарқанддан амирлик худудидаги Китоб, Шаҳрисабз ва Ғузор шаҳарлари орқали ўтган бу почта йўли бўйлаб 14 та почта бекати қурилган бўлиб, бекатлар оралиғи 16 –26 км ташкил

этган ва ҳар бир бекатда доимо захирада турадиган от-аравалар бўлган. XX асрнинг бошларида бир неча от қўшилган почта аравалари Самарқанд – Термиз почта йўли бўйлаб Термиздан Самарқандга шошилинч хабарларни 40 соатда етказиши шарт бўлган. Бу даврда почта алоқаси тармоғи асосан шаҳарларда шаклланган бўлиб, қишлоқ жойларда деярли ривож топмаган. Айрим вилоятларда губерния почтасидан мустақил бўлган ва тегишли вилоят корхоналарига почта жўнатмаларини етказиб берадиган ўз почта алоқаси тизимини ташкил этишга эҳтиёж туғилган. Ўша пайтларда почтанинг иш сифати ва самарадорлиги жуда паст эди: сифатли ва яхши йўллар бўлмагани учун почта жўнатмалари жуда секин етказилган. Трактлар бўйича почта жўнатмалари асосан от-аравалар билан ташилгани учун хат-хабарлар ҳафталаб, ойлаб ўз эгасига етиб борган. Почта араваларини қуролланган посбонлар қўриқлаб борган. 1965–1868 йилларда почта йўлларидаги араваларнинг хавфсизлигини икки қуролланган почтачи ва 10 та казак аскари таъминлаган. Казаклар ҳар бир почта работида махсус сақлаб турилган. Шунга қарамасдан, шаҳарлар ўртасидаги почта алоқаси мунтазам йўлга қўйилмаган.

1868 йил бошларида Тошкентда Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари почта шохобчалари бошқармаси ташкил этилади. Ўша йили бундай шаҳобчалар Самарқанд, Қарши, Китоб, Шаҳрисабзда, 1873 йил эса Хива ва Бухорода пайдо бўлади.

Бу даврда, аҳолининг камдан-кам ҳолларда почта хизмати шаҳобчаларига мурожаат этгани боис, уларнинг даромади паст бўлган. Масалан, 1886 йилда ўлка ҳудудида хизмат кўрсатадиган 10

та почта-телеграф шохобчасининг йиллик даромади 127616 сўмни ташкил этган, холос. 1887 йил Ўзбекистон ҳудудидаги энг йирик Тошкент почта-телеграф корхонасида атиги 9400 та посилкага ишлов берилган, 23300 пул ўтказмаси қайд этилган, 14400 та марка сотилган (қиёслаш учун айтиш мумкинки, фақат 1940 йилнинг ўзида республика почта алоқаси ходимлари томонидан 40220 минг хат, 1225 мингта пул ўтказмаси, 960 мингта посилка, 1463 мингта телеграммага ишлов берилган (ажратилган, сараланган, тегишли белгилар қўйилган), эгасига етказилган ва 290 мингдан зиёд шаҳарлараро телефон сўзлашуви амалга оширилган, одамларга 35032 мингта хат, посилка ва пул ўтказмалари етказиб берилган). Кейинги босқичда алоқа воситалари асосан янги почта телеграф корхоналарини ташкил этиш ҳисобидан ривожланган.

1905 йил май ойида Самарқанднинг эски шаҳар қисмида почта телеграф корхонаси пайдо бўлади. 1912 й. Тошкентда почтамт биноси барпо этилиб, унинг икки бўлими фаолият юрита бошлайди.

1913 йилга келиб, почта трактларининг умумий узунлиги 2640 км ташкил этади, улардан 1362 км почта трактларига ижарага олинган транспорт воситалари хизмат кўрсатади. Бу даврда Ўзбекистонда жами 32 та почта алоқаси бўлими фаолият юритади, 224 та почта қутиси, жумладан, Тошкентда – 55 та, Марғилонда – 15 та, Бухорода – 10 та, Наманганда – 5 та, Самарқандда – 8 та, Урганчда – 4 та шундай қути бўлган. Ўша пайтларда Ўзбекистон бўйича жон бошига ўртача 0,9 та хат, жумладан, Андижонда – 1,6 та, Бухорода – 1,8 та, Самарқандда – 1,2 та, Урганчда – 0,7 та, Наманганда – 0,8 та, Тошкентда – 3 та хат тўғри келган.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида ўлкамизда пул товар муносабатларининг ривожланиши, савдо-саноат буржуазиясининг пайдо бўлиши яққол кўзга ташланади. Банк капитали ва хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларнинг жадаллашуви почта алоқаси ривожига янги туртки беради. Бу эса талабнинг ошиши, мижозлар таркибининг кенгайиши, почта жўнатмалари ҳажмининг ортишига олиб келади. Юртимизда алоқа воситаларининг ривожланишида ўша пайтларда бошланган темирйўл қурилишининг ўрни ва аҳамияти катта бўлган. XIX асрнинг охирида алоқанинг янги тури – почтани темирйўл орқали ташиш йўлга қўйилади.

Айни шу даврда почта алоқасининг янги хизмат турлари қимматбаҳо хат ва бандероллар, пул ўтказмаларини етказиб бериш жорий этилади. Бу даврда почта алоқаси билан бир қаторда телеграф алоқаси ҳам вужудга келиб, аста-секин такомиллашиб боради.

1873 йил июнида Тошкент – Оренбург халқаро телеграф тармоғи фаолият юрита бошлайди. Бу бугунги Ўзбекистон ҳудудида қурилган ва Тошкентни Россиянинг марказий шаҳарлари билан боғлаган илк телеграф тармоғи эди. 1874 йил ишга туширилган иккинчи телеграф тармоғи Тошкентни Чимкент билан боғлайди.

1876 йил ўлканинг йирик шаҳарлари – Самарқанд, Янги Марғилон, Каттақўрғонда, 1884–1900 йй. – Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида, 1901 й. эса – Фарғона водийсидаги айрим шаҳарларни (Қўқон – Андижон, Наманган – Чуст ва ҳ.) бир-бири билан боғлаган телеграф алоқаси йўлга қўйилади. Бундан ташқари, етиб бориш қийин бўлган айрим тоғли ва водийларнинг паст-баланд ҳудудларида

асосан ёз ва куз мавсумида алоқанинг Қуёш нуридан фойдаланишга асосланган гелиографиктури ҳам қўлланган.

1881–1883 йй. телеграф алоқаси Марғилонни Андижон, Наманган, Ўш, кейинчалик Қўқон, Чуст ва Наманган билан боғлайди. 1869–1899 йй. Самарқандни Андижон билан боғлаган ва ўша давр техник талабларига жавоб берадиган телеграф тармоғи қурилиб, ишга туширилади. Агарда дастлабки тез ишлайдиган ва ҳарф босадиган Юза аппарати 1871 йил Тошкент почта корхонасида Оренбург билан алоқа боғлаш учун ўрнатилган бўлса, 1913 йилга келиб, ушбу аппаратлар ёрдамида 9 та шаҳар билан телеграф алоқаси йўлга қўйилади.

Иқтисодий ривожланиш, шаҳарларда саноат, банк-молия муассасалари корхоналарининг пайдо бўлиши юртимизда шаҳар ва шаҳарлараро телефон
алоқасининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

1887 йил округ бошлиги уйи ва Тошкент почта-телеграф корхонаси ўртасида илк телефон алоқаси ўрнатилади.

1891 йил Тошкентда умумий тарзда фойдаланиш учун мўлжалланган телефон тармоғи йўлга қўйилади. 1901 йил га келиб, Тошкентда телефон тармоғидан фойдаланувчи абонентлар сони 55тага етади. 1904 йил Тошкентда «Сименс ва Гальске» фирмасининг 200 рақамга мўлжалланган ва қўл билан ишлатиладиган илк давлат телефон станцияси жорий этилади. Бундай станциялар ўлкамизнинг бошқа шаҳарлари (жумладан, Самарқандда) ва минтақаларида ҳам пайдо бўлади. Масалан, 1895 йил Хивада Швециянинг «Л.М.

Эриксон» фирмасининг 20 рақамга мўлжалланган қўл телефон станцияси ишга туширилади. 1917 йил келиб, Хивада юзга яқин телефон аппаратлари ишлатилади, 1927 йил 40 рақамга мўлжалланган МБ -40 коммутатори фойдаланишга топширилади.

1911 йил ўлкамизда жами 85 та алоқа корхонаси бўлган. 1914 й.Тошкентда 942 та абонент ҳам темирйўлнинг йўловчи вокзалида, шаҳар маҳкамасида, Тезкор товар корхонасида, Якшанба бозорида ва Кичик тезликдаги товар станциясида 5 та телефон-автомат ўрнатилади. 1915 йил Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудида 60 та рақамга мўлжалланган қўшимча телефон станцияси ишга туширилади. Бу даврда бир алоқа корхонасининг хизмат ҳажми қарийб 18,8 км.ни ташкил этиб, у 58 минг кишига хизмат кўрсатган. Албатта, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида телеграф ва телефон аппаратлари билан билан жиҳозланган почта алоқаси корхоналари аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлмаган, ўлкамиз ҳудудининг жуда катта қисмида эса телеграф ва телефон алоқаси умуман йўлга қўйилмаган эди. Масалан, юртимизда аҳоли жон бошига ўртача 0,25 телеграмма тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Россиянинг марказий ҳудудларида бир неча бор юқори бўлган. Бундан ташқари, 1917 йил бошида мамлакатдаги 10 та телефон станциясидан 9 таси хусусий шахсларга тегишли бўлиб, асосан уларга хизмат қилган. Бу даврда биралоқа корхонаси 150 минг аҳоли истиқомат қиладиган 6400 кв.км ҳудудга хизмат кўрсатган.

Фуқаролик уруши почта алоқаси корхоналари фаолиятига катта зиён етказди. 1918 й.га келиб, деярли барча телеграф тармоқлари вайрон этилган, кўпгина почта-телеграф корхоналарининг мол-мулки

талаб кетилган эди. Шунинг учун 1919 й.нинг ўрталарига келиб, илгари ўлканинг 22 та шаҳарлари билан алоқа боғлаб турган Тошкент телеграф корхонаси атиги 6 та шаҳар билан боғлана олган.1925 йил республикада 51 та, 1926 йил – 250 та, 1927 йил – 392 та алоқа корхонаси фаолият юритган.Ўзбекистонда шаҳарлараро телефон алоқасининг йўлгақўйилиши 1924 йил Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида илк ҳаво телефон тармоғи қурилиши билан узвий боғлиқдир.

1926 йил бу борада муайян ютуқлар қўлга киритилди: ўша йили Тошкент – Самарқанд, Самарқанд – Даҳбед – Каттақўрғон алоқа тармоғи ишга туширилди, шаҳарлараро телефон тармоқлари капитал таъмирланди.

1930 йил Тошкент ва Андижон ўртасида Қўқон ва Фарғона билан ҳам боғланиш имкониятини яратадиган биметаллик телефон тармоғи ишга туширилади. Шундай қилиб, Тошкентдан бир канал орқали Самарқанд билан шаҳарлараро телефон алоқаси йўлга қўйилган бўлса, иккинчи канал орқали муайян жадвал бўйича Андижон, Фарғона ва Қўқон билан телефон орқали боғланиш имконияти туғилган. Бундан ташқари, Тошкентга нисбатан яқин жойлашган туманлар Пскент, Оққўрғон, Қибрай ва бошқа аҳоли пунктлари билан телефон орқали боғланиш мумкин бўлган. Бу даврда телеграф алоқаси ҳам янада ривожланади. Масалан, 1929 йил телеграф тармоқларини қуриш учун 41600 та устунга буюртма берилган, Москва – Тошкент йўналиши бўйича бронза телеграф магистралини қуришга киришилган, Самарқанд Бухоро, Бухоро – Чоржўй йўналишлари бўйича хром бронза, Қўқон – Ҳавост, Самарқанд –

Гузор. Термиз, Жаркўргон, Қовунчи – Мирзачўл, Янгиқўрғон – Жиззах. Душанбе –Термиз йўналишлари бўйича эса пўлат телеграф симлари тортилган. 1930–1931йилллар Пастдарғом, Нарпай, Булунгур, Оҳангарон, Хатирчи, Бувайда, Манғит ва бошқа туман марказлари билан алоқа боғлаш учун телефон-телеграф тармоқлари қурилиб, ишга туширилган. Телефон тармоқлари тизими ривожланиб борган сари қўл ёрдамида хизмат кўрсатиладиган эски телефон стациялари ўрнига автоматик телефон станцияларини жорий этишга эҳтиёж пайдо бўлади. Автоматик станцияларни қуриш зарурати эса АТС ларнинг энг самарали тизимини жорий этиш масаласини келтириб чиқарди. 1932 йил 8 сентябрида Тошкентда Швециянинг «Л.М. Эриксон» фирмасида яратилган ва 5000 та рақамга мўлжалланган АТС -В3 автоматик телефон тизими жорий этилди.

Қарийб 30 йил мобайнида бу Тошкентдаги ягона станция бўлиб келган. Кейинчалик унинг сиғими 10000 та рақамга етказилган. 1932 йил Москва – Тошкент магистраль телефон тармоғини қуриш ишлари бошланиб, 1939 йил фойдаланишга топширилди. 1935 йилга келиб, қишлоқ кенгашларининг 40 фоизи, совхозларнинг 50 фоизи, машина-трактор станцияларнинг 81,2 фоизи туман марказлари билан телефон алоқасига эга бўлган. Алоқа ходимлари мазкур жамоаларни телефон тармоғи билан тўлиқ қамраб олиш учун изчил чора-тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қилган. Бу даврда шаҳарлараро телефон алоқасини ривожлантириш билан бирга, 20 та янги туман телефон станцияси қурилган. Ўзбекистон бўйича 70 та сўзлашув пунктига эга бўлган 17 та шаҳарлараро телефон стацияси қурилиб, ишга туширилган. Бу даврда почта-телеграф муассасалари

тармоғи ҳам анча кенгайган. Агарда 1913 йил Ўзбекистон ҳудудида атиги 35 та почта телеграф муассасаси фаолият юритган бўлса, 1941 йил уларнинг сони 110 тага етган, почта йўлларининг умумий узунлиги 1300 км.ни ташкил этган, барча йирик шаҳарлар ўртасида телеграф алоқаси йўлга қўйилган. Почта алоқаси муассасалари аҳолига хат, газета ва журналлар, бандероллар, пул ўтказмалари, пенсия ва нафақаларни мунтазам етказиб берган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида почта корхоналари тармоғи етарли бўлмагани учун кўплаб ходимларнинг жуда катта сафарбарлик ва жонбозлик билан меҳнат қилишига тўғри келган. Агар урушдан олдин битта почта бўлими 9243 та кишига хизмат кўрсатган бўлса, уруш йиллари мижозлар сони учдан бирига кўпайган. Урушгача Тошкент почтамтида тахминан 900 та мижозга хизмат кўрсатилган бўлса, уруш йиллари уларнинг сони ўн баробар ошган. Урушдан олдин Фарғона вилоятида битта телефон станцияси ўртача 28,8 минг кишига хизмат кўрсатган бўлса, уруш йилларида бу кўрсаткич 84,9 мингтага етган. Бир сўз билан айтганда, бу даврда почта алоқаси ходимлари, бутун юртимиз аҳолиси сингари, ҳар бири ўзининг иш жойида душман устидан ғалаба қозониш учун фидокорона меҳнат қилган. Урушдан кейинги даврда ҳам почта алоқаси анча ривожланди, юзлаб почта бўлимлари ташкил этилди, янги корхоналар қурилиб, ишга туширилди. 60-йилларнинг бошидан эътиборан барча вилоят ва туман марказларига вақтли даврий матбуот (газета ва журналлар) нашрлари босилган куни етказиб бериладиган бўлди. Бу даврда почта ва матбуотни ташишда авиация, темирйўл ва автомобиль транспортидан кенг фойдаланилди. 1960 йилда

вилоятлараро почта трактларини механизациялаш жараёни якунига етказилди. 1972 йил эса Тошкент почтамти почта ташиш бўлимининг янги биноси (ишлаб чиқариш майдони 4 минг кв.м) қурилиб, ишга туширилди. Шу йилдан эътиборан мазкур бўлим Темирйўллар қошидаги почтамтга (ТЙҚП ) айлантирилади. 1975 йил у Тошкент шаҳар алоқа ишлаб чиқариш-техник бошқармаси таркибига киритилди. 1990 йилда бу ерга ҳар куни 445 минг хат, 44 минг посилка, 29 минг қоп даврий матбуот, 5 минг бандероль ва қимматбаҳо хатлар келибтушгани мазкур почта алоқаси бўлимининг иш кўламидан яққол далолат беради. Келаётган почта ҳамда транзит жўнатмаларга ишлов бериш учун бўлинма паркида 98 та махсус вагон бўлган. Эътиборли жиҳати шундаки, ўша пайтлар Тошкент алоқа тармоғи Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозогистон ва бошқа минтақалардаги почта алоқаси корхоналари учун почтани саралаш ва етказиб беришда етакчи ўрин эгаллаган. Табиийки, бу даврда почтани етказиб беришда фақат темирйўл транспорти воситасидан фойдаланилмаган. Вилоятлараро, айниқса, туманлараро почта айрбошлаш жараёнида автомобиль транспортининг ўрни катта бўлган. Хусусан, поезд ёки ҳаво йўллари орқаливилоят марказига етказиб берилган почта айнан автомобиль транспорти ёрдамида туман марказлари, шаҳарчалар ва чекка қишлоқларга ташилган. Ҳатто мамлакатимизда темирйўллар тармоғи анча ривож топган, барча вилоят марказлари ва йирик шаҳарларга миллий авиакомпания самолётлари мунтазам парвоз қилаётган ҳозирги даврда ҳам почтани етказиб беришда автомобиль транспортининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Бугунги кунда Фарғона водийси вилоятлари, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда бошка минтақалар шаҳар ва қишлоқлардаги корхоналар ва аҳолига мўлжалланган почта 529 йўналиш бўйлаб айнан автотранспорт воситасида етказиб берилмоқда.

Ўтган асрнинг 80 йилларида илм-фан ютуқларига таянган ҳолда шаҳарлараро телефон алоқаси техник воситаларининг ривожланиши, дастур асосида бошқариладиган электрон автоматик телефон станцияларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш,рақамли маълумот етказиш тизимларининг жорий этилиши кўзга ташланади.

1981 йил бошларида Тошкентда шаҳарлараро телефон станцияси негизида илк бор махсус халқаро хизмат ташкил этилди. Европа, Осиё ва Американинг кўплаб мамлакатлари билан тўғридан-тўғри халқаро каналлар тармоғи йўлга қўйилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, узоқ хориж мамлакатлари билан халқаро алоқа каналларини ўрнатишга эҳтиёж пайдо бўлди. 1992 йил Япониянинг кўмаги билан «Интелсат» халқаро спутники орқали узоқ хориж мамлакатлари (Англия, Япония,Исроил, Ҳиндистон ва ҳ.) билан бевосита боғланиш имкониятини берадиган космик алоқа станцияси қурилиб, ишга туширилди.

Телеграф каналларининг ривожи телеграммаларни ярим автомат тизим ёрдамида ишлов беришдан тўғридан-тўғри автоматик коммутация алоқа каналларига ўтиш имкони берди. Бу ўз навбатида, телеграммаларни телеграф тармоқлари орқали эмас, бевосита алоқа бўлимларига етказиш имкониятини яратди.

Дастлабки телеграф алоқа станциялари 1966 йил пайдо бўлиб, 1974 йил Самарканд ва Бухорода жорий этилган. 1978 йил Тошкентда Югославиянинг «Никола-Тесла» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган АТА -ПС -ПД станцияси фойдаланишга топширилган. 1980 йилга келиб телеграф алоқаларнинг 87 фоизи бевосита алоқа тизими бўйича йўлга қўйилган.

Ҳисоблаш техникаси ва ахборот етказиш тизимлари соҳасида эришилган илмий-техник тараққиёт республикадаги мавжуд телеграф алоқаси тармогини янада такомиллаштиришда ЭҲМ дан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратди.1982 йил Тошкент телеграфида ЕС 1033 ЭҲМ негизида (кейинчалик у ЕС 1036 русумли ЭҲМ га алмаштиралади) Маълумотлар коммутацияси маркази ташкил этилди. Бу ўз навбатида, бир сонияда 3 тагача телеграммани узатиш ва ходимлар сонини 100 гача қисқартиш имконини берди.1990 йилдан Республикада ҳам телеграммаларни, ҳам аҳоли учун зарур маълумотларни тезкор узатиш имкониятига эга бўлган факсимил аппаратлар жорий этилмоқда, абонентлар телеграфи тизими учун терминал қурилмалар сони кўпайиб,сифати яхшиланмоқда, алоқанинг электрон шаклларига ўтилмоқда, газеталарни номарказлашган тарзда узатиш тармоғи кенгаймоқда.

## Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси почта алоқасида амалга оширилган ислоҳотлар

Почта алоқаси ягона ахборот тизимини ривожлантириш ва уни қўллаб қувватлаш, шу билан бирга миллий иқтисодиётнинг бир қатор муҳим сегментларини ривожлантиришга хизмат қилиш билан биргаликда, халқ хўжалигининг ажралмас қисми сифатида эътироф

этиб келинади. Шунингдек, почта алоқаси корхоналари ўзида давлатга, тижорат ва молия ташкилотларига, бошқарув органларига ва аҳолига коммуникацион хизмат кўрсатувчи йирик масштабдаги тақсимот тизимини мужассамлаштирган бўлиб, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнайди.

Республикамиз мустақиллиги йилларидан бошлаб почта алоқаси соҳаси бир қатор ислоҳотлардан ўтди. Хусусан:

- 1991 йилда почта ва электр алоқа тармоқларини ажратиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида почта алоқаси ва союзпечат корхоналари негизида почта алоқаси мустақил корхонаси (бирлашмаси) ташкил этилди, 1992 йилда почта алоқаси корхонаси таъсисчиларининг йиғилиши қарори билан «Ўзбекистон почтаси» концерни ташкил топди;
- 1994 йилнинг 24 февралида «Ўзбекистон почтаси» концерни Бутунжаҳон почта иттифоқи аъзолигига қабул қилинди;
- 1997 йилда почта алоқасини, ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни бошқаришни янада такомиллаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш ва соҳага хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 июлдаги “Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1823-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги фаолиятини

ташкил этиш ҳақида»ги 380-сон қарорига асосан, «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди;

- 2000 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди;

- 2004 йил почта алоқасини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек "Почта алоқаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда 2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг қабул қилинган дастурини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги "Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида"ги 339-сон қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида»ги 339-сон қарорига мувофиқ «Ўзбекистон почтаси» давлатакциядорлик компанияси ва таркибидаги акциядорлик жамиятлари негизида «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди ва аввалги вилоят акциядорлик жамиятлари филиалларга айлантирилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720-сон Фармонига асосан "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Айни вақтда давлатимиз почта алоқаси аҳолига қатор хизматларни тақдим этиб келмоқда ва улар қуйидагича таснифланган :

**1. Почта алоқаси хизматлари (асосий хизматлар):**

-ички ва халқаро хатларни етказиб бериш (оддий, буюртмали, қиммати элон қилинган);

- ички ва халқаро почта варақчаларни етказиб бериш (оддий, буюртмали);

- ички бандеролларни етказиб бериш (оддий, буюртмали, қиммати эьлон қилинган);

- ички ва халқаро секограммаларни етказиб бериш (оддий, буюртмали);

- ички ва халқаро посилкаларни етказиб бериш (оддий, қиммати эьлон қилинган);

- ички ва халқаро майда пакетларни етказиб бериш (оддий, буюртмали);

- ички ва халқаро махсус ўралган даврий нашрларни етказиб бериш;

- ички пул ўтказмаларини етказиб бериш (гибрид ва электрон);

- халқаро пул ўтказмалари (оддий ва электрон).

**2. Курьерлик доирасидаги хизматлар:**

-почта варақчаларни етказиб бериш (ички ва халқаро);

-хатларни етказиб бериш (ички ва халқаро);

-бандеролларни етказиб бериш (ички);

-посилкаларни етказиб бериш (ички ва халқаро);

- махсус ўралган даврий нашрларни етказиб бериш (ички ва халқаро).

**3. Шартномавий хизматлар :**

1.Даврий нашрларга обуна қабул қилиш;

2.Пенсия ва нафақа пулларини етказиш;

3.Телеграммаларни қабул қилиш ва етказиш;

4.Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашуви;

5.Коммунал хизмат тўловларини қабул қилиш (телефон, электр-энергия, иситиш, иссиқ сув ва бошқа тўловлар);

6.Даврий нашрлар газета, журнал ва китобларнинг чакана савдоси;

7.Товарлар чакана савдоси.

**4. Қўшимча хизматлар:**

- почта маркалари ва филателистик маҳсулотларнинг чакана савдоси;
- посилкаларни сақлаш;
- почта жўнатмаларини ўровлаб бериш;
- посилкаларни мато билан ўровлаб бериш;
-манзилларни ёзиб бериш ва турли хил бланкаларни тўлдириб бериш;
- абономент қутиларини фойдаланишга бериш;
-жўнатувчи сўровига кўра посилкани қайта ўровлаб бериш;
- бандеролларни жойлаш учун қутилар, посилкаларни жойлаш учун қоплар савдоси.

## 2§. Почта алоқаси объектларини замонавийлаштириш

Дунё тенденцияларига асосан кўпгина мамлакатларда почта алоқаси соҳасини модернизациялаш, биринчи навбатда почта алоқаси хизматларини кўрсатишнинг ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялашга, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб, хизматларнинг янги турларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

2004 йил 19 июлдаги "Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида"ги 339-сонли қарорига мувофик 2005 йилда "Почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизмат турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида"ги 128-сонли қарори Ўзбекистонда почта соҳасини замонавийлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

«Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 19 июлдаги 339-сон қарорига мувофиқ «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида универсал хизматларни эксклюзив амалга оширувчи миллий оператор ҳисобланади, шунингдек халқаро почта айирбошлашни амалга оширади.

Почта хизматлари бозорида анъанавий хизматлар, шу жумладан ёзма хат-хабарларни, жўнатмаларни, почта пул жўнатмаларини юбориш ва бошқа хизматлар кўрсатилади.

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти табиий монополист ҳисобланадиган почта алоқасининг маҳаллий хизматлари сегментидан фаркли равишда, халқаро хизматлар сегментида кучли рақобат мавжуд, қатор маҳаллий, хорижий фирмалар фаолият кўрсатиб келади.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ табиий монополиялар субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш умумий равишда

фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари кўрсатиш соҳасида белгиланган.

Почта алоқаси шаҳобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизмат турларини жорий этиш ва ривожлантириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш заруриятини қуйидагича изоҳлаш ўринлидир:

асосий воситалар ва мол-мулкнинг (почта тарозилари, мебеллари ва шу кабилар) эскириши 57 фоизни, почта автотранспорти парки бўйича — 73 фоизни ташкил қилганлиги. Бу минтақаларда почта жўнатмаларини айирбошлаш ва манзиллар бўйича ажратиш жараёнининг тезлигига салбий таъсир кўрсатганлиги ҳамда уларни етказиб бериш муддатларини қисқартириш имконини бермаётганлиги (вилоят марказлари ўртасида 3 кун, бошқа аҳоли пунктларигача -10 кунгача).

- Ахборот-коммуникация технологияларининг етарли жорий этилмаганлиги сабабли почта алоқаси корхоналари томонидан хизматларнинг янги турлари кўрсатилмаётганлиги, почта жўнатмаларини ишлов бериш ва етказиб беришни автоматлаштириш даражаси пастлигича қолаётганлиги. Юқоридаги ҳолатлар кўрсатилаётган хизматлар сифатига жиддий таъсир кўрсатиши, 2005 йилда "Почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизмат турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида"ги 128-сонли қарорининг долзарблигини белгилаб берди.

Дастурнинг асосий мақсади замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида хизматларнинг янги

турларини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг барча ҳудудида почта алоқаси универсал хизматларининг кафолатли ва сифатли кўрсатилишини таъминлашдан иборат.

Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги мақсадли вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган:

- норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, почта алоқаси фаолият кўрсатишининг бозор механизмларини кенг жорий этиш, тармоқда замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, рақобатни ривожлантириш;

- умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шаҳобчаларини замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

- хизматларнинг янги турлари комплексини жорий этиш, уларнинг турларини кенгайтириш, сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

- почта алоқаси тармоқларида янги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш;

- умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шаҳобчалари инфратузилмасини замонавийлаштириш ва ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш.

Ахборот-коммуникация технологиялари негизида почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири почта шаҳобчаларини замонавийлаштириш бўлиб қуйидаги вазифалар белгиланган:

- турли хил почта жўнатмаларини етказиб беришда аниқ тарификацияни таъминлаш учун почта алоқаси узелларини ва бўлимларини зарур миқдордаги электрон ўлчов воситалари билан жиҳозлаш;

- вилоятлараро, вилоятлар ва туманлар ички автомобиль почта йўналишларини мақбуллаштириш учун минтақалараро айирбошлаш пунктларини ташкил этиш;

- почта жўнатмаларини ва пул маблағларини ташувчи почта автомобиль техникаси паркини янгилаш, шунингдек уларни кўчма алоқа воситалари билан қўшимча жиҳозлаш;

- почта алоқаси корхоналарида видеокузатиш ва фойдаланишни электрон назорат қилиш тизимларининг техник имкониятларини кенгайтириш;

- почта жўнатмаларини ва даврий матбуотни ишлаш, манзиллар бўйича ажратиш айирбошлаш пунктларини портатив рентген-телевизион қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек қўлда ишлатиладиган металл детекторлар билан қўшимча жиҳозлаш.

Дастурда шунингдек почта алоқасининг тақдим этаётган хизматлари спектрини кенгайтириш вазифалари, хусусан почта алоқасининг янги хизмат турлари комплексини жорий этиш:

- почта хизматлари - электрон почта, гибрид почта, электрон почта маркаси, «Товарларни почта орқали етказиб бериш», почта жўнатмаларини етказиб беришни Интернет ёки телефон орқали назорат қилиш тизими;

- интерактив хизматлар - компьютер технологияларига асосланган сўзлашув пунктларидаги телефон, факсимил алоқа хизматлари,

электрон маълумотнома тизими, Интернетдан фойдаланиш;

- молиявий хизматлар-пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда молиявий тўловлар бўйича операциялар, электрон пул ўнатмалари, ҳисоб-китоб-касса операциялари бўйича хизматлар;

- почта жўнатмаларини ишлаш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларида янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

Шунингдек, почта алоқаси соҳасида АКТ ни кенг жорий этиш йўналишлари, яъни почта алоқаси шаҳобчаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш:

- почта жўнатмаларини етказиб бериш, ишлаш, манзиллар бўйича ажратиш ва мониторингини юритиш тизимини тегишли равишда замонавийлаштирган ҳолда почта инфратузилмасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

- маълумотларни узатишнинг мавжуд корпоратив тармоғини замонавийлаштириш йўли билан почта алоқасининг автоматлаштирилган тизимини яратиш, унга почта алоқасининг барча филиалларини, туман, шаҳар узеллари ва бўлимларини улаш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги хизматлар турларини кўпайтириш учун иш ўринларини компьютер технологиялари билан тегишли равишда жиҳозлаш;

- маълумотлар узатиш тармоғи орқали газеталарга, даврий, бошқа матбаа нашрларига ва турли товарларга буюртмаларни қабул қилиш, шунингдек уларни буюртмачиларга тегишли почта алоқаси бўлимлари орқали етказиб бериш йўли билан электрон савдо тизимини ташкил этиш;

- маълумотлар узатишнинг замонавий технологиялари (АТМ, Фраме Релай, Фаст Этхернет, Гигабит Этхернет) ни қўлланган ҳолда халқаро пул жўнатмаларини етказиб бериш бўйича почта алоқаси хизматлари кўрсатишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

- 2002-2010 йилларда компьютерлаштиришни ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга оширишда қатнашиш ва бошқалар.

Бундан ташқари почта соҳасида фаолият олиб боришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишида:

- қонун ҳужжатларини халқаро амалиёт ва стандартлар талабларига мувофиқлаштириш юзасидан уларга ўзгартиришлар киритиш, тегишли фаолият турлари бўйича умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича почта операторлари фаолиятини лицензиялаш механизмини жорий этиш;

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қароридан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси корхоналари томонидан пенсиялар ва нафақаларни етказиб бериш бўйича норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш;

- ахборот-коммуникация технологияларини қўлланган ҳолда почта хизматларини жорий этиш ва кўрсатиш бўйича фаолиятни тартибга соладиган почта алоқасининг тармоқ ишлаб чиқариш-технологик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Дастурда белгиланган вазифалар ва чоратадбирлар тадбирлар режасига биноан (1.2-жадвал) 2005-2010 йиллар мобайнида боскичма боскич амалга оширилди.

Биринчи босқичда (2005-2007 йиллар) қуйидагилар назарда тутилган:

- телекоммуникациялар тизимини яратиш, унга тегишли микдорда иш ўринларига эга бўлган почта алоқасининг 14 та минтақавий ва битта ихтисослаштирилган филиалини, 189 та туман ва шаҳар узелларини ҳамда 622 та шаҳар ва кишлок алоқа бўлимларини улаш;

- почта алоқасининг автоматлаштирилган узеллари ва бўлимларида ахборот-коммуникация технологияларига асосланган янги хизмат турларини ташкил этиш ва жорий қилиш;

-автомобиль паркини янгилаш ва почта хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган махсус автомобиль техникасини сотиб олиш.

Иккинчи босқичда (2008—2010 йиллар) қуйидагилар назарда тутилган:

-почта алоқасининг қолган 1865 та шаҳар ва қишлоқ бўлимларини автоматлаштиришни тугаллаш, уларни ташкил этилаётган корпоратив тармоққа қўшимча равишда интеграциялаш;

-почта алоқаси бўлимлари негизида 1065 та фойдаланиш ўринларига мўлжалланган, Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиладиган 204 та минтақавий пунктлар ташкил этиш;

-почта алоқаси узеллари ва бўлимларини замонавий электрон ўлчов воситалари билан қўшимча жиҳозлаш;

-минтақавий почтани ишлаш ва етказиб бериш муддатларини

жадаллаштириш учун иккита минтакалараро айирбошлаш пунктлари ташкил этиш. Бугунги кунга кадар «Ўзбекистон почтаси» АЖ да 2010 йилдан сўнги ривожланишнинг бир катор ички дастурлари хам кабу килинди ва амалга оширилди. Хусусан 2011-2012 йиллар учун «Алока бўлимлари даражасида технологик жараёнларни автоматлаштириш ва АКТ асосида янги хизмат турларини ривожлантириш» лойихаси (2-боскич), Почта алокаси сохасини ижтимоий иктисодий ривожлантиришнинг энг мухим устивор вазифаларини белгилаш, хамда иктисодий ислохотларни чукурлаштириш,тизимни модернизация килиш, АКТ асосида янги хизмат турларини татбик этиш ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш юзасидан «Ўзбекистон почтаси» АЖ 2013-2016 йилларга мўлжалланган КОНСЕПЦИЯСИ ишлаб чикилди ва унда белгиланган чора тадбирлар боскичма-боскич амалга оширилди.

Айни вактда Жамиятнинг бошкарув структураси ва ташкилий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошкарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720-сон Фармонига асосан кайта тузиб чикилган ва бу структура 1.1.расмда келтирилган.

1.2.Жадвал. "Почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизмат турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури" ни амалга ошириш режаси

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар |
|---|---|---|---|
| | 2 | 3 | 4 |
| 1. | Почта алоқаси узеллари ва бўлимларини почта жўнатмаларининг ҳар хил турларини жўнатишда аниқ тарификацияни таъминлаш учун зарур миқдордаги электрон ўлчов воситалари билан жиҳозлаш. | 2005—2010 йиллар | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти |
| 2. | Вилоятлараро, вилоят ва туман ичи автомобиль почта йўналишларини мақбуллаштириш учун минтақалараро айирбошлаш пунктларини ташкил этиш. | 2008—2010 йиллар | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти |
| 3. | Почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташийдиган почта автомобиль техникаси паркини янгилаш ва уларни ҳаракатланадиган алоқа воситалари билан қўшимча жиҳозлаш. | 2005—2007 йиллар | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти |
| 4. | Почта алоқаси корхоналарида видеокузатиш ва электрон назорат тизимларининг техник имкониятларини кенгайтириш. | 2005—2007 йиллар | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти |
| 5. | Почта жўнатмаларини ишлаш, манзиллари бўйича ажратиш ва даврий матбуот айирбошлаш пунктларини портатив рентген-телевизион қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек уларни қўлда ишлатиладиган металл детекторлар билан қўшимча жиҳозлаш. | 2008—2010 йиллар | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти |
| 6. | Почта хизматлари – электрон почта, гибрид почта, электрон почта маркаси, Интернет ёки телефон орқали почта жўнатмаларининг ҳаракатини назорат қилиш тизими. Интерактив хизматлар – сўзлашув пунктларида компьютер технологияларига асосланган телефон, факсимил алоқа хизматлари, электрон маълумотнома тизими, Интернетдан фойдаланиш. Молиявий хизматлар – молиявий тўловлар бўйича операциялар, электрон пул жўнатмалари, ҳисоб-китоб-касса операциялари бўйича хизматлар. | 2005—2007 йиллар | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти |
| 7. | Почта жўнатмаларини ишлаш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш | 2005—2007 | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | жараёнларида янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш. | йиллар | агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти |
| 8. | Почта жўнатмаларини етказиб бериш, ишлаш, манзиллари бўйича ажратиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш тизимини тегишли равишда замонавийлаштирган ҳолда почта инфратузилмасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш. | 2005—2010 йиллар | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти |
| 9. | Маълумотлар узатишнинг мавжуд корпоратив тармоғини замонавийлаштириш йўли билан почта алоқасининг автоматлаштирилган тизимини яратиш, унга почта алоқасининг барча филиалларини, туман, шаҳар узеллари ва бўлимларини улаш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини кўрсатиш учун иш ўринларини компьютер технологиялари билан тегишли равишда жиҳозлаш. | 2005—2010 йиллар | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти |
| 10. | Маълумотларни узатиш тармоғи орқали газеталарга, даврий, бошқа босма нашрларга ва ҳар хил товарларга буюртмалар қабул қилиш йўли билан электрон савдо тизимини ташкил этиш ҳамда уларни почта алоқасининг тегишли бўлимлари орқали буюртмачиларга етказиб бериш. | Алоҳида жадвал бўйича | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти |
| 11. | Маълумотлар узатишнинг замонавий технологиялари (АТМ, Фрейм Релай, Фаст Этҳернет, Гигабит Этҳернет)ни қўллаган ҳолда халқаро пул жўнатмаларини жўнатиш бўйича почта алоқаси хизматлари кўрсатишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш. | 2005—2010 йиллар | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти |
| 12. | Қонун ҳужжатларини халқаро амалиёт ва стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан уларга ўзгартиришлар киритиш, фаолиятнинг тегишли турлари бўйича умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари кўрсатиш юзасидан почта операторлари фаолиятини лицензиялаш механизмини жорий этиш. | 2005—2006 йиллар | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги |
| 13. | Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қароридан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси корхоналари томонидан пенсия ва нафақаларни етказиб бериш бўйича норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш. | 2005 йил | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси |



***1.1.расм. “Ўзбекистон почтаси” АЖ почта алоқаси тармоғининг ташкилий тузилиши***

## Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси соҳасида олиб борилган ислоҳотларни айтиб беринг.
2. Почта алоқаси қандай асосий хизмат турларни курсатади?
3. Почта алоқасининг шартномавий хизмат турларни айтиб беринг.
4. Почта алоқасининг қўшимча хизмат турлари нималардан иборат?
5. Почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш зарурияти нималардан иборат?
6. 2005 йилдаги 128-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида қандай вазифалар белгилаб олинган?

# 2 БЎЛИМ.

# ПОЧТА АЛОҚАСИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ. “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ КОРПОРАТИВ КОМПЬЮТЕР ТАРМОҒИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАМОЙИЛЛАРИ

## 1§. Почта алоқасига ахборот тизимларини қўллаш йўналишлари.

Почта алоқасини автоматлаштириш ва унга ахборот тизимларини жорий этишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- хизматлар таннархини пасайтириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлигини таъминлаш;
- хизматлар ишончлилигини ва сифатини ошириш;
- хизматларнинг янги турларини ривожлантириш;
- даромадлиликни ошириш.

**Автоматлаштириш – инсонни жараёнларда қисман ва тўлиқ иштирок этишидан озод этувчи замонавий техник воситалар, метод ва тизимларни жорий этиш ва қўллаш жараёни.**

Қуйидаги:

ишлаб чиқариш жараёнлари;

лойиҳалаш;

ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш;

илмий тадқиқотлар, таълим ва бошқа жараёнлар автоматлаштирилади.

**Автоматлаштириш мақсади** – меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш, бошқарувни оптималлаштириш, инсонни ишлаб чиқаришдан озод этиш ҳисобланади.

Автоматлаштириш, оддий ҳолатлардан ташқари, вазифаларни ҳал этишга комплексли, тизимли ёндашишни талаб этади, шунинг учун автоматлаштириш олдида турган вазифаларни ҳал этиш тизимлар деб номланади, масалан:

автоматик бошқарув тизими (АБТ);

лойиҳа ишларини автоматлаштириш тизими (ЛИАТ);

технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими (ТЖ АБТ) ва бошқалар.

Почта алоқаси соҳасида почта алоқаси хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари ва бошқарув жараёнлари автоматлаштирилади.

Хизматлар кўрсатишнинг технологик жараёнларини автоматлаштириш почта алоқаси объектидаги амаллар бажариладиган ойнадаги, саралаш ва ишлов беришнинг транзит участкаларидаги операторнинг иш жойидан бошланиб, хизматлар кўрсатишнинг технологик жараёнларини комплекс бошқариш ва назорат қилиш билан тугалланадиган ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида амалга оширилиши керак.

Бошқарув жараёнларини автоматлаштиришда алоҳида почта алоқаси объектида бўлгани каби, бутун компанияда прогнозлаш, режалаштириш, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, назорат қилиш ва тартибга солиш функциялари автоматлаштирилади.

**Почта алоқаси соҳасида жараёнларни автоматлаштириш автоматлаштирилган ахборот тизимларини (ААТ) жорий этиш ҳисобига, яъни почта алоқаси соҳасида технологик жараёнлар ва бошқарув жараёнлар автоматлаштирилишини таъминлайдиган**

**дастурий-технологик комплексларни жорий этиш ҳисобига таъминланади.**

ААТ тузилиши ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) қўллашга асосланган.

АКТ тушунчасига муайян вазифаларни бажариш, масалан, хизматлар кўрсатиш, бошқарувни таъминлаш ва бошқалар учун мўлжалланган тизим ва воситаларни амалга оширувчи замонавий ахборот, компьютер ва телекоммуникация технологиялари киради.

**Ахборот технологиялари – усуллар ва ахборот жараёнлари – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, қайта ишлаш ва беришни амалга** ошириш воситаларининг тизими.

«Тизим» сўзи грекча «system» сўз бўлиб, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва аниқ бутунлик, бирликни ҳосил қилувчи элементлар қисми ёки кўп элементлардан ташкил топган яхлитликни билдиради.

Тизим деганда ўзаро боғлиқ бўлган элементлар ва қисмлар жами; улар муайян фойдали натижани олиш учун йўналтирилган.

Ушбу таърифга мувофиқ амалиётда ҳар бир объект ўз фаолиятида аниқ мақсадга эришишга интиладиган тизим каби кўриб чиқилиши мумкин. Мисол сифатида таълим, энергетик, транспорт, иқтисодиёт, молия ва бошқа тизимни кўриб чиқиш мумкин.

Исталган тизим учун қуйидаги хусусиятлар характерлидир:

- мураккаблик – тизимнинг унга кирувчи кўпгина компонентларга боғлиқлиги ва уларнинг структуравий ўзаро ишлаши;
- бутунлик – ягона мақсадга бўйсунадиган кўпгина тизим элементларининг ишлаши;
- элементларнинг хилма-хиллиги – табиатан элементларнинг

турлилиги;

- структураланганлик – иерархия даражалари бўйича тизим элементларини тақсимлаш структурасининг мавжудлиги.

Ахборот тизими – ахборотни тўплаш, узатиш, сақлаш, қайта ишлаш, излаш ва бериш билан боғлиқ бўлган ахборот жараёнларини амалга оширувчи тизим.

Ахборот тизими таркиби бўйича аппарат ва дастурий воситалар, ахборот технологияларини, шунингдек телекоммуникация воситаларини ўз ичига олади.

Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш жараёни ахборотни қайта ишлаш билан боғлиқдир, масалан, почта жўнатмаларини қабул қилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилинган пул ўтказмаси тўғрисидаги ахборот, хизматлар тўловини қабул қилиш тўғрисидаги ахборот, ўтиш тўғрисидаги ахборот, етказиб бериш тўғрисидаги ахборот, тўлов тўғрисидаги ахборот ва ҳ.к

Кўрсатилган мисоллардан ахборот почта алоқасининг исталган хизматларини кўрсатишнинг ҳар бир технологик жараёнида шаклланиши ва муайян вазифаларни бажариш мақсадида қайта ишлаш учун, масалан, хизматнинг ўзини бошқариш, назорат қилиш ёки кўрсатишни таъминлаш учун зарурлиги кўриниб турибди.

Почта алоқаси соҳасида ахборот тизимларини жорий этиш хизматлар кўрсатишнинг технологик жараёни бажарилиши тўғрисидаги ахборотни тизимлаштириш, ҳисобга олиш, назорат қилиш ва қайта ишлашни таъминлайди.

Почта алоқаси соҳасида ахборот тизимларини жорий этиш қуйидаги вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

- почта алоқаси соҳасида хизматлар кўрсатишнинг технологик жараёни бошқарилиши ва назорат қилинишини таъминлаш;

- почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини такомиллаштириш;

- технологик жараёнларни оптималлаштириш.

Почта алоқаси соҳасида ахборот тизимларини ривожлантиришнинг асосий шарти бўлиб, компьютерлаштириш ва ахборотлаштиришнинг зарур даражасини таъминлаш ҳисобланади.

Компьютерлаштириш – компьютер техникаси билан жиҳозлаш жараёни ва улардан ахборот ва технологик жараёнларда фойдаланиш.

Ахборотлаштириш – бошқариш ва янада такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш мақсадида ахборотни тўплаш, ўзгартириш, сақлаш ва тарқатиш методлари ҳамда воситаларини кенг миқёсда қўллаш жараёни.

Почта алоқаси соҳасида ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш меҳнат унумдорлигини кўтариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Механизациялаш деганда қўл меҳнатини замонавий техник воситаларни қўллаш ҳисобига камайтиришга йўналтирилган техник жиҳозлаш, қайта жиҳозлаш (реконструкция қилиш), яъни меҳнатнинг қўлда бажариладиган воситаларини машиналар ва механизмлар билан тўлиқ ёки қисман алмаштириш тушунилади.

Ишнинг умумий режасида техник жиҳозлаш, қайта жиҳозлаш деганда эскирган техник воситаларни энг самарали замонавий воситалар билан алмаштириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш тушунилади.

Механизациялашнинг асосий мақсади сифатида меҳнат унумдорлигини ошириш тушунилади. Почта алоқасининг асосий воситаларига почта жўнатмаларини ташиш учун транспорт воситалари, саралаш боғламалари, ортиш-тушириш воситалари, ишлаб чиқариш ичида ташиш воситалари ва бошқалар киради.

Механизациялаш айниқса почта жўнатмаларига ишлов бериш учун бутун меҳнат сарфларининг 60 фоизигача тўғри келадиган йирик алмашинув пунктлари учун талаб этилади.

Механизациялаш талаб этиладиган ишлар участкаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- почта жўнатмаларига ишлов бериш бўйича асосий ва ёрдамчи операциялар;
- почта жўнатмаларини почта алоқаси объектида бир иш жойидан бошқасига ишлаб чиқариш ичида ўтказиш;
- почта жўнатмаларини юклаш ва ташиш;
- почта жўнатмаларини ташиш.

Почта жўнатмаларига ишлов бериш бўйича асосий ва ёрдамчи операцияларни механизациялаш почтага ишлов берадиган машиналар, тамға қўювчи, боғлам боғловчи ва қоп тикувчи машиналар, жўнатмалар йиғинди ёрлиқларини тайёрлаш машиналари, саралаш машиналари ва бошқалар кирадиган механизм ва қурилмалар ёрдамида амалга оширилади.

Ортиш-тушириш ишлари учун қуйидаги кўтариш-транспорт механизмларига эга: турли типдаги тасмали транспортерлар, ушбу транспортерлар почта жўнатмалари, даврий нашрлар, горизонтал, оғма ва вертикал ҳолатларда боғлам ва қоплар жойини ўзгартириш имконини

беради; занжирли горизонтал-вертикал транспортерлар; суриладиган ва тортиб суриладиган транспортерлар.

Ишлаб чиқариш ичида ташиш воситаларига почта аравалари, юк ташиш лифтлари, юк кўтаргичлар киради.

Почта жўнатмаларини ташиш воситаларига автотранспорт, почта вагонлари ва тиркамали почта аравалари, авиатранстпорт, ғилдиракли контейнерлар ва бошқалар киради.

## 2 §. «Ўзбекистон почтаси» АЖ нинг корпоратив компьютер тармоғи

Маълумотларга ишлов беришни ташкил этиш усулида муайян тармоқ операцион тизими томонидан таъминлаб туриладиган фойдаланувчиларнинг ўзаро алоқасига кўра ахборот тизимларининг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- иерархик тармоқлар;
- мижоз-сервер тармоқлари.

Иерархик тармоқларда маълумотларни сақлаш, уларга ишлов бериш, фойдаланувчига тақдим этиш билан боғлиқ барча вазифаларни марказий компьютер бажаради. Фойдаланувчи марказий компьютер билан терминал ёрдамида алоқа қилади. Ахборотларни киритиш ва экранга чиқариш операцияларини марказий компьютер бошқаради.

Мижоз сервер тизимларида маълумотларга ишлов бериш икки объект: сервер ва мижоз ўртасида тақсимланган. Мижоз – бу вазифа, иш станцияси, фойдаланувчи. У сервер учун сўров тузиши, файлни ўқиши, ёзувларни излаши ва ҳоказоларни бажариши мумкин. Сервер – сўровга ишлов берадиган қурилма ёки компьютер. У маълумотларнинг

сақланиши, бу маълумотлардан эркин фойдаланишни ташкил этиш ва маълумотларни мижозга узатиш учун жавоб беради. Мижоз- сервер тизимларида маълумотларга ишлов бериш мижоз ва сервер ўртасида тақсимланган, шунинг учун ҳам мижоз ва сервер сифатида фойдаланиладиган компьютерларнинг иш унумига талаб иерархик тизимлардагига нисбатан анча паст. Ўзаро алоқани ташкил этиш бўйича мижоз- сервер усулидан фойдаланувчи тизимларнинг икки турини ажратиб кўрсатиш қабул қилинган:

- тенг ҳуқуқли тармоқ;
- сервер ажратилган тармоқ. (2.1-расм)




***2.1 - расм. Мижоз-сервер тизимининг ишлаш принципи***

Тенг ҳуқуқли тармоқ – бу иш станцияларининг ўзаро алоқасини бошқаришнинг ягона маркази бўлмаган, маълумотларни сақлашнинг ягона қурилмаси бўлмаган тармоқ (2.2-расм). Бундай тармоқнинг операцион тизими барча иш станциялари бўйича тақсимланган, шунинг

учун ҳар бир иш станцияси бир вақтнинг ўзида ҳам сервер, ҳам мижоз сифатида функцияларни бажариши мумкин. Фойдаланувчи бундай тармоқда бошқа иш станцияларига уланган барча қурилмалар (принтерлар, қаттиқ дисклар ва ҳоказолар) дан эркин фойдалана олади.




*2.2 - расм. Тенг ҳуқуқли тармоқ*

Сервери ажратилган тармоқ – бу ерда компьютерлардан бири тармоқ сервери –умумий фойдаланиладиган маълумотларни сақлаш, иш станциялари ўртасидаги ўзаро алоқани ташкил этиш, сервис хизматларини амалга ошириш функциясини бажаради (2.3-расм). Бундай компьютерда операцион тизим бажарилади ва барча ажратиладиган қурилмалар (қаттиқ дисклар, принтерлар, модемлар ва ҳ.к.) унга уланади, маълумотларни сақлаш, топшириқларни босмадан чиқариш, топшириқларга масофадан туриб ишлов бериш ишларини бажаради. Иш станциялари сервер орқали ўзаро алоқа қилади, шунинг учун бундай тармоқни мантиқий ташкил этишни «юлдуз» топологияси тарзида тасаввур этиш мумкин, бунда марказий қурилма сервер ҳисобланади.

Бугунги кунда сервери ажратилган тармоқлар анча кенг тарқалган ҳисобланади.




***2.3 - расм. Сервери ажратилган тармоқ***

Ўзбекистон почтаси АЖ нинг корпоратив компьютер тармоғи қурилиш тамойилини кўриб чиқамиз. Ушбу тармоқ 2003- йилдан яратилиб йўлга қўйилган ва хозирги вақтгача анча мукаммаллашган. Бугунги кундаги Жамиятда ишлаб чиқаришга жорий этилган хизмат кўрсатишнинг ва почта жўнатмаларига ишлов беришнинг ахборот тизимлари ушбу тармоқ асосида фаолият юритади.

«Ўзбекистон почтаси» АЖнинг корпоратив тармоғини ташкил қилиш принципи амалдаги тармоқ операторининг маълумотлар узатиш каналларининг ижарасига асосланган ва у уч даражада тузилган бўлиб, Ўзбекистон почтаси АЖ бошқарув аппаратининг локал тармоғи, ҳудудий филиаллар локал тармоғи, туман боғламаларининг локал тармоқларини ўз ичига олади.

*2.4.расм. "Ўзбекистон почтаси" АЖ корпоратив тармоғи чизмаси (Тошкент).*



Каналларнинг участкалари қуйидагиларга бўлинади:

- ташқи – корпоратив тармоқни бошқа тармоқларга, жумладан Интернетга ташқи улаш каналлари;

- магистрал – Марказий узел (аппарат) ва ҳар бир вилоят филиали ўртасидаги каналлар;

- зона ичидаги – почта алоқасининг вилоят филиали ва ҳар бир туман (шаҳар) боғламаси ўртасидаги каналлар;

- охирги – почта алоқаси бўлимларини улаш каналлари.

Корпоратив тармоқ структураси – дарахтсимон.

Тармоқнинг асосий тармоқ ресурслари марказлаштирилган ва Марказий узелга қаратилган (веб-сервер, электрон почта сервери, корпоратив маълумотлар базаси, ААТ маълумотлар базаси ва б.ш.қ).

Корпоратив тармоқ қуйидаги вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайди:

- тармоқ фойдаланувчилари ўртасида ўзаро ишлаш ва ахборот алмашинувини таъминлаш;

- компаниянинг асосий тармоқ ресурсларидан фойдаланувчиларнинг фойдалана олишларини таъминлаш;

- фойдаланувчиларни компания ААТ га улаш;

- Интернет тармоғидан марказлаштирилган фойдалана олишни ташкил қилиш.

Почта алоқаси бўлимлари корпоратив тармоққа модем пули орқали коммутацияланадиган телефон линиялари бўйича уланадилар. Туман (шаҳар) почта алоқаси боғламалари ва вилоят филиалларининг корпоратив тармоққа уланиши ажратилган алоқа линияларининг модемларидан (xDSL) фойдаланган ҳолда амалга

оширилади. Марказий узелни корпоратив тармоққа улаш учун юқори тезликли уланишдан фойдаланилади. "Ўзбекистон почтаси" АЖ ККТ ташкилий структураси 2.5.-расмда келтирилган.

2.5. расм "Узбекистон почтаси" АЖ ККТ ташкилий структураси



Бугунги кунда "Ўзбекистон почтаси" АЖ таркибида 15 та филиал, 174 та шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқлари, 13 та ишлаб-чиқариш участкалари, 2986 та почта алоқаси бўлимлари, улардан 2 227 та қишлоқ ҳудудида, 20 та кўчма алоқа бўлимлари мавжуд. Жамият таркибида 15000 дан ортиқ ишчи ходимлар фаолият юритади.

Республикамиз почта алоқаси соҳасининг бугунги кундаги фаолиятига эътибор қаратсак, соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар айниқса, ушбу соҳанинг техник ва технологик базасини мустаҳкамлаш, самарали инновация лойиҳаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида хизмат кўрсатиш тизимини янада кенгайтириш ва унинг сифат даражасини кўтариш йўналишида олиб борилаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Корпоратив компьютер тармоғидаги маълумот узатиш каналлари орқали локал тармоқларига 15 та филиал, 187 та ишлаб чиқариш участкалари ва почта алоқа тармоқлари ҳамда 755 та почта алоқа бўлимлари богланган бўлиб, ҳозирги кунда 1879 та иш жойлари автоматлаштирилган. **( 2.6. расм)**

Айни вақтда жамият тақдим этаётган қуйидаги хизматларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари ушбу тармоққа уланган:

пенсия тўловларининг ҳисоб-китоби ва назорат қилиш автоматлаштирилган ахборот тизими;

коммунал тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими;

- Электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган ахборот тизими;

- Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими;

- Обунага талабномалар қабул қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими.

2.6.расм. «Ўзбекистон почтаси» АЖ маълумотлар узатиш корпоратив тармоғининг схемаси



## Назорат саволлари

1. Ахборот тизими нима?
2. Почта алоқаси соҳасида ахборот тизимларини жорий этишдан кўзланган асосий мақсад нима?
3. Компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш терминларининг маъноси нима?
4. Почта алоқаси соҳасида ахборот тизимларини жорий этишнинг афзалликлари ?
5. Почта соҳасида ахборот тизимларининг камчиликлари ?
6. Телекоммуникациялар тармоғи нима?
7. Телекоммуникация воситалари нима?
8. Локал ҳисоблаш тармоғи (ЛҲТ) деб нимага айтилади?
9. Корпоратив тармоқ нима?
10. Глобал тармоқ нима?
11. Интернет қанақа тармоқ?
12. Концентраторлар (hub) нима?
13. Коммутаторлар (switch) қанақа вазифани бажаради?
14. Fibre Channel ёки FC нинг вазифаси нимадан иборат?
15. Маршрутизатор (router) қандай функцияни амалга оширади?

# 3-БЎЛИМ.

# ПОЧТА АЛОҚАСИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

## 1 §.Почта алоқасини замонавийлаштиришда Финляндия тажрибаси

**Финляндия почтасининг тарихи ва ривожланиш босқичлари.**

Финляндия ҳукуматининг тарихида почта хизмати биринчи маротаба 1638 йил 6 сентабрда яратилган бўлиб бу даврларда Финляндия ерлари Швециянинг таркибида эди. 1856-йилларда Финляндия почтаси чуқур эътабор қаратила бошланди.Негаки бу вақтга келиб почта аҳолининг кундалик ҳаётидан ўрин ола бошлаганди.Финляндия почтаси дастлабки ривожланиш босқичлари айнан шу вақтларга келиб тақалади. Финляндиянинг почта тарихи ХВИИ асрга бориб тақалади. Унга генерал губернатор Пер Браге асос слоган. 1808-1809 йилларда Финляндия Россия империяси таркибига буюк Финладия князлиги бўлиб кирган. 1812 йилга келиб Финляндия почтаси рус почтаси асоси ва структурасига асосланган ҳолда яратилган.Бу вақтларда биринчи почта штемпели рус ҳарфларида киритилган эди. 1847 йилга келиб эса фойдаланишга лотин ҳарфли штемпеллар кириб кела бошлади. 1845 йилга келиб эса минтақа аро биринчи посилка алмашинуви жорий этилди. Шу йилнинг ўзида бутун князликда Россия империясида биринчилардан бўлиб штемпелланган конвертлар алмашинуви йўлга қўйилган. Бу вақтда почта

жўнатмасининг пули тўланганлигини англатувчи белги конвертнинг чап бурчаги адресатнинг манзили ёнида кўрсатилган бўлган. Бу белгида мамлакат герби ва номинал кўрсатилган. 1850 йилга келиб бу мухр ўрни конверт беркиладиган жойига кўчирилган. Номинал кўрсатилган почта конвертлари 5, 10 ва 20 копейка қийматида сотилган. Финляндия почтасининг дастлабки маркаси 1856 йилда ишлаб чиқилган. 1994 йилга келиб эса почта тузилмасида катта ўзгариш рўй берди. Шу сохага алоқадор бўлган бир неча гурух компания ва телекоммуникация бирлашиб Суомен ПТ Гроуп номи остида ўз фаолиятларини амалга ошира бошлашди. Бу йирик ташкилотлар 1998-1999 йилларга келиб иккита ҳукумат компанияларига ажралди Финланд Пост Лтд (Суомен Пости Ой) ва Сонера Ой. Почта тарихи ва маркалари Финляндиянинг жуда катта муддатларини ўз ичига қамраб олади. Бу вақтларда Финляндия Швеция таркиби ва Россия империясига кирган. 1917 йилга келиб эса Финляндия мустақил давлатга айланди. Финляндия Бутунжаҳон почта иттифоқига 1918 йилда кирган бўлиб, бу вақтда ўзининг миллий замонавий номи остида Пости Гроуп компаниясини ташкил этди. Шу тариқа Финляндия почта тарихига асос солинган бўлиб қуйидаги йилларда Финляндия почта тарихидаги энг муҳим саналар рўй берди. Ҳозирги кунда Финляндия почтасини Транспорт ва коммуникация вазирлиги назорат қилади.

- 1858 йилга келиб хат ва газеталарни уйга етказиб бериш жорий этилди;

- 1860 йилларнинг бошларига келиб почта сохасига илк маротаба аёл кишиларни ишга қабул қилишди;

- 1927 йилга келиб эса телеграф йўрикномаларини почта билан бириктирилди;

- 1918 йил 12 февралига келиб Финляндия ҳукумати БПИ га қабул қилинди;

- 1981 йилга келиб почта – телеграф участкасидан почта телекоммуникацияси ташкилотига айлантирилди;

- 1990 йилга келиб почта телекомминикацияси ташкилотида давлат бюджетидан коммунал тўловларини қабул қилиш тизими яратилди;

- 1994 йилда компания Суомен ПТ Гроуп (Суомен ПТ Ой) айланди ва почта хизматини кўрсатиш билан Финланд Пост Лтд (Суомен Пости Ой) ва телекоммуникация хизматларини кўрсатиш билан Телесом Финланд Ой (кейинчалик Сонера Ой) каби филиаллари шуғуллана бошлади.

- 1998-1999 йилларда Суомен ПТ Гроуп (Суомен ПТ Ой) дан Финланд Пост Лтд ажратилиб, тўғридан-тўғри ҳукуматга бўйсунувчи ташкилотга айлантирилди.




*3.1. расм. Ителла корпорацяси.*

Ҳозирги кунда Финляндияда Ителла корпорацияси ва Ителла почтаси фаолият олиб бормоқда. Бу ташкилотларнинг хизмат вазифаси қуйидагича:

**Intella logistics** – логистик хизматларни кўрсатувчи ташкилот бўлиб, у ерда юридик шахслар билан ҳамкорликда иш олиб борилади.

**Intella post** – бу жисмоний шахслар учун мўлжалланган почта хизматлари ва телекоммуникатсия фаолияти юритилади.

Финляндиянинг 11 та давлатда 30 дан ортиқ филиаллари 45 та маҳалий корхоналари 238 та алоқа тармоғлари ва 1673 та алоқа бўлими пунктларига эга бўлган йирик почта ва логистик тузилмасига эга давлат ҳисобланади.Компаниянинг фаолияти 3 та бизнес гуруҳга бўлинади.Улар қуйидагилар:

1.*Intella Information* – ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш, маълумотлар алмашинувини таъминлаш, ҳисоботларни бошқариш ва логистик занжир жараёнларни ва счетларни назорат қилади. 1 ноябр 2013 йилдан унинг номи Опус Сапитага ўзгартирилди.

2. *Intella logistics* – ер устки ҳаво ва сув траншорти орқали юкларни етказиб бериш билан таъминлаш. Омборда сақлаб беришни ҳам ўз ичига олади.

3. *Intella mail communications* – корреспонденцияларни етказиб бериш, посилка, газета, журналлари ва ҳорижий давлатларни обуна журналларини Финляндияга етказиб бериш билан шуғулланади. Бу бизнес ташкилот Финланд пост ва Пости бренди остида аҳолига хизмат кўрсатади. Барча Финляндия почта маркаларини ишлаб чиқариш ҳам айнан шу компания зиммасида.



***3.2. расм. Финляндиянинг Хелсинки шаҳрида жойлашган бош Почтамти.***

Ителла компаниясининг бош офиси Хелсинки шаҳрида жойлашган бўлиб, 2011 йилдан унинг президенти ва генерал директори Хейкки Малинен ҳисобланади. Ителла корпорациясида 2015 йил ҳолатига кўра 27669 ходим иш юритиб келмоқда. Финляндия қуйидаги 11 та давлатларда ўзининг филиаллари билан фаолият юритиб келмоқда. Улар қуйидагилар:

**Венгрия:** Ителла Информатион кфт.

**Германия:** Ителла Информатион ГмбХ и НewСоурсе ГмбХ.

**Дания:** Ителла Информатион А/С и Ителла Логистисс А/С.

**Латвия:** А/С Ителла Информатион и Ителла Логистисс СИА.

**Литва:** УАБ Ителла Информатион и УАБ Ителла Логистисс.

**Норвегия:** Ителла Информатион АС (51 %) и Ителла Логистисс АС.

**Польша:** Ителла Информатион Сп.з о.о.

**Россия:** ООО Ителла Логистисс и ООО Ителла Соннехионс.

**Финляндия:** Ителла Информатион Ой, Опус Сапита Гроуп Лтд, Ителла Логистисс Ой, Логиа Софтваре Ой, Ителла Пости Ой и Ителла Сустомер Релатионшип Маркетинг Лтд.

**Швеция:** Ителла Информатион АБ и Ителла Логистисс АБ.

**Эстония:** Ителла Информатион АС, Ителла Логистисс OÜ и Ителла Смарт ПОСТ OÜ.

Финляндия маҳалий жисмоний шахслар учун Пост бренди остида корпоратив мижозлар учун эса Ителла бренди остида хизмат кўрсатади. Кейинги йилларга келиб Ителла компаниясининг ривожланиш босқичлари қуйидагилар ҳисобланади:

- 2001 йил Финланд Пост Сорпоратион – оммавий компанияга айланди.
- 2002 йил ўзининг логистик бозорларини Германия ва Эстонияда ташкил этди.

- 2004 йил ўзининг логистик бозорларини Латвия ва Литвада ташкил этди.

- 2005 йил ўзининг логистик бозорларини Данияда ташкил этди.

- 2007 йил ўзининг логистик бозорларини Швеция ва Норвегияда ташкил этди.

- 2007 йил 1июлдан бошлаб компания номи Ителла Сорпоратион га ўзгартирилди.

- 2009 йил Россия ва Европанинг шарқий ва марказий давлатлари бозорига кириб борди. Бу ерда ўзининг Ителла ИПС Ой (Ителла Пеймент Сервисес) филиалини ташкил этди.Бу филиал электрон пул ўтказмаларини амалга оширишга мўлжалланган.

- 2011- йил Финляндия почтаси нейтрал ҳудудларга почта жўнатмаларининг барча турларини ва хизматларини белгиланган жойга етказиб берувчи ва бунинг учун ортиқча пул олмайдиган дунёдаги биринчи давлатга айланди.

- 2012 йил ўзининг почта банки яъни Ителла Банк Лтд (олдинги ИтеллаИПС Ой) фаолият кўрсата бошлади.

**Финляндия почтасида хизмат кўрсатишнинг технологик жараёни.**

Финляндия давлатида ҳам бошқа давлатлар каби ўзининг анъанавий ва ноанъанавий хизмат турларига эгадир.Давлат 1918 йил 12 феврал куни БПИ (Бутунжаҳон почта иттифоқи) га қабул қилинган.

Финляндия почтасининг умумий даромади 2015 йилда 3,7 млрд эврони ташкил этган. Финляндия ҳам БПИ нинг меъёрий тартибига биноан ўзининг анъанавий хизматларига эга. Улар қуйидагилар:

- Оддий ва буюртмали хатлар;
- Оддий ва буюртмали бандероллар;
- Оддий ва буюртмали посилкалар;
- Маҳаллий газета ва журналлар

каби хизмат турларига эга. Бу хизмат турларига катта эътибор ва маъсулият билан ёндшишади. Хизмат турларига давлат томонидан белгиланган қонун қоидаларга биноан тарифлар бўйича ҳақ тўланади. Бунда жўнатманинг синфи бўйича нархлар белгиланади. 1-синиф бу 24 соат мобайнида етказилиб берилади. 2-синфдада эса 72 соатда етказилиб берилади. Нархлар еврода

| | Синф | Хатлар | Бандероллар | Посилкалар | Газеталар | Журналлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Оддий | 1 | 1.05 | 7.60 | 10.40 | 1.20 | 3.40 |
| Буюрт-мали | 2 | 0.9 | 5.90 | 8.55 | 0.9 | 2.50 |

*3.1.жадвал. Синфлар бўйича жўнатмаларнинг нархланиши*




*3.3. расм    Почта жўнатмаларини синфлар бўйича тоифаланиши*

Бундан ташқари Финляндия почтасининг EMS-халқаро тезкор почта хизмати тури ҳам мавжуд бўлиб, бу хизмат туридан аҳолининг қарийиб 65 % и йил давомида фойдаланиб келмоқда. Асосан бошқа давлатлардан почта жўнатмаларининг алмашинуви натижасида юбориладиган жўнатмаларни етказиб берилади. EMS-халқаро тезкор почта хизматининг тарифлари жўнатманинг оғирлигига нисбатан белгиланган бўлиб, қуйидаги жадвалда келтирилган:

| Оғирлиги( кг ) | Қиймати( евро ) |
|---|---|
| 2 кг гача | 62,40 |
| 5 кг гача | 81,05 |
| 10 кг гача | 99,75 |
| 15 кг гача | 130,80 |
| 30 кг гача | 222,15 |

*3.2. жадвал. EMS-халқаро тезкор почта хизматининг тарифлари*

**Intella logistics** -- бу йирик компания ўзининг қулайликлари ва хизмати билан маҳаллий ва Европа давлатларини эътиборини қозониб келинмоқда. Компанияда логистик етказиб беришнинг барча турлари, яъни ер усти, ҳаво, темир йўл, денгиз орқали хизмат кўрсатади. Марказга 2002 йили асос солинган. Марказнинг 8 та европа давлатларида логистик филиаллари мавжуд: Финляндия, Россия, Швеция, Норвегия, Дания, Литва, Латвия, Эстоня. Компаниянинг молиявий кўрсаткичи 2015 йилда 732 млн еврони ташкил этди. Марказнинг майдони “А” синф 1млн $м^2$ га тенг. Марказнинг Россиядаги филиалида 3200 та ходим иш юритади. Унинг майдони 510 минг $м^2$ га тенг.

**Финляндиянинг автобус посилка хизмати** -- Бу хизматга 1971 йилда асос солинган бўлиб ҳозирги кунга қадар фаолият юритиб келмоқда. Бу посилкаларни тарқатишнинг тезкор тури бўлиб Финляндия худудида фаолият кўрсатувчи Ой Маткаҳуолто Аб компаниясига тегишли автобуслар иштирокида корпоратив ва алоҳида мижозлар учун хизмат кўрсатади. Бу хизмат турига алоҳида пул олинади ва уларга алоҳида маркалар ёпиштирилади.






*3.4. расм. Финляндиянинг автобус посилка хизматида фойдаланиладиган махсус маркалар.*

Бу автобуслар параллел равишда одамларни ҳам ташиш билан шуғулланган. Посилка жўнатмаларини маҳаллий ҳудуд бўйича олиб келган ва етказиб бериш билан шуғулланган. Почтанинг бу хизмат турининг тезлиги ва вақт оралиғидаги маршрутлари жўнатма сони ва одамларнинг сонига боғлиқ бўлган.

**Кўчма почта бўлимлари** – Бу хизмат тури 1938 йилда Мерседес Бенз О 10000 да жорий қилинган. Бу хизмат тури транспортнинг ҳар қандай тури орқали почта хизматларини кўрсатиш учун алоқа бўлими яратилиб, асосан доимий алоқа бўлимларига эга бўлмаган ҳудудлар учун мўлжалланган. Инглиз тилида бу хизмат турини фарқлаш учун **Mobile post office** термини қўлланади. Бу хизмат тури Буюк Британия, Канада ва АҚШда поезд вагонларида ҳам жорий этилган бўлиб, улар **Travelling post office** ва **Railway post oficce** номи билан номланган. БПИ хизмат турининг бу турига қуйидагича таъриф беради: "Кўчма почта алоқа бўлими – бўлим, поезд вагонларида, транпорт воситаларида, қайиқларда жойлашган бўлиб доимий алоқа

бўлимига эга бўлмаган ҳудудларга хизмат кўрсатувчи почта хизматларини хат посилка ва бошқа хизматларнинг тезкор равишда кўрсатиладиган хизмати ҳисобланади. Бу хизмат учун алоҳида пул тўлови олинади". Энг кўп аҳолига хизмат қилган кўчма почта алоқа бўлими бу темир йўл ва транспорт тури ҳисобланади.



*3.5. расм. Кўчма алоқа бўлими (транспорт кўриниши)*

**Алиэкспресс** - Ителла халқаро транспорт логистика компаниясининг ушбу хизмат тури Финляндияда жуда ҳам оммалашган хизмат турларидан бири ҳисобланади. Бу хизмат тури билан асосан 25-30 ёш оралиғидаги аёллар ва эркаклар кўпроқ фойдаланишади. Бу ерда улар чет давлатларининг интернет магазинлари орқали сотиб олган товарларини айнан шу етказиб берувчи логистик марказ орқали қабул қилишади. Аёллар асосан болалар ва ўзларига товарлар сотиб олишади. Масалан кийим-кечаклар пардоз буюмлари ва сувенир буюмларига кўпроқ буюртма беришади. Эркаклар эса, асосан, техника воситаларини

харид қилишни хуш кўришади. Компаниянинг арзон ва доимий мижозлар учун чегирмали хизмат кўрсатиши харидорларни доим хурсанд қилиб келмоқда. Доимий мижозлар учун махсус дисконт карталар жорий қилинган бўлиб улар ёрдамида чегирмаларга эга бўлишади. Ундан ташқари бу ерда божхона хизмати ҳам ташкил этилган бўлиб, у орқали мижозлар ўз товарларини декларация орқали рўйхатдан ўтказиб, тўловларни амалга ошириши мумкин. Хизмат турининг афзалликлари қуйидагилар:

- арзон нархлар;
- тез етказиб бериш муддатлари;
- божхона хизматининг тезлик билан рўйхатдан ўтказиб хизмат кўрсатиши;
- етказиб бериш тури ва қулайликлари.

Хизмат тури етказиб беришда ўзининг қоидаларига эга.Масалан тақиқланган буюмлар. Уларга қуйидагилар мисол бўлади:

**Электрон товарлар** – мобил алоқа воситалари, ноутбуклар, планшетлар, аккумляторга эга бўлган бошқа қурилмалар ва электр қувватловчи воситалар;

**Косметика** - лаб бўёқлари, тен ва бошқалар;

**Зарарли моддалар**- барча турдаги тез ёнувчи суюқликлар, радиоактив моддалар, кимёвий моддалар ва заҳарли моддалар.

Финляндия почтасининг замонавий алоқа бўлимлари ҳозирги кунга келиб 1673 та почта хизматини кўрсатувчи боғланмалари, 1253 та

алоқа пунктлари, 420 та алоқа бўлимлари ва кўчма пунктлар бўлиб, улар замонавий жиҳозланган. Алоқа бўлимларида юқори тезликда хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ахборот воситалари, интернет ва коммуникация технологиялари билан таъминланган. Алоқа бўлимларида барча анъанавий ва ноанъанавий хизматлар кўрсатилади. Алоқа бўлимларида маълумот алмашинуви жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу мижозлар учун жуда қулайдир. Негаки мижозларни ортиқча куттиришга йўл қўймаслик, уларнинг асосий вазифаласи ҳисобланади.




***3.6. расм. Замонавий почта алоқа бўлими.***

Финляндия почтаси барча тармоқ ва алоқа бўлимларида юқори хавфсизлик назорати технологияларидан фойдаланади. Бу технологияларнинг аксарияти Германияда ишлаб чиқарилган ва замон талабига жавоб беради. Алоқа бўлимларида жўнатмани текшириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- **визуал назорат;**
- **техник назорат.**

Визуал назоратда оператор томонидан жўнатмани жўнатувчи иштирокида текширилади. Бунда жўнатмани қадоғи бузилмаганлиги кўз ва қўл ёрдамида синчиклаб текширилади. Бу жараён назоратнинг дастлабки босқичи бўлиб, бунда асосан оператордан ҳушёрлик талаб этилади. Кейин оператор томонидан жўнатмани рўйхатдан ўтказилиб жўнатувчига жўнатмани қабул қилинганлиги ва етказиб бериш учун ҳақ тўланганлигини исботловчи квитанция берилади.



***3.7. расм. Алоқа бўлимида жўнатмани қабул қилиб олиш жараёни.***

Жўнатмани қабул қилишнинг иккинчи босқичи бу - техник босқич бўлиб, унда жўнатмани замонавий технологиялар ёрдамида текширилади, яъни жўнатманинг ичида тақиқланган буюмлар бор ёки йўқлиги текширилади. Финляндия почтасининг шаҳар ҳудудларида жойлашган алоқа бўлимларидаги махсус техникалардан бири бу - рентген нури орқали текширувчи ДХ-С 4 технологияси ҳисобланади. Унда жўнатманинг ичида нима борлигини яққол кўришимиз мумкин. Бундан ташқари ДХ-С 6 технологияси ҳам мавжуд бўлиб, у орқали жўнатма таркибидаги газлар, радиоактив ва кимёвий моддалар бор ёки йўқлиги текширилади.



*3.8. расм. ДҲ-С 4 махсус рентген назорати.*

Финляндия почтасининг ахборот тизимлари жуда яхши қулайликларга эга. Бунга мисол тариқасида почта жўнатмасини трек-рақам орқали кузатишни мисол қилиб олишимиз мумкин. Бунинг асосий қулайлиги сиз жўнатмангизни интернетдан трек-номер орқали қаерда ва қайси жараёнда жўнатмангизни кузатиш имконига эгасиз. Бунда жўнатмангизни олибга келиш учун буюртма бераётган вақтингизда трек-номер олиш учун алоҳида пул тўлашингиз лозим. Шу жумладан жўнатмангизга қилинган тўловингиз буюртмадаги синф бўйича тўғри келишини назоратга оласиз. Бу хизмат тури мижозга хавфсизлик ва назорат қилишнинг қулай имкониятини беради.

## 2§. Почта алоқасини замонавийлаштиришда Малайзия тажрибаси.

### Малайзия почтасининг тарихи

Малайзия Берҳад Почта тарихи Страитлар (Пенанг, Малакка ва Сингапур) ҳисоб-китобларига кўра, биринчи почта хизматларини ташкил этишлиши 1800 йиллардан бошланган ва аста-секин, у

20-асрнинг бошларида у бутун мамлакатни коплаган. Бу хизматнинг бошларида хатлар ёки табриклар битилган шу жумладан карорлар битилган когозларни факатгина чавондозлар оркали жўнатилган. Бу мамлакатнинг эътиборли томони ўша даврда ҳам оғзаки айтилган хабар, табрик ва бошкаларни чавондозларга тушунарли тилларда битилган ва кабул килувчи томон жўнатилган ва шунга яраша ҳақ тўланган. Бу шуни кўрсатадики, хизмат кўрсатишнинг қулайликлари кўп бўлган. Йиллар ўтиши билан, яъни технологиялар эволюцияси, рақамли медиа, интернет ва ўзгарувчан мижозлар пайдо бўлиши билан мамлакатда почта алоқасига талаб сезиларли даражада пасайган.

Малайзия почтаси ҳам замон билан бирга эволюция оркали ривожланишни бошлади ва XXI асрга келиб почта алоқасини модернизациялашнинг стратегик режаси ишлаб чиқилди. Бундан кўзланган асосий мақсад қуйидагилар бўлди:

- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- хизматлар таннархини пасайтириш;
- ишлаб чикариш жараёнларининг самарадорлигини таъминлаш;
- хизматлар ишончлилигини ва сифатини ошириш;
- хизматларнинг янги турларини ривожлантириш;
- даромадлиликни ошириш.

Бу эса бир неча даврларни ўз ичига олди:

- 1900-1940 йилларда сохани кенгайтириш ишлари олиб борилди;
- 1940-1955 йиларда телеграф йўриқномаларини почта билан бириктирилди;
- 1958-йили эса Малайзия БПИ га аъзо бўлди;
- 1960-1990 йилларда эса Малайзия почтаси барча хизматларни автоматлаштиришга этибор қаратди.



*3.9. расм .Малайзия почтасининг замонавий кўриниши.*

## Малайзия почтасининг анъанавий ва ноанъанавий хизмат турлари.

Малайзия почтасида ҳам бошқа давлатлардаги сингари ўзининг анъанавий ва ноанъанавий хизматлари бор, уларни кўрсатишнинг ички тартиб қоидалари ва 1958 йилдан буён БПИ қоидалари бўйича амалга оширилади. Почта хизматлари қуйидагилар:

- почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини, шу жумладан халқаро почта жўнатмалари ва халқаро пул ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш);

- тезкор почта жўнатмаларини, шу жумладан халқаро тезкор почта жўнатмаларини, жўнатиш ва этказиб бериш (топшириш).

Малайзия почтаси учун қуйидаги хизматлар анъанавий хизмаатлари ҳисобланади:

1. Хатлар (оддий, буюртмали ва қиймати эълон қилинган);
2. Почта варақчалари (оддий ва буюртмали);
3. бандероллар (оддий, буюртмали ва қиймати эълон қилинган);
4. Секограммалар (оддий ва буюртмали);
5. Посилкалар (оддий, буюртмали ва қиймати эълон қилинган);
6. Майда пакетлар (оддий ва буюртмали);
7. Тезкор почта жўнатмалари (фақат буюртмали);
8. Тегишлича ўрамдаги босма нашрлар.

**Матбуот.** Мамлакатда нашр этиладиган йирик газталар: „ Берита ҳариан " (Кун янгиликлари, Малайзия тилида чиқадиган кундалик газ., 1957 йилдан), „ Бизнес таймс " (Бизнес вақти, инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1976 йилдан), „ Малай мейл " (Малайя почтаси, инглиз тилида чиқадиган кечки газ., 1896 йилдан), „ Минггуан Малайзия " (Малайзия ҳафта ичида, Малайзия тилида чиқадиган якшанбалик газ., 1964 йилдан), „ Нанян шанбао " (Жанубий денгизлар савдо газетаси, хитой тилида чиқадиган кундалик газ., 1923 йилдан), „ Стар " (Юлдуз,

ıиз тилида чикадиган кундалик газ., 1971 йилдан), „ Тамил несан " ıиллар посбони, таъмил тилида чикадиган кундалик газ., 1924 ıан).

**Кўчма почта бўлимлари** - бу хизмат тури 1951 йилда миллий ва ıж транспортларида жорий қилинган. Бу хизмат тури транспортнинг қандай тури орқали почта хизматларини кўрсатиш учун алоқа ıми яратиш билан боғлиқ. Асосан доимий алоқа бўлимларига эга ıаган ҳудудлар учун мўлжалланган. Инглиз тилида бу хизмат ıни фарқлаш учун **Мобиле пост оффисе** термини қўлланади. БПИ ıат турининг бу турига қуйидагича таъриф беради: " Кўчма почта ıа бўлими – бўлим, поезд вагонларида, транспорт воситаларида, ıқларда жойлашган бўлиб доимий алоқа бўлимига эга бўлмаган ıдларга хизмат кўрсатувчи почта хизматларини хат, посилка ва қа хизматларнинг тезкор равишда кўрсатиладиган хизмати ıбланади. Бу хизмат учун алоҳида пул тўлови олинади ". Энг кўп ıига хизмат қилган кўчма почта алоқа бўлими бу темир йўл ıспорт тури ҳисобланади. Мамлактда АБХ Экскреес почтаси ҳам а кўзга кўринарли ва замонавий хисобланади, унинг авфзаллик ıни хозирги вактда дунёни қамраб олган " Интернет " орқали ıи хилдаги товарларни сотиб олишингиз ҳамда буюртма беришингиз кин.

Маялайзия почтасида ҳаво орқали етказиш ҳам жуда яхши йўлга илган унинг энг қисқа ва энг узун учиш графиклари ҳам ишлаб

чикилган.



*3.10.расм. Малайзия почтасининг энг қисқа ваенг узун етка графиги.*

Шунингдек, Малайзия почтасининг энг даромадли ва те ноанъанавий хизматларидан бири бу “ҳаво почтаси” ҳисобланади. Я бу хизмат орқали дунёнинг ва мамлакатнинг турли бурчакларига п жўнатмалари самолётлар билан етказилади. Бу хизмат турининг н бошқа хизмат турларига қараганда баланд бўлади. Лекин сифа ишончлилиги юқори даражада бўлади.




*3.11. расм. Малайзия почтасининг хизмат турлари.*

**Малайзия почта объектларидафой даланиладиган технологиялар.**

Малайзия почтасининг замонавий алоқа бўлимлари ҳозирги кунга келиб 1305 та бўлиб, улар замонавий жиҳозланган. Алоқа бўлимларида юқори тезликда хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ахборот воситалари интернет ва коммуникацион жиҳозлар билан таъминланган. Алоқа бўлимларида барча анъанавий ва ноанъанавий хизматларнинг кўрсатилади. Алоқа бўлимларнда маълумот алмашинуви жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу мижозлар учун жуда қулайдир. Негаки мижозларда ортиқча кутишига йўл қўймаслик уларнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Ҳозирда 1305 та почта хизматини кўрсатувчи боғланмаларидан, 1102 та алоқа пунктлари ва 203 та алоқа бўлимидан ташкил топган. Бундан ташқари кўчма пунктлар ҳам шулар жумласидан.

Малайзия почтасида барча тармоқ ва алоқа бўлимлари юқори хавфсизлик назорати технологиялари билан таъминланган. Малайзия почтасининг шаҳар ҳудудларида жойлашган алоқа бўлимларидаги технологиялардан бири бу махсус рентген нури орқали текширувчи қурилмадир. Унинг ёрдамида жўнатманинг ичида нима борлигини яққол кўришимиз мумкин. Бундан ташқари ТС (Тотал Сесуритй) технологияси ҳам мавжуд бўлиб, у орқали жўнатма таркибидаги газлар, радиоактив ва кимёвий моддалар бор ёки йўқлиги текширилади.



*3.12.расм. ТС (Тотал секюритй).*

**Малайзия почтасининг ахборот тизимлари.**

Малайзия почтасининг ахборот тизимлари яхши такомиллашган. Трек-номер орқали компаниянинг интернетдаги саҳифасига кириб трек-номер идентификатция қилиш керак. Трек-номер халқаро стандартлар даражасида **XXXXXXXXXXМЙ**. 2013-йилнинг май ойидан бошлаб Малайзия почтаси халқаро почта ва уларнинг тарифлари, шунингдек зоналарга бўлинишини ўрганиб чиқди ва **XXXXXXXXXXМЙ** кўринишидаги треклардан фойдаланишга ўтди. Бунинг натижасида саралаш ва ишлов бериш жараёни тезлашди.




*3.13.расм. Трек рақамни идентификация қилиш.*

Почта жўнатмасини қабул қилишда (ёки почта қутисидан олишда) оператор томонидан почта жўнатмаси тўғрисидаги барча зарур ахборот компютер орқали тизимга киритилади:

- почта жўнатмасининг тури, оғирлиги ва б.;
- почта жўнатмасини қабул қилган почта алоқаси объекти тўғрисидаги маълумотлар;
- почта жўнатмасини қабул қилган оператор тўғрисидаги маълумотлар (тизимда оператор идентификатори асосида автоматик тарзда танланади);
- почта жўнатмасини олувчининг манзили;
- посилкалар учун рўйхат;
- қўшимча хизматлар тўғрисидаги ахборот.

Киритилган ахборот асосида тарификатсия автоматик равишда амалга оширилади. Шунингдек киритилган ахборот операторга ёрлиқ, штрихкод ва квитанцияни босиб чиқариш имконини беради.

Малайзия почтаси хат саралаш маркази энг сўнгги технологиялар билан жихозланган бўлиб, уларда бир неча амаларни бажариш мумкин. Марказда қарийиб 2100 та ходим юритади. Марказ ҳудуди 28 гектарга тенг бўлиб, давлатдаги энг йирик саралаш маркази ҳисобланади. Бундан ташқари ҳукуматда яна саралаш ва 4 логистик марказлар мавжуд. Марказда барча почта жўнатмалари қайта ишланиб сараланиб туман ва бўлимларга юборилади. Марказ бир кунда қарийиб 220000 та хатларни саралайди. Марказда иш жараёни ҳар куни 24 соат, 3 сменада ташкил

қилинган. Марказда юқори тезликда ишлайдиган замонавий технологиялардан фойдаланилади. Бу технологиялар машҳур СИМЕНС компаниясига тегишли.



*3.14. расм. Замонавий саралаш маркази.*

Марказда ёзма хат-хабарлардан ташқари майда пакет ва посилкаларни саралаш ва уларнинг монитирингини олиб бориш имкониятлари мавжуд. Бу жараёнда қўлланиладиган технологияларнинг энг авфзал томони уларнинг жўнатмаларга умуман шикаст етказмаслигидадир.



*3.15.расм.Замонавий саралаш маркази.*

Малайзия почтасида почта маркаларидан ташқари электрон маркалар ҳамда франкерлаш машиналаридан ҳам кенг фойдаланилади. Франкерлаш машинасининг ДД201Т русумлиси ишлатилади.

Франкирлаш машинаси (баъзан у маркалаш машинаси деб аталади) - ёзма хат-хабарларга почта алоқаси хизматлари тўловларини тасдиқловчи почта тўлови давлат белгиларини, ушбу хат-хабар қабул қилинган сана ва бошқа ахборотни босиб тушириш учун мўлжалланган машина.

Франкирлаш (маркалаш) машинаси почта жўнатмасига (хат, откритка ва бандеролларга) почта йиғими суммасини белгиловчи ва почта маркасининг ўрнини босувчи белгини, тақвим тамға изини, шунингдек жўнатувчи-ташкилот номи ва адресини босиб тушириш учун мўлжалланган. Почта йиғими суммаси ва жўнатиш санаси маркалаш барабанидаги териш механизмида экспедитор томонидан ўрнатилади; жўнатманинг навбатдаги рақами автоматик тарзда терилади. Маркалаш машиналари ёрдамида почта алоқаси корхонаси билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб учун почта ҳаражатларининг ҳисоби юритилади. ДД201Т франкерлаш машинасининг иш унумдорлиги 1 соатда 1000 - 2000 та жўнатмани, электрюритмали моделники еса 4000 та жўнатмани ташкил қилади.



*3.16. расм. Замонавий франкерлаш машинаси.*

Франкирлаш машинасининг асосий устуворлиги қуйидагилар ҳисобланади:

- ➢ қулайлиги – маркаларни элимлаш, уларни почтадан сотиб олиш ва почта ҳаражатларини юритиш зарурати йўқлиги;
- ➢ франкерлаш туридан фойдаланувчи ташкилотнинг имижи – марка изидан ва санадан ташқари конвертга ташкилотнинг номи ва адреси кўрсатилган логотип туширилади;
- ➢ вақтнинг тежалиши – ташкилотнинг битта ходимидан кўра барча почта жўнатмаларига бир неча маротаба тезроқ ишлов бериши мумкин. Почтада машинада маркаланган хат-хабарлар бир қатор почта операцияларини четлаб ўтади;

Малайзия почтасининг android ҳамда IOS қурилмалари учун мобил иловалари мавжуд.

## Назорат саволлари

1. Финляндияда почта алоқаси бўлимларининг аҳолига хизмат кўрсатиш принципи?
2. ДД201Т франкерлаш машинасининг афзалликлари?
3. Малайзия почтасининг технологиялар билан таъминланганлик даражаси қандай?
4. Мобил иловаларнинг почта алоқасидаги аҳамияти қандай?

## 4-БЎЛИМ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЧТА АЛОҚАСИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ.

### 1 §. Почта алоқаси соҳасида электрон тижоратни ташкил қилиш тамойиллари. Почта алоқасида Интернет-магазин.

Электрон тижорат – ахборот тизимларидан фойдаланиб амалга ошириладиган товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир.

Электрон тижорат турларидан бири «Интернет-магазин» - Интернет тармоғининг фойдаланувчиларига савдони таъминлайдиган Интернет тармоғидаги виртуал магазин (вебсайт) ҳисобланади.

Интернет фойдаланувчилари Интернет-магазин орқали товарлар ҳамда хизматларга буюртма беришлари мумкин.

Интернет-магазин орқали товарларни сотиш ва хизматларни амалга ошириш қуйидаги жараёнлар билан бирга бажарилади:

Интернет тармоғидаги сайтда товарлар ёки хизматларга буюртма бериш ва зарур бўлганда ушбу буюртмани тасдиқлаш;

- буюртма берилган товарлар ёки хизматларга тўловни амалга ошириш;

- товарни етказиб бериш ёки хизматларни амалга ошириш.

Интернет-магазин орқали буюртма берилган товар (хизмат)га тўлов қуйидаги усулда амалга оширилиши мумкин:

- электрон тўлов тизими орқали, бунда Интернет-магазин электрон тўловлар тизими ва бир нечта тизимлар билан ўзаро ишлаши керак. Ушбу ҳолатда буюртма тўлови амалга оширилганда, электрон тўловлар тизимидаги шахсий электрон ҳисобидан буюртма қийматининг суммаси ундирилади ва Интернет-магазин ҳисобига ўтказилади;

- ўз буюртмасига тўловни буюртмачи томонидан Интернет-магазиннинг махсус бўлимларига киритиш йўли билан. Интернет-магазин тизимига буюртма тўлови тўғрисидаги ахборот бўлим ходими томонидан киритилади;

- банк пластик карточкалари орқали, бунда Интернет-магазин банк ёки бир нечта банк тизимлари билан ўзаро ишлаши керак. Пластик карточканинг шахсий реквизитларини кўрсатган ҳолда пул банк тизимидаги буюртмачининг пластик карточкасидан Интернет-магазин ҳисобига ўтказилади;

- устама тўлов билан, буюртма қилинган товар (хизматлар) тўлови буюртмачи томонидан уйга етказиб берилган (сотилган)дан кейин амалга оширилганда.

Буюртма тўлови устама тўлов усули билан тўланган ҳолатда буюртмачининг тўлов тўғрисидаги тасдиғини олиш зарур. Одатда, бу телефон орқали бажарилади.

**Интернет-магазин маълумотларнинг мавжуд хусусий базасига эга ахборот тизимини ўз ичига олади, ундан фойдаланиш** Интернет-магазин фойдаланувчилари учун Интернет тармоғидаги

веб-сайт орқали ва Интернет-магазин ходимлари учун муҳофазаланган алоқа каналлари (корпоратив тармоқ) орқали амалга оширилади.

**Интернет-магазин маълумотлар базасида қуйидаги ахборот сақланади ва қайта ишланади:**

- товар ва хизматлар тавсифи, қиймати, тўлов ва етказиб бериш (сотиш) усули, етказиб бериш (сотиш) муддатлари ва бошқалар кўрсатилган каталоги;

- буюртмачи тўғрисидаги ахборот – фақат товарлар (хизматлар)ни етказиб бериш (сотиш) учун зарур бўлган ахборот сақланади;

- Интернет-магазин орқали буюртма берилган буюртмалар тўғрисидаги ахборот. Интернет-магазин тизимида ҳар бир буюртма буюртма бажарилишининг қайси босқичидалигига боғлиқ ҳолда «қабул қилинган» («тасдиқланган»), «тўланган» ва «бажарилган» ҳолатда бўлиши мумкин.

## «Интернет-магазин» ахборот тизимини ташкил этишнинг структурали схемаси



## 2 §. Почта алоқаси соҳасида Интернет-магазин

Почта алоқасида Интернет-магазин тизимини амалга ошириш қуйидаги афзалликларга эга:

1. Ўз хизматларини сотиш ёки ўз хизматларининг фойдаланувчиларига қулайлик (сервис)ни тақдим этиш қобилияти. Масалан, веб-сайт орқали фойдаланувчи жўнатмани (юкни) почта билан жўнатиш хизматига буюртма бериши мумкин. Буюртма берилгандан кейин почта жўнатмани уйнинг ўзида ёки буюртмада кўрсатилган жойда қабул қилади, буюртмачидан жўнатиш учун тўловни қабул қилади ва манзил бўйича жўнатмани етказиб беради.

2. Почта алоқасининг корхонаси «Интернет-магазин» тизимини амалга ошириш учун маълум афзалликларга эга: почта алоқасининг ўз воситалари орқали товарларни етказиб бериш имконияти, тўловни қабул қилиш пунктлари ва/ёки товарларни бериш (хизматларни сотиш) пунктлари каби фойдаланиши мумкин бўлган кўп миқдордаги бўлимларнинг мавжудлиги.

3. Даромадни ошириш мақсадида ўз Интернет-магазини орқали ташқи ташкилотларнинг товар ва хизматлари сотилишини ташкил қилиш. Даромаднинг асосий моддалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- «Интернет-магазин» орқали ташқи ташкилотларнинг товарлари (хизматлари)ни сотиш бўйича воситачилик хизматларини кўрсатиш

учун тўлов, масалан, Интернет-магазинда товар (хизмат) тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш учун тўлов ёки Интернет-магазин орқали сотилган ҳар бир товар (хизмат) учун фоиз ставкаси;

- товар (хизмат)ни етказиб бериш учун тўлов. Ушбу тўлов сотувчидан ёки буюртмачидан ундирилиши мумкин.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг электрон тижорат соҳасидаги почта алоқасини, шу жумладан посилкаларни жўнатишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори лойиҳаси муҳокамадан ўтди.

Лойиҳада 2016-2018 йиллар учун ЭТ соҳасидаги почта алоқасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплекси кўзда тутилган:

- курьерни телефон, электрон почта, веб-сайт, “Шахсий кабинет” тизими орқали чақириш, товарлар бўлган жўнатмаларни суғурта қилиш, уларни ўровлаш, божхона расмийлаштируви имконияти, буюртманинг мақоми тўғрисида буюртмачини олдиндан хабардор қилиш (телефон, электрон почта, факс, SMS-хабар бериш бўйича) каби қўшимча хизматлар кўрсатиш;

- “Электрон ҳукумат” тизимидан, жумладан ЭТ хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун почта бўлимларида, шу жумладан қишлоқ жойларида инфокиоскалар ўрнатиш;

- почта жўнатмаларида жўнатиладиган буюртмаларни бошқаришнинг, жумладан товарларни қабул қилиш, қайта ишлаш, жойлаш, ортиш,

ташиш, етказиб беришни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш, шунингдек товарни етказиб бериш ва қайтаришни бошқариш,

- товар бўлган почта ва курьерлик жўнатмалари (жумладан посилкалар) тўғрисида божхона декларацияси воситасида уларда жўнатилаётган товарлар ҳақида олдиндан хабардор қилган ҳолда божхона хизмати билан электрон маълумотлар билан алмашишни йўлга қўйиш.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жаҳоннинг йирик савдо компаниялари анъанавий савдо усулларидан фойдаланиш билан бирга электрон тижоратдан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 10 фоизи ҳаридларни интернет тармоғи орқали амалга оширмоқда ва бу рақам кундан кунга ўсиб бормоқда. Айнан шу жараёнда почта алоқаси хизматлари учун эҳтиёж сезилиши табиий ҳолдир. Чунки интернет тармоғи орқали амалга оширилган савдо объектни ёки шартномани тижоратга киришувчи томонларга етказиш лозим бўлади. Бу эса почта, алоқаси хизматига тегишли вазифадир.

Бу соҳадаги халқаро амалиётда чакана савдони амалга ошириш учун товарларни интернет-магазинлар орқали ҳарид қилишда, қоида тариқасида, хабар жўнатувчиларни идентификация қилиш имкониятини берувчи воситалардан фойдаланилади (жумладан, мобил телефонига ёки электрон манзилига бир марталик идентификаторларни жўнатиш усули билан). Бундан келиб чиқиб "Ўзбекистон почтаси" АЖ бугунги

кунда юртимизда электрон тижоратни ривожланишига туртки бўлувчи асосий восита бўлиши лозим. Бунинг учун бугунги кунда фаол амалиётда бўлган фонд биржаси лойиҳасига ўхшаш лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ундан мобил телефондан фойдаланиш имконияти бўлиши лозим. Лойиҳа қуйидаги босқичда ишлаб чиқилиши мумкин:

- лойиҳанинг қамров даражасини аниқлаш (ички ёки халқаро);
- лойиҳага тегишли қонунчиликни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- тижоратда қанақа товарлар қатнашишини белгилаш;
- таҳлил натижаларига асосланиб лойиҳа дастурини ишлаб чиқиш;
- дастурни мобил телефон ва компьютер воситасида фойдаланишга мослаштириш;
- лойиҳа эксплуатацияси учун замин яратиш (юк терминалларини қуриш, қўшимча асосий воситалар харид қилиш ва бошқалар).

Бу лойиҳа асосида турли жойда жойлашган тижоратда қатнашувчиларининг олди-сотти жараёнини таъминлаб бериш ва мазкур товарни мижознинг хохишидан келиб чиқиб бошқа мижозга етказиб бериш, унинг ўзига етказиб бериш, ёки “Ўзбекистон почтаси” АЖ таклиф қилаёган юк сақлаш жойига етказиб, сақлаб беришни таклиф қилиши мумкин. Ушбу лойиҳани амалга ошириш билан иқтисодиёт олдида турган бир нечта муаммони ижобий ҳал қилиш мумкин. Масалан бугунги кунда жамиятда ишсиз юрган кишиларни тижоратга жалб этиш, уларни иш билан таъминлаш ва турмуш тарзини яхшилашга кўмаклашиш, пул массасининг жойларда ҳаракатсиз тўхтаб

қолишини олдини олиб пул айланишини тезлаштириш муаммоларини ижобий ҳал қилиш имконияти туғилади. Мазкур лойиҳанинг ишлаш тизими қуйида 4.1- расмда келтирилган.




***4.1. расм. Электрон тижорат, почта алоқаси хизмати, суғурта хизматларининг комплекс ишлаш тизими.***

Расмда келтирилганидек электрон тижоратни амалга ошириш учун мижоз яратилган дастур орқали тизимга киради ва сотувда актив ҳолда турган товарлар билан қизиқади. Бу бугунги кунда товар биржаси кўринишида бўлади. Мижознинг кириш жараёнидаги рўйхатдан ўтиш талаблари эса, унинг қайси категорияга мансублигини, яъни, жисмоний ёки юридик шахслигини, яшаш манзили ёки юридик манзилини, қайси турдаги товарлар савдоси билан шуғулланишини аниқлаб уни автоматик тарзда ўзи мансуб бўлган бўлимга жойлаштиради. Демак, мижоз электрон савдо майдонига ташриф буюргандан кейин ўзига керак бўлган товарни сотиб олади ёки сотади. Бу жараёнда у электрон тўлов воситасидан фойдаланади. Демак бу лойиҳадан банклар ҳам

манфаатдор хисобланади. Кейинги боскичда эса, товарларни ташиш бошланади. Ушбу вазифани амалга ошириш билан мижоз ўз товарларини хавф-хатарлардан кафолатланган химоясини талаб қилиши мумкин. Бу эса суғурта ташкилотлари учун ўз хизматларига қўшимча талабни юзага чиқаришга хизмат қилади.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун "Ўзбекистон почтаси" АЖ қулай имкониятга эга. Мисол учун бугунги кунда "Click" тўлов тизимини йўлга қўйилганлиги электрон тижорат учун муаммолардан бири электрон тўлов муаммосини ижобий ҳал этиш асоси бўлмоқда. Иккинчи томондан эса мазкур лойиҳада назарда тутилаётган ўзаро товар алмашиш жараёнини таъминлаш учун бугунги кунда жамият ўзининг Республика ва дунё бўйлаб катта тармоғига эга. Фақатгина бир муаммо яъни лойиҳанинг дастурий таъминотини яратиш, мазкур лойиҳани тегишли солиқ ва бошқа қонунчиликка мослаштириб ишлаб чиқиш ва юк терминалларини барпо қилиш асосий вазифа хисобланади

Лойиҳанинг иккинчи йўналиши сифатида "Ўзбекистон почтаси" АЖ ўзининг қўшимча таклифларини савдо майдонига жойлаштиришлари мумкин. Масалан мижоз бирор жойга, асосан турли тадбирларга ташриф буюриш имконини топа олмаганда мазкур дастур орқали ўз телефонидан табрик учун ёки бошқа мақсадда керакли товарни танлаб, уни почта тизими орқали белгиланган жойга етказиб бериш қулайлигига эга бўлиши мумкин.

## 3§ Электрон тўловлар

Электрон тўлов – техник воситалар, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари ёрдамида накд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириш.

Тўлов тизими -- электрон тўловни амалга оширишда тўлов тизимининг субъектлари ўртасида юзага келадиган муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тўлов тизимининг турлари:

- банклараро тўлов тизими – банкларнинг мухбирлик ҳисоблари орқали улар ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган;

- банк ичидаги тўлов тизими -- банк филиаллари ва мижозлари ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш учун, шунингдек банклараро тўлов тизими билан ўзаро ишлаш учун;

- чакана тўлов тизими - банк карталари ва электрон тўловнинг бошқа воситларини (бундан кейин – электрон тўлов воситалари) қўллаб электрон тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган. Электрон тўлов воситаси уни чакана тўловнинг ушбу тизимига тааллуқлилигини идентификациялаш имконига эга фарқли белгилари бўлиши керак.

Моҳиятига кўра, электрон тўловлар банк тизимлари ёки чакана электрон тўловлар тизими орқали амалга оширилиши керак.

Интернет-магазинни самарали амалга ошириш учун электрон тўловларни амалга ошириш воситаларидан фойдаланиш керак.

Банк тўлов тизимлари орқали электрон тўловлар амалга оширилган ҳолатда Интернет-магазинлар фойдаланувчилари учун Интернет тармоги орқали ўз банк ҳисобини бошқариш (банкдаги ҳисобварақ ёки банк карточкасининг ҳисоби) имконияти кўзда тутилган бўлиши керак. Бундай тизим «Интернет-банкинг», деб номланади.

Кейинги вақтда чакана электрон тўлов тизимлари ривожланди. Бундай тизимларда электрон тўловнинг асосий воситаси бўлиб, «электрон кармон» - «электрон кармон» эгасининг электрон кўринишдаги пулининг мавжудлиги тўгрисидаги ахборотни ўз ичига олган электрон ҳисоб-китоб ҳисобланади. Электрон кармон ёки пул мавжудлиги тўгрисидаги ахборот электрон тўлов тизимининг маълумотлар базасида ёки махсус ахборот ташувчилари (смарт-карталар)да сақланиши мумкин. Биринчи ҳолатда ўзининг электрон кармонини бошқаришни тармоқ (Интернет тармоғи) орқали тўлов тизимининг маълумотлар базасидан фойдаланиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Бундай электрон тўлов тизимларига Webmoney, Яндекс.пуллар ва бошқалар мисол бўлиб ҳисобланади. Ташувчилардан фойдаланиш ҳолатида электрон кармонни бошқариш ахборотни киритиш/ўқиш воситалари – электрон тўлов тизимига уланадиган банкоматлар орқали амалга оширилади.

«Электрон тўлов» электрон тўлов тизимларида пулни бир электрон ҳисобдан бошқасига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Электрон ҳисобни тўлдириш (пулни қўшиш) нинг турли усуллари

мавжуд:

- электрон тўлов тизимининг махсус пунктларига пулларни киритиш;

- номинал қийматга эга олдиндан тўлов карточкаларини сотиб олиш йўли билан ва бу карточка ахборотини интернет орқали электрон тўлов тизимига киритиш;

- электрон тўлов тизимининг бошқа ҳисобларидан пул маблағларини ўтказиш учун ҳисобни тўлдириш.

## Назорат саволлари

1. Электрон тижорат нима?
2. «Интернет-магазин» нима?
3. Электрон тўлов нима?
4. Тўлов тизимининг неча хил тури мавжуд?
5. Интернет-магазин маълумотларида қайси ахборот қайта ишланади?
6. «Электрон кармон» нима?

## 5-БЎЛИМ. ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ЖЎНАТИШ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ. РЎЙХАТГА ОЛИНУВЧИ ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИ НАЗОРАТИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

### 1§. Почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш, етказиб бериш ва уларни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишнинг технологик жараёни.

**Почта жўнатмаларининг штрихкоди ва штрихкодлаш.**

Почта жўнатмаларини қабул қилиш ва жўнатишда қуйидаги технологик жараёнлар бажарилади:

1. Почта жўнатмаларини қабул қилиш:

Почта жўнатмалари ташқи почта қутилари (фақат белгиланган ўлчамдаги оддий хатлар) ва почта алоқаси объектларининг операция ойналари (буюртмали хатлар, бандероллар, шу жумладан қиймати эълон қилинган хатлар, франкирлаш машиналарида расмийлаштирилган посилкалар) орқали қабул қилинади.

Буюртмали хатлар ва бандероллар учун дафтардан 3-шакл квитанцияси берилади ва 3-шакл ёрлиғи елимланади. Чиқувчи хат-хабарлар тақвим тамғаси билан тамғаланади. Тамғалангандан сўнг хат-хабарлар саралашга топширилади.

Посилкалар ҳам шунга ўхшаш тарзда қабул қилинади. Посилка

қабул қилинганда 107-шаклдаги рўйхат расмийлаштирилади. Посилкага 2-шаклдаги ёрлиқ, унда қабул қилинган жойдаги почта алоқаси объектининг номи, посилка рақами ва оғирлиги кўрсатилган ҳолда берилади. Қабул қилинган посилкаларга 1-шаклдаги квитанциялар берилади.

2. Чиқувчи почта жўнатмаларига ишлов бериш:

Чиқувчи почта жўнатмаларига ишлов бериш улар манзилланган пунктларга белгиланган маршрутлар бўйича жўнатилиши учун уларни саралашдан иборат. Чиқувчи жўнатмаларни саралаш қўлда бажарилади.

Сараланган ёзма хат-хабарлар постпакетларга шакллантирилади ва 11-шаклдаги реестрга ёзиб қўйилади. Постпакетларнинг боғичлари остига 9-шаклдаги манзил ёрлиқлари қўйилади (буюртмали почта жўнатмалари учун – 11-шаклдаги ёрлиқ). Ёрлиқда манзилланган пункт ва сараланган постпакет чиқаётган пункт кўрсатилади. Чиқувчи посилкалар сараланганидан сўнг 16-шаклдаги юкхатга посилканинг рақамлари, манзилланган жой ва эълон қилинган қиймат суммаси кўрсатилган ҳолда ёзиб қўйилади.

Постпакетлар почта алоқаси объектлари, почта вагонлари, ҳаво кемалари ўртасида қопларда ташилади. Буюртмали постпакетлар солинган ҳар бир қопга 11-шаклдаги жамлама реестр солинади, агар қопларда фақат оддий постпакетлар жўнатилаётган бўлса, бу ҳолда 11-шаклдаги жамлама реестр тузилмайди. Хат-хабарлар солинган ҳар бир қопга 10-шаклдаги манзил ёрлиғи бириктирилади, унда қоп қаердан

ва қаерга кетаётгани кўрсатилади.

3. Почта жўнатмаларига транзит участкаларида ишлов бериш:

Транзит участкаларида почта жўнатмалари қайта ишлов беришдан ўтказилади. Почта алоқаси объектига келиб тушган хат-хабарлар солинган қоплар очилади. Уларда жойлаштирилган постпакетлар 11-шаклдаги жамлама реестр билан қиёсланади. Почта алоқаси объектига бириктирилган алоқа бўлимларига етказиб берилиши ва топширилиши керак бўлган хат-хабарлар иш жойларига ва бириктирилган етказиб бериш алоқа бўлимларига топширилади. Сараланган хат-хабарларнинг қолганлари постпакетларга, сўнгра қопларга солинади ва манзили буйича почта транспортининг навбатдаги рейси билан жўнатилади.

4. Почта жўнатмаларини етказиб бериш:

Почта алоқасининг етказиб бериш объектларида қоплар очилганидан кейин постпакетлар жамлама реестр ва 11-шаклдаги реестрдаги ёзувлар билан қиёсланади. Почта жўнатмаларининг айрим турларига 119-шаклдаги хабарнома ва 22-шаклдаги билдиришнома расмийлаштирилади. Почта жўнатмаларини почтальон томонидан етказиб бериш учун унинг 55-шаклдаги дафтарга имзо қўйиши билан топширилади.

Кирувчи посилкалар 16-шаклдаги юкхат бўйича қабул қилинади. Посилка берилаётганида ундаги жойланмалар 107-шаклдаги рўйхат билан қиёсланади.

Моҳиятига кўра ҳар бир босқичда тегишли шаклларнинг расмийлаштирилиши билан боғлиқ бўлган почта жўнатмаларига ишлов бериш қўлда бажарилади.

**Почта жўнатмаларининг штрихкоди ва штрихкодлаш**

Штрихли код ёки штрихкод (шунингдек, Штрих-код каби маълум) – техник воситалар томонидан ўқилиши учун қулай бўлган кўринишдаги айрим ахборотни ифода этувчи қора ва оқ полосалар кетма-кетлиги.

Ахборотни кодлаш усуллари:

1. Чизиқли (оддий) – битта йўналишда (горизонтал бўйича) ўқиладиган штрихкодларга айтилади. Энг кўп тарқалган чизиқли символикалар: EAN (EAN-8 8 та рақамдан иборат, EAN-13 – 13 та рақамдан фойдаланилади), UPC (UPC-A, UPC-E), Code39, Code128 (UCC/EAN-128), Codabar, «Interleaved 2 of 5». Чизиқли символикалар унча катта бўлмаган ҳажмдаги ахборотни кодлаш имконини беради (20-30 та символгача, одатда рақамлар).

4 820024 700016 >

1. Икки ўлчамли – катта ҳажмдаги ахборотни кодлаш учун ишлаб чиқилган символикаларга айтилади. Бундай коднинг очилиши икки ўлчамда (горизонтал бўйича ва вертикал бўйича)

амалга оширилади. Ҳозирги вақтда икки ўлчамли штрих-кодларнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

- Aztec Code

Aztec Code

Mary had a Little Lamb...

It was the best of times,...

- Data Matrix

- **MaxiCode**

1. Почта жўнатмаларини штрихкодлаш учун чизиқли штрихкод фойдаланилади. Почта жўнатмаларини штрихкодлаш кейинчалик улар ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши учун рўйхатга олинадиган почта жўнатмаларини идентификация қилиш учун мўлжалланган.

2. **Штрихкод этикетка ёрлиқларидаги белгилар қуйидагиларни билдиради:**

3. **Биринчи 2 та ҳарф** почта жўнатмаси турини билдиради:

Масалан, RA100110109UZ, CV110856962UZ, CP123456783UZ

Белгилардаги **3-ва 4- сонлар** почта индекс рақамларини билдиради.

Масалан, 10- Ташкент ш., 11-Ташкент вилоятини, 12 – Сирдарё вилояти.

**Келгуси 6 та сон (5, 6, 7, 8, 9, 10)** тартиб рақамини билдиради.

Ўн биринчи белги **-9-сон назорат разрядига** тегишли.

**2 та охирги белги** Халқаро стандарт ИСО бўйича Ўзбекистоннинг коди-**UZ.**

***5.1.Жадвал. Штрихкод этикетка ёрлиқларидаги белгилар***

| | | |
|---|---|---|
| Посилкалар: | CA - CП | Ички оддий |
| | CI - CO | Ички бахоси эълон қилинган |
| | CP - CU | Халқаро оддий |
| | CV - CY | Халқаро бахоси эълон қилинган |
| Буюртмали хат- хабарлар: | RA - RO | Ички |
| | RP - RY | Халқаро |
| Бахоси эълон қилинган хат-хабарлар: | VA - VO | Ички |
| | VP - VY | Халқаро |
| Экспресс жўнатмалар: | LA - LO | Ички жўнатмалар |
| | LP - LY | Халқаро жўнатмалар |
| Ўўш қоплар: | ZA-ZO | Ички |
| | ZP - ZY | Халқаро |

**2§. Почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш, етказиб бериш ва уларни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш технологик жараёнининг автоматлаштирилган аҳборот тизими.**

Почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва етказиб беришни ҳисобга олиш ва назорат қилиш ААТ қуйидагилар учун мўлжалланган:

- барча почта жўнатмаларини рўйхатга олиш;

- почта жўнатмаларининг ягона маълумотлар базасини жорий этиш;

- почта жўнатмаларининг ўтишини кузатиш (мониторинг);

- почта жўнатмаларига ишлов бериш, шунингдек шакл ва ёрлиқларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳужжат айланиши жараёнларини автоматлаштириш;

- почта жўнатмаларининг жўнатилишидан тушган пул маблағларининг келиб тушишини ҳисобга олиш (билинг);

- почта жўнатмаларини қабул қилиш ва жўнатиш хизматларини кўрсатиш бўйича турли ҳисоботларни олиш (функционал ҳисобот, назорат қилиш учун ҳисобот, таҳлилий ҳисобот).

ААТда почта жўнатмаларининг штрихкодланишидан фойдаланилади.

Қуйидаги ички ва халқаро почта жўнатмалари рўйхатга олинади:

- посилкалар;

- бандероллар (буюртмали, қиймати эълон қилинган);

- хатлар (буюртмали, қиймати эълон қилинган);

- майда пакетлар (буюртмали).

**Почта жўнатмаларини қабул қилиш, рўйхатга олиш ва саралаш:**

Почта жўнатмасини қабул қилишда (ёки почта қутисидан олишда) оператор томонидан почта жўнатмаси тўғрисидаги барча зарур ахборот компьютер орқали тизимга киритилади:

- почта жўнатмасининг тури, оғирлиги ва б.ш.қ;

- почта жўнатмасини қабул қилган (автоматик равишда шакллантирилади) почта алоқаси объекти тўғрисидаги маълумотлар (номи, почта индекси);

- почта жўнатмасини қабул қилган оператор тўғрисидаги маълумотлар (тизимда оператор идентификатори асосида автоматик тарзда шакллантирилади);

- почта жўнатмасини олувчи манзили;

- посилкалар учун рўйхат;

- қўшимча хизматлар тўғрисидаги ахборот.

Киритилган ахборот асосида тарификация автоматик равишда амалга оширилади. Шунингдек киритилган ахборот операторга ёрлиқ, штрихкод ва квитанцияни босиб чиқариш имконини беради.

Чиқарувчи почта алоқаси объекти ичида жўнатмаларни саралашда почта жўнатмаси сканерда танилади, компьютер орқали у қайси постпакетга киритилиши тўғрисидаги ахборот киритилади. Киритилган

ахборот бўйича постпакетлар учун 11-шаклдаги реестр шакллантирилади. Ушбу реестр маълумотлар базасида жойлашади ва уни босиб чиқаришга эҳтиёж бўлмайди. Шунингдек постпакетга 9-шаклдаги ёрлиқ ўрнига штрих код туширилиши мумкин, унда қуйидаги ахборот мавжуд бўлади:

- постпакет йулланган манзил;
- 11-шаклдаги реестрнинг тартиб рақами.

Ушбу штрихкод моҳиятига кўра хизматга оид ҳисобланади, яъни почта алоқаси компанияси ичида почта жўнатмаларини жўнатишда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳамда постпакетларни идентификация қилиш учун хизмат қилади.

Қопларга штрихли идентификацияга эга бўлган пластик индикаторли почта пломбалари босиб туширилади ва маълумотлар базасида 11-шакл реестрлари шакллантирилади. Штрихкод 10-шакл ёрлиғи бўлиб ҳисобланади, бу тартиб рақамини, шунингдек қоп қаердан ҳамда қаерга кетаётганлиги тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади. Идентификация тартиб рақами бўйича қопда қандай постпакетлар ва мос равишда почта жўнатмалари жойлашганлигини маълумотлар базасидан аниқлаш мумкин.

### 3 §. Почта жўнатмаларига транзит равишда ишлов бериш

Транзит участкаларига келиб тушган қоплар сканланади, бу қоплар ва мос равишда почта жўнатмаларининг ушбу участкадан

ўтганлигига гувоҳлик беради. Қопнинг сканланишида унинг жойланмалари тўғрисидаги ахборот пайдо бўлади, бу асосида қопни саралаш ёки кейинги участкага жўнатиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

Транзит участкада қопларни очиш ҳолларида тизимда постпакетларни саралаш учун қопларнинг очилиши қайд этилади ва постпакетлар сканланади. Постпакетнинг сканланишида экранда айнан унда жойланган почта жўнатмалари ва улар манзилланган пункт тўғрисидаги ахборот кўрсатилади. Зарур бўлса постпакетлар ички почта жўнатмаларини саралаш учун очилади. Постпакетнинг очилиши тизимда қайд этилади, почта жўнатмалари эса кейинчалик етказиб бериш учун улар манзилланган жой тўғрисидаги ахборотни олиш учун сканланади.

Саралашдан сўнг янги постпакетлар шакллантирилади ва янги қопларга солинади. Саралаш боғламасининг ходими постпакетларга қандай почта жўнатмалари солинганлиги, постпакетларнинг ўзи қайси қопларга солинганлиги тўғрисидаги ахборотни тизимга киритади. Тизимда янги постпакетларга ва қопларга мувофиқ бўлган 11-шаклдаги реестрлар шакллантирилади, шунингдек тизимдан поспакет ва қопларга штрихкодлар босиб чиқарилади.

**Почта жўнатмаларига ишлов бериш ва етказиб бериш**

Етказиб бериш объектида келиб тушган қоплар, постпакетлар ва почта жўнатмалари улар манзилланган объектга келиб тушиши тизимда

қайд этилиши учун сканерланади, шунингдек тизимда қоплар ва посппакетларнинг очилиши ҳам қайд этилади. Кирувчи почта жўнатмалари иш жойлари бўйича сараланади. Почта жўнатмалари операциялар ойнасидаги оператор ёки почтальонга топширилиши ҳам тизимда қайд этилади.

Умуман олганда почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва етказиб беришнинг ҳар бир участкасидаги ААТга вақт қайд этилган ҳолда тегишли ахборот киритилади.

Почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва етказиб беришни ҳисобга олиш ва назорат қилиш ААТ қуйидагиларнинг имконини беради:

- почта жўнатмаларининг ўтишини тўлиқ ҳисобга олиш ва назорат қилишни юритиш;

- почта жўнатмаларига ишлов бериш, хусусан турли ҳужжатларнинг – шакл, ёрлиқ, юкхат, хабарнома ва ҳоказоларнинг расмийлаштирилишига сарфланадиган вақтни қисқартириш;

- почта жўнатмаларига ишлов беришнинг алоҳида жараёнларини автоматлаштириш;

- почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва етказиб бериш хизматларини кўрсатиш бўйича ҳисобот юритиш, шу жумладан молиявий ҳисоботни юритиш.

## Почта жўнатмаларини кузатиш

Почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва етказиб беришни ҳисобга олиш ва назорат қилиш ААТ ёрдамида фойдаланувчиларга янги хизмат тақдим этиш мумкин - почта жўнатмасининг ўтишини кузатиш. Янги хизмат қуйидагилардан иборат:

Почта жўнатмасини қабул қилишда квитанцияда почта жўнатмасининг идентификация рақами кўрсатилади. Жўнатувчи Интернет тармоғи орқали ААТга кириши мумкин. Фойдаланувчиларнинг ААТдан фойдалана олиши веб-сайт орқали амалга оширилади. Жўнатувчи сайтда ўз жўнатмасининг идентификация рақамини кўрсатади ва ААТ маълумотлар базасидан унга унинг жўнатмаси қайси етказиб бериш участкасида эканлиги тўғрисидаги ахборот тақдим этилади.

## Назорат саволлари

1. Почта жўнатмаларини қабул қилиш ва жўнатишдаги технологик жараёнлар нималардан иборат ?
2. Штрихли код ёки штрихкод нима ?
3. Ахборотни кодлашнинг қанақа усуллари мавжуд ?
4. Штрихкоднинг амалий жиҳатдан қўлланилиши нималардан иборат ?

## 6-БЎЛИМ. ПОЧТА ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ ХИЗМАТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ.

### 1§. Почта пул ўтказмаларининг технологик тамойили. Электрон пул ўтказмалари.

Почта пул ўтказмалари почта алоқаси воситалари билан жўнатилади, «тезкор» пул ўтказмалари эса – телеграф билан жўнатилади.

Почта пул ўтказмалари жўнатувчидан тўлдирилган 112-шакл билан қабул қилинади. 112-шакл бланкида олувчи ва ўтказиладиган сумма кўрсатилади. Почта алоқаси объекти томонидан почта пул ўтказмаси қабул қилинаётганида жўнатувчи ўтказма суммасини топширади ва хизмат ҳақини тўлайди – ўтказма суммасидан 6 фоиз. Тезкор ўтказмалар учун 114-шакл тўлдирилади.

Почта ўтказмаси қабул қилинганидан кейин жўнатувчига 5-шакл дафтардан квитанция берилади.

Пул ўтказмаси олувчига 112-шаклни почта орқали жўнатиш ва 112-шакл ахборотини телеграф орқали узатиш йўли билан етказиб берилади. 112-шакл почта жўнатмаси каби олувчининг турган жойидаги почта алоқаси объектига 11-шакл реестрига ёзилган ҳолда жўнатилади.

Почта пул ўтказмасини тўлаш учун олувчига 22-шаклдаги хабарнома жўнатилади. Почта алоқаси объектида олувчига ўтказма суммаси берилади ва у пулни олганлиги тўғрисида 112-шаклга имзо қўяди.

Почта пул ўтказмалари учун энг асосийси пул маблағларини тўлаш назоратини таъминлаш. Бунинг учун назорат қилиш тизими мавжуд. Почта алоқаси объектлари ҳар ойда пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўлаш тўғрисидаги ахборотни Почта пул ўтказмаларини назорат қилиш марказига тақдим этади. Ушбу ахборот ўтказма қабул қилинганлиги тўғрисидаги квитанция, 112-шакл, 11-шаклдаги қабул қилиш реестри ва 10-шаклдаги тўлаш реестрини ўз ичига олади. Ушбу ахборот асосида Почта пул ўтказмаларини назорат қилиш маркази ҳар бир почта ўтказмасини қабул қилиш ва тўлаш тўғрисидаги маълумотларнинг солиштирилишини амалга оширади. Агар қабул қилиш бўйича маълумотлар ва тўлаш бўйича маълумотлар ўртасида мос келмаслик ҳолатлари аниқланса, хизмат текшируви ўтказилади.

**Электрон пул ўтказмалари**

Пул ўтказмалари тарихдан почта орқали жўнатилган. Телеграф алоқаси пайдо бўлиши билан пул ўтказмалари телеграф орқали жўнатилган.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши билан почта ва телеграф ўтказмалари ўрнига ахборот тизимларидан фойдаланилган электрон пул ўтказмалари пайдо бўлди.

Электрон пул ўтказмаси – электрон пул ўтказмалари тизими ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини жўнатиш бўйича хизмат.

Электрон пул ўтказмалари тизими – дастурий, техник воситалар

ва телекоммуникациялар комплексидан фойдаланган ҳолда тизим фойдаланувчиларига уларнинг сўровларига кўра пул ўтказмалари бўйича ахборот киритиш, сақлаш, узатиш ва бериш операцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган ахборот тизими.

«Электрон пул ўтказмалари» хизматининг моҳияти пул ўтказмалари тўғрисидаги ахборотни маълумотлар узатиш каналлари бўйлаб муҳофазаланган кўринишда, хусусан қоғоз элтувчиларда такрорламасдан узатишдан иборат.

Электрон пул ўтказмалари бўйича асосий етакчи Western Union компанияси бўлиб ҳисобланади, у ўз фаолиятини 150 йил аввал бошлаган. Аввал бу телеграф бўйича пул ўтказмаларини параллел равишда амалга оширган телеграф компанияси бўлган. Янги ахборот технологияларининг ривожланиши муносабати билан телеграф алоқа тури сифатида реликт бўлиб қолди ва 1981 йил Western Union компанияси бутун эътиборини янги телекоммуникация ва маълумотлар узатиш воситаларидан фойдаланган ҳолда тезкор электрон пул ўтказмаларига қарата бошлади. Бугунги кунда Western Union тизими дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларини қамраб олган. Электрон пул ўтказмалари бозорида бошқа энг йирик компания Money Gram International Ltd ҳисобланади, у Western Union га ўхшаш йўл билан ривожланиб борди. Money Gram тизими бугунги кунда 150 дан ортиқ мамлакатни қамраб олган. Электрон пул ўтказмаларининг бошқа халқаро тизимлари қуйидагилар ҳисобланади:

Моҳиятига кўра, электрон пул ўтказмалари тизимини яратишнинг қуйидаги иккита йўли мавжуд:

- пул ўтказмаларига ихтисослаштирилган алоҳида компанияларни яратиш (Western Union, MoneyGram ва Travelex);

- банк структуралари базасида яратиш (Анелик ва б.ш.к).

Ҳозирги вақтда деярли ҳар бир банк халқаро банк ёки банкники бўлмаган электрон пул ўтказмалари тизимига уланган ҳолда халқаро пул ўтказмалари хизматларини тақдим этади.

1990 йилларда Бутунжаҳон почта иттифоқи электрон почта ўтказмаларини алмашишнинг STEFI (Secured Transfer of Electronic Financial Information) халқаро тизимини яратишни бошлади. Тизим халқаро почта жўнатмаларини қоғозли алмашишдан электрон алмашишга ўтиш учун мўлжалланган. STEFI тизимини турли мамлакатларга жорий этиш якунланганидан кейин ушбу пул ўтказмалари тизими ўтказмаларни қабул қилиш-бериш пунктларининг миқдорига кўра бутун дунё бўйича етакчи бўлади.

**2§. Почта алоқасидаги электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган ахборот тизими.**

2006 йилдан бошлаб «Ўзбекистон почтаси» АЖ да почта пул ўтказмаларини электрон тизим – электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга ошириш имконияти вужудга келди.

ААТ ни қуриш принципи почта алоқасидаги бошқа ААТ га

ўхшаш: Пул ўтказмалари бўйича маълумотлар базаси, ААТ фойдаланувчиларининг маълумотлар базасидан фойдалана олиш учун иловалар сервери. ААТ фойдаланувчилари қуйидагилар ҳисобланади: пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўлашни амалга оширувчи почта алоқаси объектларининг операторлари, почта алоқаси объектларида пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўлаш назоратини таъминловчи назорат қилувчи шахслар, Почта ўтказмаларини назорат қилиш маркази, компания таҳлилчилари.

Электрон пул ўтказмаларининг ААТни яратишдан асосий мақсад пул ўтказмаларини жўнатиш бўйича кўрсатиладиган хизматларни пул ўтказмаларини қабул қилишдан бошлаб тўлашгача бўлган технологик жараёнларни автоматлаштириш ҳисобланади.

Электрон пул ўтказмаларининг ААТ қуйидагилар учун мўлжалланган:

- «электрон пул ўтказмаси» хизматини кўрсатиш;

- почта ўтказмаларининг ягона маълумотлар базасини юритиш;

- почта ўтказмалари тўловини кузатиш (мониторинг қилиш);

- почта ўтказмалари тўловини назорат қилиш жараёнларини автоматлаштириш;

- электрон пул ўтказмалари хизматларидан (биллинг) пул маблағларининг келиб тушишини ҳисобга олиш;

- электрон пул ўтказмаси хизматини кўрсатиш бўйича турли ҳисоботларни (функционал ҳисобот, назорат қилиш учун ҳисобот,

таҳлил ҳисоботи) олиш.

Электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган ахборот тизими дастурининг кўриниш ойнаси 6.1 ва 6.2.расмларда келтирилган.




*6.1. расм. Электрон пул ўтказмаларининг автоматлаштирилган ахборот тизими дастурининг кўриниш ойнаси*




*6.2.расм*

Ички пул ўтказмасини қабул қилишда жўнатувчи ўтказмани қабул қилиш бланкини белгиланган 114е-шакл бўйича тўлдиради. Ўтказмани қабул қилиш бланкини тўлдиришда жўнатувчи олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзилини, шунингдек ўтказиладиган

пулларнинг суммасини кўрсатади. Тўлдирилган 114е-шаклдаги бланк асосида оператор ўз иш жойида АЛТга ўтказма тўғрисидаги ахборотни киритади. **(6.3 ва 6.4. расмлар)**



***6.3.расм***



***6.4.расм.***

Ушбу ўтказма электрон кўринишда маълумотлар базасида «қабул қилинган» ҳолатда сақланади. Киритилган ахборот асосида оператор квитанция босиб чиқаради. Ўтказма қабул қилинганидан кейин тизимга

назорат қилувчи шахс киради. Назорат қилувчи шахс ҳар бир ўтказма бўйича 114е-шаклдаги бланк маълумотларини оператор томонидан электрон пул ўтказмаси тизимига киритилган маълумотлар билан солиштиради. Маълумотларнинг мос келмаслик ҳолатларида назорат қилувчи шахс электрон пул ўтказмалари тизимига тузатишлар киритади. Ўтказмани тўлашда автоматлаштирилган объектнинг операциялар ойнасида олувчи шахсини тасдиқловчи гувоҳномани кўрсатади ва унга манзилланган ўтказманинг рақамини айтади. Оператор иш жойида ушбу ўтказма тўғрисидаги ахборотни маълумотлар базасидан олади ва у асосида белгиланган 115е-шаклдаги ўтказмани тўлаш бланкини босиб чиқаради. 115е-шаклдаги бланкда олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили, шунингдек ўтказма суммаси кўрсатилади. Олувчига унга тегишли бўлган пул суммаси берилади ва у 115е-шаклдаги тўлаш бланкида пулларни олганлиги тўғрисида имзо қўяди. 115е-шаклдаги тўлов бланки тўлаш жойидаги почта алоқаси объектида қолади.

Пуллар берилганидан кейин оператор ўз иш жойида маълумотлар базасига киради ва ушбу ўтказма бўйича «тўлаш» операциясини амалга оширади. Маълумотлар базасида жойлашган электрон кўринишдаги ўтказма «тўланган» ҳолатига ўтади ва кейинчалик «Архив» қуйи тизимида сақланади.

Ҳозирги вақтда ички электрон пул ўтказмалари қабул қилинади – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жўнатиладиган ўтказмалар,

шунингдек халқаро электрон пул ўтказмалари қабул қилинади – Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида халқаро STEFI тизими орқали алмашиладиган ўтказмалар.

Ички почта ўтказмалари қуйидагича бўлади:

- электрон – автоматлаштирилган почта алоқаси объектлари (электрон пул ўтказмаларининг ААТга уланган почта алоқаси объектлари) ўртасида ААТ орқали «қўлдан қўлга», «қўлдан уйга етказиб бериш» принципи бўйича жўнатиладиган ўтказмалар;

- гибрид – автоматлаштирилмаган почта алоқаси объектлари (электрон пул ўтказмаларининг ААТга уланмаган почта алоқаси объектлари) томонидан қабул қилинадиган ва/ёки тўланадиган пул ўтказмалари. Автоматлаштирилмаган ва автоматлаштирилган почта алоқаси объектлари ўртасидаги участкаларда почта ўтказмаси почта алоқасининг оддий воситаларида жўнатилади, автоматлаштирилган объектлар ўртасида эса, электрон пул ўтказмаси тизими бўйича жўнатилади.

Пулларнинг жўнатиш учун қабул қилиниши нақд пул, пул ўтказиш ёки пластик карта бўйича амалга оширилади.

Электрон пул ўтказмалари тизимида пулларни ўтказишнинг қуйидаги схемалари кўзда тутилган: «қўлдан қўлга», «қўлдан адресга», «адресдан адресга» .

«Қўлдан қўлга» схемасида электрон пул ўтказмасини қабул қилиш автоматлаштирилган почта алоқаси объектида амалга оширилади,

тўлов эса – бевосита жўнатувчига автоматлаштирилган почта алоқаси объектида амалга оширилади. **(6.5.расм)**



***6.5. расм. «Қўлдан қўлга»***

«Қўлдан адресга» схемасида электрон пул ўтказмасини қабул қилиш автоматлаштирилган почта алоқаси объектида амалга оширилади, тўлов эса – автоматлаштирилмаган почта алоқаси объекти томонидан уйга етказиб бериш билан амалга оширилади. **(6.6.расм)**



***6.6. расм. «Қўлдан адресга»***

«Адресдан адресга» схемасида электрон пул ўтказмасини қабул қилиш автоматлаштирилмаган почта алоқаси объектида амалга оширилади, тўлов эса – автоматлаштирилмаган почта алоқаси объекти

томонидан уйга етказиб бериш билан амалга оширилади. **(6.7. расм.)**



***6.7. расм. «Адресдан адресга»***

Электрон пул ўтказмаларининг ААТ қуйидаги имкониятларни (устуворликни) беради:

- пул ўтказмалари хизматларини кўрсатишнинг тезлаштирилишини таъминлаш;
- аниқ электрон пул ўтказмасининг ҳолатини тезкор назорат қилинишини таъминлаш;
- кундалик, ҳар ойлик, ҳар чоракдаги ва йиллик ҳисоботнинг автоматик тарзда тайёрланишини амалга ошириш;
- қоғозли ҳужжат айланиш ҳажмини ва ушбу технология билан боғлиқ бўлган тез-тез такрорланадиган хатоларни анча камайтириш;
- операция сарф-ҳаражатларини пасайтириш;
- пул ўтказмаларини қайта ишлаш жараёнида инсон омилининг иштирокини пасайтириш.

## Назорат саволлари

1. Почта пул ўтказмаларининг технологик тамойили нималардан иборат?

2. Электрон пул ўтказмаси нима ?

3. Электрон пул ўтказмалари тизими нима ?

4. Электрон пул ўтказмалари бўйича асосий етакчи компаниялардан қайсиларини биласиз ?

5. Электрон пул ўтказмалари тизимини яратишнинг нечта йўли мавжуд ?

# 7-БЎЛИМ. ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАРНИ ТЎЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ

## 1§. Пенсия ва нафақаларни тўлашнинг технологик жараёни.

Пенсия ва нафақаларни тўлаш жараёни Почта алоқа боғламаси Бандлик ва мехнат муносабатлари вазирлигининг туман бўлимидан пенсия ва нафақаларни тўлаш қайдномасини олиш жараёнидан бошланади. Қайдномани олгандан сўнг почта алоқа боғламаси нақд пулда талаб қилинадиган сумма учун банкка талабнома тузади. Почта алоқа боғламаси олинган нақд пулни почта алоқаси бўлимлари, ўртасида тақсимлайди. Почта алоқаси бўлимлари ўз навбатида нақд пулни почта участкалари бўйича тақсимлайди ва тақсимланган нақд пул почтальонлар томонидан пенсионер ва нафақа олувчиларга етказиб берилади. Почта алоқа бўлимлари ҳар куни почта алоқа боғламасига нақд пулни етказиб бериш натижалари тўғрисида ахборот беради. Почта алоқа боғламаси ўз навбатида ҳар ойда Бандлик ва мехнат муносабатлари вазирлигининг туман бўлимига пенсия ва нафақаларни етказиб бериш натижалари тўғрисида ахборот беради.

Ахборот оқимларининг йўналишлари ва пенсия нафақалар тўлови бизнес-жараёнлар иштирокчилари 7.1. расмда кўрсатилган.




*7.1. расм. Пенсия нафақалар тўлови бизнес-жараёнлар иштирокчилари*

## 2§. Пенсия ва нафақаларни тўлаш жараёнларини назорат қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими

Пенсия ва нафақаларни тўлаш жараёнларини назорат қилишни ва жараёнларнинг маълум бир қисмини автоматлаштириш, тўловни назорат қилиш, тўлов ва қолдиқ маблағлар тўғрисида оператив равишда маълумотлар олиш мақсадида почта алоқасида 2008 йилдан буён пенсия ва нафақаларни тўлашнинг автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилган.

Айни вақтда ушбу тизим Молия Вазирлиги пенсия жамғармасининг "Пенсия" автоматлаштирилган тизими билан боғланган ва почта алоқа тармоқлари ва бўлимларига уланган.

ПНТ ААТни яратишнинг асосий мақсади пенсия ва нафақаларни

тўлаш жараёнларини автоматлаштириш (ҳужжат айланиши, ҳисобот, тўловни мониторинг ва назорат қилиш), шунингдек пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш ҳисобланади.

ПНТ ААТнинг асосий вазифаси қуйидагилар ҳисобланади:

- пенсия ва нафақаларни тўлаш тўғрисида барча ахборотни сақлаш учун ягона маълумотлар базасини яратиш;

- пенсия ва нафақаларни тўлаш тўғрисидаги статистик ва таҳлилий ахборотни олиш жараёнларини турли йўсинларда автоматлаштириш;

- пенсия ва нафақаларни тўлаш жараёнидаги ҳужжат айланишини автоматлаштириш;

- пенсия ва нафақаларни тўлаш жараёнининг мониторингини ўтказиш.

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари қилиш вазирлиги томонидан пенсия ва нафақаларни тўлаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш ва топшириш.**

ПНТ ААТда Бандлик ва меҳнат муносабатлари қилиш вазирлиги туман бўлинмаларининг ходимлари ўз ахборот тизимларида шакллантирилган қайдномаларни электрон кўринишда юклаши ва узатиши мумкин бўлган функция амалга оширилган.

Электрон кўринишда киритилган қайдномалар асосида ПНТ ААТ қайдномаларнинг реестр-ҳисоботларини ва илова рўйхатини автоматик

тарзда шакллантиради, шунингдек уларни босиб чиқариш имкониятини тақдим этади.

Қайдномаларни электрон кўринишда киритиш ва узатиш функцияси почта алоқа боғламаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман бўлинмалари ўртасидаги ўзаро ишлашнинг махсус интерфейси доирасида амалга оширилган. Қайдномалар киритилганидан сўнг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги туман бўлимининг ходими қайдномалар, реестр-ҳисоботлар ва илова рўйхатнинг электрон вариантини кўриб чиқиш ва почта алоқа боғламасига жўнатиш имкониятига эга бўлади. ПНТ ААТ тизимда битта ноёб қайдноманинг мавжудлигини кафолатлаши керак (яъни тизимда қайдномаларнинг дубликатлари бўлмаслиги керак).

**Пенсия ва нафақаларни тўлаш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби.**

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ходими қайднома, қайдномалар реестр-ҳисоботлари ва илова рўйхатни электрон кўринишда жўнатганидан сўнг, улар почта алоқа боғламасининг ПНТ ААТ фойдаланувчиси томонидан фойдаланилиши мумкин бўлади. Шу билан бирга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг фойдаланувчилари учун жўнатилган қайдномаларни тузатиш имконияти чекланади.

Почта алоқа боғламасининг ПНТ ААТ фойдаланувчиси белгиланган тартибда реестр-ҳисоботларни қоғоз кўринишда

тасдиқлайди ва реестр-ҳисоботлар ҳамда илова рўйхати қабул қилинганлигини ПНТ ААТда белгилайди. Қайдномалар қабул қилинганидан сўнг тизимда уларни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман бўлимига қайтариш имконияти, улар томонидан қайдномаларга қандайдир тузатишлар киритиш имконияти каби чекловлар қўйилади.

ПНТ ААТ почта алоқа боғламаси фойдаланувчисига қайдномаларни алоқа бўлимлари бўйича электрон кўринишда тарқатиш имкониятини беради.

**Нақд пулларни тақсимлаш тартиби. Пенсия ва нафақаларни тўлаш.**

Алоқа боғламасининг ваколатланган шахслари томонидан қайдномалар ва реестр-ҳисоботлар қабул қилиниб ҳамда тасдиқланганидан сўнг тизим талаб этиладиган нақд пуллар учун банкка талабномани шакллантиради. Шунингдек тизим фойдаланувчига ҳар бир алоқа бўлимига тўлаш кунлари графигини акс эттиради.

Почта алоқа боғламаси пенсия ва нафақаларни тўлаш учун нақд пулларни банкдан олганидан сўнг, почта алоқа боғламасининг ПНТ ААТ фойдаланувчиси тизимга олинган маблағлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ушбу маблағлар алоқа бўлимлари ўртасида қандай тақсимланаётганлиги тўғрисидаги ахборотни киритади. Тизимда пенсия ва нафақаларни тўлаш учун олинган сумма киритилганидан сўнг,

ушбу суммани олинган қайдномаларга мувофиқ алоқа бўлимлари бўйича автоматик тарзда тақсимлаш имконини берувчи функция амалга оширилади. Нақд пуллар банкдан олиниб, ахборот тизимга киритилиб ҳамда нақд пуллар алоқа бўлимлари ўртасида тақсимлангандан сўнг, нақд пуллар илова ҳужжатлари билан бирга алоқа бўлимларига жўнатилади, уларнинг рақамлари ва бошқа атрибутлари тизимда қайд этилади.

Нақд пуллар почта алоқа боғламасидан алоқа бўлимига келиб тушганида, алоқа бўлимининг ПНТ ААТ фойдаланувчиси илова ҳужжатларини текширади ва хатолар бўлмаса тизимда нақд пуллар қабул қилинганлиги далилини белгилайди.

Ҳар бир тўлов кунининг бошланишида почта алоқа боғламасининг ваколатли фойдаланувчиси томонидан ҳар бир алоқа бўлимига жорий тўлов куни учун қайдномаларнинг қайси бетлари босиб чиқариш учун очиқлиги белгиланади.

Қайдномаларни босиб чиқаришда ПНТ ААТ қайднома неча маротаба, қачон ва ким томонидан босиб чиқарилганлигини қайд этади, такрор босиб чиқарилганида эса, фойдаланувчи тизимга такрор босиб чиқариш заруратини изоҳловчи ахборотни киритиши керак бўлади.

Автоматлаштирилмаган алоқа бўлимларида амалга оширилган тўловлар тўғисидаги маълумотлар кундалик реестр-ҳисоботлар олинганидан сўнг тизимга киритилади.

Қайдномаларнинг босиб чиқарилган варақлари нақд пуллар

билан бирга почтальонга топширилади. ПНТ ААТ фойдаланувчиси қайднома ва нақд пулларни почтальонга топширганлиги тўғрисидаги ахборотни тизимда қайд этади.

Шунингдек, ПНТ ААТ алоқа бўлими фойдаланувчисига пенсия ва нафақаларни операцион касса орқали тўланишини қайд этиш имкониятини беради. Ушбу операцияни ўтказиш учун почта алоқаси бўлими ходими олувчи томонидан кўрсатилган шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) асосида ПНТ ААТга паспорт рақами ёки унинг пенсия ҳужжати рақамини киритади, шундан сўнг монитор экранида ушбу шахсга пенсия (нафақа) тўланиши учун зарур бўлган маълумотлар чиқади.

Почта алоқаси бўлими ходими пенсия (нафақа) олувчи тўғрисида киритилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлаганидан кейин, пенсия (нафақа) олиниши тўғрисида қуйидаги реквизитлар билан тилхат босиб чиқарилади: почта алоқаси бўлими номи, пенсия (нафақа) тўлаш санаси ва вақти, тилхат рақами, олувчининг фамилияси, исми, шарифи, пенсия ҳужжатининг рақами, тўланиши керак бўлган пенсия (нафақа) суммаси, қайднома бўйича тўлаш санаси. Олувчи тилхатда пенсия (нафақа) олган санани кўрсатади ва имзо қўяди. Почта алоқаси бўлими ходими пенсия (нафақа) суммасини беради ва пул берилганлигини ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Тилхат пенсия ва нафақалар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Тилхатлар рақамлар бўйича кетма-кетлик билан

тикиб қўйилади.

Пенсия ва нафақаларни тўлаш кунининг натижалари бўйича ПНТ ААТнинг ваколатли фойдаланувчиси почтальондан ҳисобот олади ва қуйидагиларни амалга оширади:

- тўланган қайдномаларнинг сонини ва умумий суммасини текширади;

- почтальон ва олувчининг имзолари мавжудлигини, сумманинг мос келишини текширади;

- қолган нақд пулларни ва қайдномаларни почтальондан қабул қилади.

Шундан сўнг ПНТ ААТнинг ваколатли фойдаланувчиси электрон қайдномага пенсия ва нафақаларнинг етказиб берилганлиги тўғрисидаги ахборотни киритади. Агар пенсия ва нафақалар олувчига етказиб берилмаган бўлса, фойдаланувчи электрон қайдномада пенсия ёки нафақанинг етказиб берилмаганлиги сабабини кўрсатиши керак. Барча хизматга оид ахборот қайднома бўйича автоматик тарзда шакллантирилади (масалан, етказиб берилган нақд пул суммасини тўлаш кунлари бўйича умумлаштириш ва ҳ.к).

Шунингдек алоқа бўлимининг ПНТ ААТ фойдаланувчиси тизимга почтальон томонидан қайтарилган пул маблағининг қолдиғи тўғрисидаги ахборотни киритиши ва қайдномаларнинг қоғоз вариантларини қайтганини белгилаши керак.

ПНТ ААТ тўланган нақд пуллар суммаси тўғрисидаги кундалик

реестр-ҳисоботларни автоматик тарзда шакллантиради. ПНТ ААТ фойдаланувчиси алоқа бўлими даражасида тизимга реестр-ҳисоботларни почта алоқа боғламасига жўнатганлиги тўғрисида белги киритади. Шундан сўнг реестр-ҳисоботдан почта алоқа боғламаси фойдаланувчилари фойдалана олишлари мумкин бўлади.

**Тўлаш даврининг ёпилиши.**

Пенсия ва нафақалар тўлаш муддати, қайдномаларнинг барча босма вариантлари почта алоқа боғламасига келиб тушиши тўхтаганидан сўнг, почта алоқа боғламасининг ПНТ ААТ фойдаланувчиси тизимда қайдномаларни ёпиш жарёнини амалга оширади. Бунда ПНТ ААТ ахборот тизимида мавжуд бўлган ахборотнинг барча керакли бўлган тўғрилик ва мувофиқлик текширувларини (барча суммаларни текшириш ва ҳ.к) амалга оширади. Номувофиқликлар аниқланган ҳолларда ПНТ ААТ қаерда хатолик юзага келганлиги ва хатолик юзага келиш сабаби тўғрисида почта алоқа боғламаси фойдаланувчисини хабардор қилади.

Тизимда қайдномалар ёпилганидан сўнг, ПНТ ААТ ушбу қайдномаларни фақат ўқиш имкониятини таъминлайди.

Алоқа бўлимининг ПНТ ААТ фойдаланувчиси қандайдир сабабларга кўра олувчига берилмаган, почта алоқа боғламасига қайтарилган нақд пуллар тўғрисидаги ахборотни тизимга киритиши керак. Шу вақтнинг ўзида алоқа бўлими фойдаланувчиси қолган нақд пулларни жўнатиши керак.

Почта алоқа боғламасининг ПНТ ААТ фойдаланувчиси тизимда алоқа бўлимидан қолган нақд пулларни олганлиги тўғрисидаги ахборотни қўллаб-қувватлайди.

Почта алоқа боғламасида барча қайдномалар ёпилганидан кейин, ПНТ ААТ тизим фойдаланувчиларига пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича рўйхатларни (файлга юклаш) электрон кўринишда кўриш, босиб чиқариш ва олиш имконини беради. Пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича рўйхатлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман бўлинмаларига жўнатилади.

Шунингдек Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги даражасидаги фойдаланувчилар пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича рўйхатларни электрон кўринишда олиш ва кейинчалик улардан ўз ахборот тизимларида фойдаланиш имкониятига эга.

ПНТ ААТнинг жорий этилиши қуйидаги имкониятларни (устуворликни) беради:

- «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг барча даражадаги ташкилий иерархиясини пенсия ва нафақаларни тўлаш тўғрисидаги ахборот билан тўла ҳажмда ва ўз вақтида таъминлаш;
- пенсия ва нафақаларни тўлаш жараёни устидан мониторингни амалга ошириш;
- пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг сифатини такомиллаштириш ва тезкорлигини ошириш;
- пенсия ва нафақаларни тўлашда пул маблағлари суиистеъмол

қилиниши ва ўзлаштирилиши ҳолатлари тўғрисида ахборот олиш;

- почта ходимлари томонидан ахборотга қўлда ишлов беришга сарфланадиган вақтни бизнес-жараёнларни автоматлаштириш ҳисобига қисқартириш.

**3§. Пенсия жамғармасининг “Пенсия” автоматлаштирилган ахборот тизимида фойдаланиш тартиби.**

“Пенсия” автоматлаштирилган ахборот тизимида фойдаланиш почта алоқасида икки босқичда амалга оширилади ва хусусиятига кўра почта алоқа бўлимлари (ПАБ) да “Пенсия” дастурида ишлаш ва почта алоқа тармоғи (ПАТ) да пенсия дастурида ишлаш тартиблари киритилган. Қуйида биз ушбу тартиб ва йўриқлар билан танишиб чиқамиз.

**Алоқа бўлимида «Пенсия» дастурида ишлаш**

Алоқа бўлими бошлиғи (ёки ўринбосари) «Пенсия» дастурига кириши учун ўзига берилган логин ва паролни ёзиб (мисол учун: парол-andijon_pat, логин- *******) OK тугмасини босади. (7.2.расм)



*7.2. расм*

Алоқа бўлимлари учун фақатгина битта «Ҳужжатлар билан ишлаш» («Работа с документами») папкаси мавжуд бўлиб, унда:

- **«Реестры ведомостей»;**
- **«Доверенности на получения пенсия»;**
- **«Почтовые участки»;**
- **«Почтальоны»;**
- **«Задания»;**
- **«Получатели» номли файллари мавжуд.** (7.3. расм)



*7.3.расм*

*«Реестры ведомостей»* файлига кириб тармокдан алоқа бўлимига келиб тушган ведомостларни кўриш, тўлаш, реестр-хисоботини кўриш, ҳар бир етказиб бериш участкаси бўйича ведомостларни текшириб кўриши мумкин.

Булардан ташқари ушбу файлга кириб ведомостларда кўрсатилган пенсия олувчиларга пенсия тўланганлик ёки тўланмаганлик сабабини кўрсатиши мумкин. (7.4.расм)



*7.4. расм*

Тўлов ведомостини электрон шаклини очгандан кейин у ерда ушбу файл орқали келиб тушган ҳар бир тўлов хужжатининг тури буйича исталаган етказиб бериш участкасига тегишли ведомостнинг ичига кириб ведомостнинг расмийлаштириш холатини, олувчилар сони, уларнинг суммаси, манзили, тўлов санаси, участка рақами каби маълумотларни коғоздагиси билан солиштириш имконияти мавжуд. Бу ерда **«Оплата»**, **«Неоплата»**, **«Оплата по доверенности»** ва **«Выход»** тугмачалари мавжуд. (7.5. расм)



*7.5. расм*

Тўловни амалга ошириш учун пенсионернинг фамилияси танланиб «Оплата», «Неоплата» ёки «Оплата по доверенности» тугмаларидан бири танланади, тўлов санаси ва почтальон фамилияси кўрсатилгандан кейин «**Сохранить**» тугмаси босилади.

**«Пенсияни олишга ишончнома» менюси**

Ишончнома бўйича тўланаётган пенсия ва нафақалар тўғрисида алоқа бўлим бошлиғи барча маълумотларни ушбу дастурга киритиши зарур. Унда ишончнома муддати ҳам кўрсатилади.(7.6.расм)



*7.6. расм*

**«Почтальонлар» менюси**

Ҳар бир алоқа бўлими бошлиғи алоқа бўлимида ишловчи почтальонлар ва ўзи хақида маълумотни дастурга киритиши керак ва

тўловни амалга ошираётганда тўловчининг фамилиясини танлайди.

Агар почтальон иш жойини ўзгартирса, ёки янги почтальон ишга қабул қилинса бу ҳақда маълумот киритиш имконияти бор. (7.7.расм)



*7.7. расм*

## «Топшириқ» менюси

Ушбу буйруқ орқали касса маълумотномаси бир кунлик ҳамда маълум бир давр учун олиши, шунингдек алоқа бўлимига тегишли бўлган лимит картасини олиши мумкин. (7.8. расм)



*7.8.расм*

Агар тўлов амалга оширилмаган пенсионерга адашиб электрон дастур оркали тўлов қўйилган бўлса, у ҳолда ушбу пенсионернинг фамилияси яна қайтадан белгиланиб «Неоплата» тугмаси орқали тўланмаслик сабаби келтирилиб "сохранить" қилинади. Ой давомида

тўлов амалга ошириладиган бўлса ушбу операция яна такрорланади.

### 4§. Пенсия ёки нафақа олувчи тўғрисида дастурдан маълумот олиш.

Почта алоқа бўлими тўлов рўйхатидан электрон тарзда пенсионер тўғрисида маълумотни тез ва осон қидириб топиш учун **«Получатели»** тугмаси танланади, ундан кейин фильтрга кириб пенсионер хақида маълумот ёзилиб **“Применить”** тугмаси босилади. (7.9. расм)



*7.9. расм*

Тизимнинг фойдаланувчи учун қулайлик яратиш хусусиятларидан бири,агар тўлов амалга оширилмаган пенсионерга адашиб электрон дастур оркали тўлов қўйилган бўлса, у холда ушбу пенсионернинг фамилияси яна қайтадан белгиланиб «Неоплата» тугмаси оркали тўланмаслик сабаби келтирилиб сақлаб қолиш қилинади. Тўлов ой давомида амалга ошириладиган бўлса ушбу операция яна такрорланади.

### Почта алоқа тармоғида пенсия тўлови гурухи ходимлари учун «Пенсия» дастурида ишлаш тартиби

Почта алоқа тармоғи назоратчиси «Пенсия» дастурига кириши учун ўзига берилган логин ва паролни ёзиб (мисол учун:

парол-andijon_pat, логин- ******* ) OK тугмасини босади.(7.10. расм)



*7.10. расм*

Тизимга кирилганда қуйидагича кўринишда иш столи пайдо бўлади. Экраннинг юқори чап томонида ("Взаимадействие с ПФ", "Работа с документами" ва "Финансовые операции") хужжатлар жамланмаси кўринади. (7.11.расм)



*7.11.расм*

Ундан кейинги буйруқ «Входящие документы» (Кирувчи хужжатлар) файлида нафақаларнинг барча турлари бўйича келувчи хужжатлар (қайдномалар турлари, кузатув рўйхатлари, ва реестр-ҳисоботларнинг электрон шакли ҳамда уларнинг сони ва

суммаси ҳақидаги маълумот олиш мумкин). Шунингдек, ушбу файл орқали ҳужжатларни қабул қилиш (принят) ҳамда рад этиш (отказать) операцияларини бажариш мумкин.

“Исходящие документы” (Чиқувчи ҳужжатлар) файлида эса, алоқа бўлимлари ёки марказлар (ишлаб чиқариш участкалари) орқали тўланган ва улар томонидан тўловдан кейин юборилган файллар ҳақида маълумот келиб тушади. Почта алоқаси тармоғи назоратчи (йўриқчилари) эса, ўз навбатида ҳар куни ушбу маълумотларни Пенсия жамғармасининг бўлимларига жўнатади (7.12. ирасм).



*7.12.расм*

Дастурдаги кейинги папка бу “Ҳужжатлар билан ишлаш” (Работа с документами) папкаси бўлиб, у қуйидаги файллардан ташкил топган:

Ведомостларнинг рўйхатлари (Опись ведомостей) – Бунда ПЖ нинг туман бўлимларидан келиб тушган рўйхатлар (жами тўлов суммаси, жами олувчилар сони, шунингдек ҳар бир алоқа бўлими учун қанча тўлов хужжатлари олувчилар сони суммалари) ҳақида маълумот олиш мумкин.

Бунинг учун рўйхат (опись) тури танланиб курсор унинг устига

қўйилади ва кўриш («просмотр») тугмаси босилади ва ушбу маълумотлар коғоздаги берилган маълумотлар билан солиштириб кўрилади, маълумотлар тўғри бўлса қабул қилиш тугмаси, нотўғри бўлса рад этиш тугмаси босилади; (7.13. расм)



*7.13. расм*

Ведомостларнинг реестрлари (Реестры ведомостей) -- Бунда ПЖнинг туман бўлимларидан келиб тушган ведомостларнинг реестрлари (жами тўлов суммаси, жами олувчилар сони, шунингдек ҳар бир тўлов участкаси, почта алоқа бўлими учун қанча тўлов ҳужжатлари олувчилар сони суммалари) ҳақида маълумот олиш мумкин. Бунинг учун тегишли почта алоқа бўлими танланиб унинг устига курсор қўйилиб, кўриш («Просморт») тугмаси орқали реестр ҳисоботни кўриш мумкин ва ушбу маълумотлар коғоздаги берилган маълумотлар билан солиштириб кўрилади, солиштиршда хатоликлар аниқланмаса нафақанинг тегишли тури бўйича тўлов реестрлари қабул қилиниб алоқа бўлимига жўнатиш («отправить в отделения связи») тугмаси орқали жўнатилади. Агар электрон шаклда тақдим этилган тўлов ведомостларидаги суммалар ёки олувчилар тўғрисидаги маълумотлар

коғоздаги билан солиштирилганда фарқ аниқланса айнан хатолик аниқланган алоқа бўлимига тегишли бўлган тўлов хужжати тури рад этилади (отказать). Рад этиш кирувчи ҳужжатлар файли орқали амалга оширилади. (7.14.расм)



*7.14-расм*

Ушбу файл орқали келиб тушган ҳар бир тўлов ҳужжатининг тури бўйича исталганган алоқа бўлимига тегишли бўлган тўлов хужжатининг исталган тўлов участкасига тегишли ведомостнинг ичига кириб ведомостнинг қандай расмийлаштирилганлигини, олувчилар сони уларнинг суммаси, манзили тўлов санаси, участка рақами каби маълумотларни коғоздагиси билан солиштириш имконияти мавжуд(7.15.расм).



*7.15.расм*

Тўлов бошланган даврдан бошлаб реест-хисоботларни ҳар куни тармокдан туриб кузатиб бориш мумкин. Бунда айни вактда тўлов холатини ҳар бир тўлов участкаси учун кўриш, олиш мумкин. Шу каби операцияни ой охирида хисобот қабул қилишда ҳам қўллаш мақсадга мувофикдир. (7.16. расм)



*7.16. расм*

Дастурдаги учинчи хужжатлар жамланмаси бу “**Молиявий амаллар**” (“**Финансовые операции**”) папкаси бўлиб бунда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мумкин:

- амалиётлар, фармойишлар, почта ҳудудлари, кўрсаткичлар, **топшириқлар (задания),** олувчилар ҳамда алоқа бўлимларига жўнатиладиган бир марталик меъёр (лимит) тўғрисида маълумотларни киритиш олиш, кўриш ва чоп этиш мумкин. Бунда фармойишни тўлов хужжатлари қабул қилинган ва алоқа бўлимга жўнатилгандан кейингина тузиш мумкин. Шунингдек, фармойиш тузишдан олдин ҳар бир алоқа бўлимига бир маротаба жўнатиш учун лимит микдори тўғрисидаги маълумот дастурга киритилган бўлиши керак.(7.16,7.17. расмлар)



*7.16. расм*



*7.17. расм*

Дастурда фармойишни, ойлик ҳисоботларни тузиш ва чоп этиш, ҳар бир алоқа бўлими бўйича ва тармоқ бўйича шунингдек, филиал миқёсида лимит картани кўриш ва чоп этиш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун "Топшириқлар" ("Задания") файлига кириб у ердан **«Добавить»** буйруғи танланади, ундан кейин **«Программа»** буйруғининг ичидан талаб қилинаётган тўлов ҳужжати тури бўйича ҳисобот ёки лимит картаси танланади ва **«Выбрать»** буйруғи босилади.



*7.18.расм.*

Бундан ташқари тизимдан пенсия ёки нафака олувчи тўғрисида маълумот олиш ҳам мумкин. Бунинг учун **«Получатели»** тугмаси танланади, ундан кейин фильтрга кириб, қ пенсионер хақида маълумот ёзилиб **"Применить"** тугмаси босилади.(7.19.расм)



*7.19.расм*

"Пенсия нафақалар тўловини назорат қилиш" автоматлаштирилган тизимининг асосий устиворликлари қуйидагилар ҳисобланади:

- пенсия ва нафақаларни тўлаш тўғрисида барча ахборотни сақлаш учун ягона маълумотлар базасининг мавжудлиги;

- пенсия ва нафақаларни тўлаш тўғрисидаги статистик ва таҳлилий ахборотни олиш жараёнларини турли йўсинларда автоматлаштирилганлиги;

- пенсия ва нафақаларни тўлаш жараёнидаги ҳужжат айланишини

автоматлаштирилганлиги;

- пенсия ва нафақаларни тўлаш жараёнининг мониторингини ўтказиш имкониятининг мавжудлиги ва бошқалар.

## Назорат саволлари

1. Пенсия ва нафақаларни тўлаш ААТни яратишнинг асосий мақсади нима?
2. ПНТ ААТнинг асосий вазифаси нима?
3. Ахборот оқимларининг йўналишлари ва ПНТ ААТ бизнес-жараёнлар иштирокчиларининг схемасини тушунтириб беринг.
4. Пенсия ва нафақаларни тўлаш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби нималардан иборат?
5. Накд пулларни тақсимлаш тартибини тушунтириб беринг?
6. Пенсия ва нафақаларни тўлашни амалга ошириш тартиби нимадан иборат?
7. Тўлаш даврининг ёпилиши жараёни нимадан иборат?

# 8-БЎЛИМ. КОММУНАЛ ХИЗМАТ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ПОЧТА АЛОҚАСИ ОБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ

## 1 §. Коммунал хизмат тўловларини қабул қилишнинг технологик жараёни. Коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимининг ишлаш тамойили.

Аҳолидан коммунал хизматлар (газ, электр энергияси, сув, иссиқ сув, аҳлат) учун тўловларни қабул қилиш почта алоқаси объектлари орқали амалга оширилади.

Коммунал хизматларни тўлаш учун тўловчи тўлдирилган тўлов квитанциясини олиб келади ва тўлов суммасини киритади. Почта алоқаси ходими пулларни қабул қилади, тўлов квитанциясига эса, муҳр ва тақвим тамғасини туширади. Тўлов квитанциясининг бир қисми тўловчига берилади, иккинчиси эса - почта алоқаси объектида қолади.

Пул ва тўлов квитанциясининг қолган қисми бухгалтерияга топширилади. Туман почта алоқа боғламасининг бухгалтерияси аҳолидан тўловни қабул қилиш бўйича ахборотга қўлда ишлов беради ва уни коммунал хизмат турлари бўйича умумлаштиради. Ишлов бериш натижалари бўйича коммунал хизматлар билан ҳисоб-китоблар қабул қилинган сумманинг фоиз ставкасини чегириб коммунал хизматларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ҳисобот

даври натижалари бўйича аҳолидан коммунал хизматлар учун қабул қилинган тўлов суммаси тўғрисидаги ахборот, шунингдек аҳолидан тушган тўлов квитанциялари тайёрланади ва коммунал хизматларга топширилади.

Аҳолидан коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш мақсадида 2009- йилдан бошлаб почта алоқасида коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими қўлланилиб келинмоқда.

Коммунал хизмат тўловлари ААТни яратишдан асосий мақсад аҳолининг коммунал хизматларни тўлашида маблағларнинг тушиши тўғрисидаги ахборотга ишлов бериш жараёнларини автоматлаштириш ҳисобланади.

Коммунал хизмат тўловлари ААТнинг асосий вазифаси қуйидагилар ҳисобланади:

- ягона маълумотлар базаси ва коммунал хизматлар тўловларидан тушган пул маблағларини ҳисобга олиш тизимини яратиш;

- аҳоли томонидан коммунал хизматларни тўлашда тушган маблағлар тўғрисидаги ахборотга ишлов беришни автоматлаштириш;

- аҳолидан коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш бўйича турли ҳисоботларни олиш.

Почта алоқаси объекти тўлов квитанцияси ва пулларни қабул қилади. Почта алоқаси ходими тўловни қабул қилишда тизимга қуйидаги ахборотни киритади:

- коммунал тўлов тури;

- тўловчи маълумотлари;

- тўловчи тўлайдиган сув, электр энергияси ва хоказоларнинг хажми;

- тўлов суммаси ва б.ш.к

Мухр ва тамға тўлов квитанциясига автоматик тарзда босиб туширилади.

Тўловни қабул қилиш бўйича киритилган ахборот тизим томонидан умумлаштирилади. Бухгалтериянинг талаби бўйича тизим кераклн ахборотни беради ва зарур бўлган коммунал хизматлар билан керакли хисобот даври учун ўзаро хисоб-китоб шаклларини босиб чиқаради, яъни ахолидан тўловларни қабул қилиш бўйича ахборотни қайта ишлашнинг ушбу жараёни тўлик автоматлаштирилган.

Коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиш коммунал хизматларга ахолидан пул маблағларининг почта алоқаси объектлари орқали келиб тушиши тўғрисидаги ахборотни кўриш учун тақдим этилиши мумкин. Коммунал хизматларда ўзларининг автоматлаштирилган тизими мавжуд бўлса, маълумотлар почта алоқаси тизимидан коммунал хизматларнинг тизимларига киритилиши ва ахолидан коммунал хизматлар тўловларини (қарзи йўқлигини) хисобга олиш учун фойдаланилиши мумкин.

**2§. "Коммунал хизматлар тўловларини қабул қилиш" автоматлаштирилган тизимида ишлаш тартиби.**

"Ўзбекистон почтаси" АЖ тасарруфидаги почта алоқа тармоқлари ва бўлимларида жорий этилган ушбу ахборот тизими "Ўзбекэнерго" ДАК нинг биллинг тизими билан боғланган, шунингдек автоматлаштирилган тизимлар ўртасида электрон кўринишдаги маълумотларни "онлайн" режимда алмашинуви йўлга қўйилган.



*8.1-расм. "Коммунал хизматлар тўловларини қабул қилиш" а.а.т нинг тузилиши.*

**Тўловларни қабул қилиш. Тўловларни киритиш.**

Тўловларни киритиш учун менюда «Работа с платежами» → «Прием платежей»→ «Ввод платежей» га кириб, ўз почта алоқаси объектини белгиланади ва «Ввод платежей» тугмачаси босилади. (8.2. расм).



*8.2. расм.*

Хизмат тури ва хизмат кўрсатувчи ташкилотни танлаймиз.



*8.3. расм.*

Экранда тўловларни киритиш шакли пайдо бўлади. Бу ерда учта киритилиши шарт бўлган майдонлар мавжуд: Абонент дафтарчаси №, мижоз ФИШ, қабул қилинадиган сумма.

Шунингдек, бир нечта тўлдирилиши зарур бўлмаган майдонлар мавжуд. Мижоз абонент дафтарчаси №, мижоз Ф.И.Ш, кабул қилинган сумма, тўлов шаклини белгилаймиз ва "Сохранить" тугмачасини босамиз.Тўлов муваффакиятли яратилганлиги тўгрисида хабар чиқади ва принтерга мижоз тўлдирган квитанцияни қўйиб сўнг "Печать" тугмачасини босамиз. Квитанцияда оператор тизимга киритган маълумотлар, қабул қилган оператор маълумотлари билан бирга почта алоқаси объекти номи, хизмат тури, хизмат кўрсатувчи, қабул қилиш

вакти, санаси ва хоказолар чоп этилади.(8.4. расм)



*8.4. расм.*

**Тўловлар билан ишлаш.**

Киритилаётган тўловлар руйхатини кўриш учун менюда "Работа с платежами"→ "Прием платежей" →"Работа с платежами" режимига кирилади. Бу шакл барча тўловларни шахсий ҳисоб рақамлари бўйича акс эттиради (8.5.расм).



*8.5. расм*

Тепада жойлашган "Утвердить", "Отмена утверждения", "Удалить", "Отмена удаления" тугмачалари ёрдамида қабул қилинган тўловлар устида ишлаш мумкин Шунингдек, чек ёки квитанция ҳам чоп этиш мумкин.

## Тўловларни реестрлар бўйича киритиш.

Ушбу шакл ёрдамида барча автоматлаштирилмаган алоқа бўлимларида қабул қилинган тўловларни киритиш мумкин. Бу учун менюда «Работа с платежами»→ «Прием платежей с ОС» → «Ввод платежей по реестрам»ни танлаймиз.(8.6-расм)



*8.6- расм.*

Менюнинг чап томони тепа қисмидан хизмат ва хизмат кўрсатиш тури, операцион кун танланади. Бунда охирги беш кунга тўловларни қабул қилиш мумкин. Кейин эса алоқа бўлимини танланади ва «Ввод платежей» тугмачасини босилади. Экранда пайдо бўлган ойнада реестр рақамини киритилади, абонент дафтарчаси рақамини, суммани киритилади ва «Enter» ёрдамида кейинги мижозни киритиш имконини беради. Барча тўловларни киритиб бўлингандан сўнг, реестрнинг жами суммаси ва сони тепадаги ойначаларда кўринади, хатога йўл қўйилган бўлса, қилинган хатони топиб, ўша тўловни ўчириб тўғирланади ва охирида «Сохранить» тугмачаси босилади. Худдишу тарзда қолган барча алоқа бўлимлари ва хизмат турлари буйича реестрлар киритилади (8.7. расм )



*8.7. расм.*

**Алоқа бўлимлари реестрларини ўтказиш.**

Бу бўлимда реестрларни виртуал реестрлардан ҳақиқий реестрларга ўтказиш керак, чунки улар ўтказилмагунча ҳисоботларда акс этмайди.

Менюда "Реестры"→ "Перенос реестров по отделениям" ойнасига кириб реестрларни кўчириш мумкин, бу учун рўйхатдан реестрни белгилаб, "Утвердить и Перенести" тугмачасини босилади.(8.8.расм )



*8.8. расм.*

Ушбу амалларни бажарилганидн сўнг реестрлар алоқа бўлимлари ҳисоботларида кўринади. Реестрларни кўчиргандан кейин, уларни ўзгартириб бўлмайди, шунинг учун ўзгаришларни кўчиришдан олдин амалга ошириш керак. Бунинг учун керакли реестрни танлаймиз ва

"Редактировать" тугмачасини босамиз. Экранда пайдо бўлган ойнада реестрга ўзгартиришлар киритиш мумкин



*8.9.расм.*

## Реестр 10 н шаклни юритиш тартиби.

Почта алоқа бўлимларида қабул қилинган тўловларни ҳар бир хизмат кўрсатувчи бўйича кунлик жамлаш учун реестр 10 н шакли юритилади. Бунинг учун тизимда "Реестры"→ "Реестр 10н" ни танланади ва тизимда куйида келтирилган экран шакли пйдо бўлади: ( 8.10- расм)



*8.10.расм.*

Реестрларни чоп этиш ва кўриш мумкин. Шунингдек, 8.11.расмда реестрнинг Excelда чоп этилган шакли ҳам келтирилган.



*8.11 расм.*

## Реестр 10 нс шаклни тўлдириш тартиби

Почта алоқа тармогининг барча бўлимлари томонидан хизмат кўрсатувчи ҳисобига қ2абул қилинган тўловларни жамланган кўринишини акс эттириш учун 10 нс шакл реестри юритилади.

Реестрни очиш учун менюда "Реестры"→ "Реестр 10 нс" ни очилади ва экранда 8.12 - расмдаги кўриниш пайдо бўлади.



*8.12-расм.*

Бу ерда «Сгенерировать», «Просмотр», «Печать реестра», «Печать платежки», «Провести», «Формировать файл», «Выгрузить файл»

операцияларини бажариш мумкин. 10нс шакл реестрини генерация қилиб, бўлимларда тўловлар (кунлик қабулини) жамлаш ва 10нс реестрини шакллантириш мумкин. Генерация қилиш учун «Сгенерировать» тугмачасини босилади, экранда пайдо бўлган ойнада шакллантириш санаси киритилади ва «ОК» тугмачасини босилади. (8.13- расм)



*8.13. расм.*

Генерация қилинган 10нс шакл реестрини кўриш учун «Просмотр» тугмачасини босилади. Экранда ушбу 10 нс реестрга кирувчи барча 10н реестрлар намоён бўлади.



*8.14. расм.*

Реестрни чоп этиш учун «Печать реестра» тугмачасини босамиз, экранда чиққан ойнада «Открыть» тугмачасини босамиз ва Excel файли

чиқади. (8.15 ва 8.16-расмлар).



*8.15. расм.*




*8.16. расм.*

Ҳар бир 10нс реестр учун тўлов топшириқномаси шаклланади. Топшириқномани чоп этиш учун «Печать платежки» тугмачаси босилади.




*8.17. расм.*

Тўлов топширикномаси номери қўлда киритилади, почта хизмат ҳақи билан ёки хизмат хақисиз тури танланади ва «Печать» тугмачаси босилади. Экранга тўлдирилган топширикнома шакли чиқади.



*8.18.расм.*

Кейин менюда «Файл»→ «Печать» ни белгиланади (8.19- расм)



*8.19. расм.*

Чоп этиш ойнаси чиқади. Бу ойнада принтер танланади, «Печать» тугмачаси босилади ва тўлов топширикномаси чоп этилади. (8.20.расм)



*8.20. расм.*

Ушбу 10 нс реестри бўйича тўлов топшириқномаси банк томонидан хизмат кўрсатувчи хисобига ўтказилгандан сўнг маълумотларни тизимга киритилади. Бу учун рўйхатдан керакли 10нс реестрини белгиланади, тепадаги «Провести» тугмачаси босилади. Экранда чиққан «Запрос пользователю»га банкдан пул ўтган санани киритилади ва «ОК» тугмачасини босилади.(8.21-расм). Реестр муваффақиятли ўтказилганлиги тўғрисида хабар чиқади. (8.22-расм). Шундан кейин ушбу 10нс реестрининг суммаси хизмат кўрсатувчи билан тузиладиган солиштирув далолатномасининг «Перечислено» қисмига банкдан ўтган сана билан тушади.



*8.21. расм.*



*8.22. расм.*

**Ғазна бўйича ҳисобот.**

Тўловларни қабул қилиш буйича кунлик ғазна хисоботларини чикарнш учун менюда «Реестры»→ «Отчеты по кассе» га кириб, «Кассовая справка» ни белгилаймиз ва «ОК» тугмачасини босамиз.(8.23-расм)




*8.23. расм.*

Экранда пайдо бўлган хабар ойнасида «Открыть» ни белгилаймиз ва ғазна бўйича ҳисобот шакли очилади (8.24 ва 8.25 – расмлар)



*8.24. расм.*



*8.25. расм.*

Худди шу тарзда касса бўйича бошқа ҳисобот шаклларини чиқариш мумкин.



*8.26.расм*



*8.27. расм*



*8.28. расм*



*8.29. расм*

## Кунлик ҳисоботларни солиштириш.

Далолатномани шакллантириш учун бош менюда «Отчеты» → «Акт сверки взаимных расчетов по дням» ни танлаймиз ва қолган амаллар «Отчеты по кассе» дагидек такрорланади.



*8.30. расм*



*8.31. расм*




*8.32. расм*

## Ҳисоботларни умумлаштириш.

Хисоботларни шакллантириш учун бош менюда «Консолидированная отчетность» → «Анализ платежей» ни танланади. (8.33. расм)



*8.33. расм.*

Экранда хисоботлар рўйхати чиқади. Барча ҳисоботлар юқорида келтирилган амаллар ёрдамида экранга чиқарилади.

Коммунал хизматлар тўловлари ААТнинг жорий этилиши қуйидаги имкониятларни (устуворликни) беради:

- коммунал хизмат тўловларидан пул маблағларининг келиб тушишини ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш, бу бухгалтерия ишини енгиллаштиради;

- ишлов бериш жараёнини автоматлаштириш ва коммунал хизматларни тўлашда пул маблагларини қабул қилиш тўғрисидаги ахборотни олиш ҳамда мувофиқ равишда почта ходимларининг ушбу ахборотга қўлда ишлов бериши учун сарфланадиган вақтни қисқартириш.

## Назорат саволлари

1 Коммунал хизмат тўловларини қабул қилишнинг технологик жараёни қанақа босқичларини ўз ичига олади ?

2. Коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимининг ишлаш тамойили нимага асосланган ?

3. Почта алоқаси ходими тўловни қабул қилишда тизимга қайси ахборотни киритади ?

4. Коммунал хизматлар тўловлари ААТнинг жорий этилиши имкониятлари (устуворликлари) нимадан иборат ?

# 9- БЎЛИМ. ДАВРИЙ НАШРЛАРГА ОБУНАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ.

## 1 §. Почта алоқасида обуна жараёнини ташкил қилиш тамойиллари.

Почта нашриётларга қуйидаги воситачилик хизматларини тақдим этади:

- даврий нашрларни (газета ва журналлар) олиш учун жисмоний ва юридик шахсларни обуна қилиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга даврий нашрларни етказиб бериш.

Обунани ташкил қилишнинг турли усуллари мавжуд – почта алоқаси бўлимларида каталог орқали, бевосита нашриётларда ва обуна қилиш ҳамда етказиб бериш билан шуғулланувчи компаниялар орқали. Бундан кейин даврий нашрларга почта орқали обуна бўлиш жараёни кўриб чиқилади.

Почта алоқаси бўлимларида жисмоний шахсларнинг даврий нашрларга обуна бўлишлари учун нашрни белгиланган давр мобайнида олиш ва нашрни обуначининг манзилига етказиб бериш учун тўлов суммаси тўланган ҳолда обунанинг расмийлаштирилиши амалга оширилади. Юридик шахсларнинг обуна бўлишлари учун почта улар билан шартномани ўзлари кўрсатган манзилга етказиб бериш бўйича хизматларни киритган ҳолда тузади.

Обуна натижалари бўйича почта нашриётдан даврий нашрларнинг керакли ададига буюртма беради ва у билан ўзаро ҳисоб-китобни амалга оширади: воситачилик хизматлари учун ҳамда буюртма қилинган нашрларни етказиб бериш хизмати учун фоиз ставкасини ундирган ҳолда обуна учун йиғим суммасини тўлаш, бу почта даромадини ҳосил қилади.

Почта орқали буюртма қилинган даврий нашрларни ва бевосита нашриётларда ёки компания орқали буюртма қилинган даврий нашрларни етказиб беради.

Бугунги кунда почта аниқ нашрнинг обунасини таҳлил қилиш имкониятига эга. Обуна компаниясининг бошидан ҳар ўн кунда обуначилар, оборот, ададлар ва даромаднинг ўзгариши бўйича ахборот тўпланади ва умумлаштирилади. Ушбу маълумотлар почта алоқаси объектларидан «қўлда» тўпланади. Кўрсатилган маълумотларни тўплаш керакли ҳажмдаги ададни буюртма қилиш, нашриётлар билан ҳисоб-китоб қилиш ва обуна қилинган нашрларни обуначига етказиб бериш учун зарур.

## 2§. Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб беришнинг ААТ

Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб беришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини (ААТ) яратишдан асосий мақсад даврий нашрларга обуна бўлиш ва етказиб бериш тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш жараёнини автоматлаштириш ҳисобланади.

Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш ААТнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш бўйича маълумотларни ягона ҳисобга олиш тизими ва базасини яратиш;

- даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш бўйича ахборотнинг қайта ишланишини автоматлаштириш;

- даврий нашрларни почта орқали етказиб бериш жараёнларининг мониторингини ўтказиш ва назорат қилинишини таъминлаш.

Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш ААТда қуйидаги ахборотни ҳисобга олиш ва тўплаш билан амалга оширилади:

- обуна бўлиш мумкин бўлган даврий нашрларнинг, шунингдек нашриётларнинг рўйхати (каталоги);

- ҳар бир обуна бўйича ахборот, жумладан обуначининг маълумотлари, обуна қилинган нашр тури ва адади, обуна суммаси, етказиб бериш хизматини буюртма қилиш ва б.ш.к;

- обуначилар билан тузилган шартномалар ва уларнинг суммалари;

- етказиб бериш даврийлиги ва турлари тўғрисидаги ахборот;

- даврий нашрларни ҳар бир буюртма бўйича етказиб бериш жараёни, жумладан етказиб бериш муддати тўғрисидаги ахборот.

Даврий нашрларни обуна қилиш ва етказиб бериш ААТ фойдаланувчилари қуйидагилар ҳисобланади:

- аҳолидан талабномаларни қабул қилишни амалга оширувчи

почта алоқаси объектларининг ходимлари;

- юридик шахслар билан даврий нашрларга обуна бўйича ишлайдиган почта алоқаси объектларининг ходимлари;

- даврий нашрларни етказиб беришни амалга оширувчи почта алоқаси объектларининг ходимлари;

- буюртма қилинган нашрларни нашриётдан қабул қилишни амалга оширувчи почта алоқаси объектларининг ходимлари;

- нашр қилиниши учун обуна тўғрисида тезкор ахборот олиш учун нашриётлар;

- даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш устидан мониторинг ўтказиш ва назорат қилишни амалга оширувчи таҳлилий бўлимлар;

- буюртма қилинган даврий нашрлар учун нашриётлар билан ўзаро ҳисоб-китобни амалга ошириш учун бухгалтерия.

Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш ААТ бизнес-жараёни иштирокчиларининг ўзаро ишлаш схемаси қуйида келтирилган:




1. Почта алоқаси объектлари қуйидагиларни амалга оширади:

- аҳолидан буюртмалар қабул қилиш ва даврий нашрларга обунани ташкил қилиш ва расмийлаштириш (шартномалар тузиш);

- даврий нашрларни обуначининг манзили бўйича етказиб бериш.

2. Почта қуйидагиларни амалга оширади:

- почта алоқаси объектлари орқали амалга оширилган обуна буюртмаларига ишлов бериш;

- нашриётдан даврий нашрларнинг зарур бўлган ададини олиш учун буюртма тузиш;

- даврий нашрларни манзил бўйича етказиб бериш учун уларни почта алоқаси объектларига етказиб бериш;

- нашриётлар билан ўзаро ҳисоб-китобни амалга ошириш.

3. Нашриётлар:

- нашр қилиниши учун почта орқали амалга оширилган обуна тўғрисида аҳборот олади;

- бевосита нашриётларда ёки бошқа компаниялар орқали буюртма қилинган даврий нашрларни почта орқали етказиб бериш тўғрисидаги аҳборотни тақдим этади;

- даврий нашрларни почта орқали етказиб бериш учун уларнинг ададларини почтага тақдим этади;

- почта билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш ААТнинг ишлаш принципи қуйидагича:

Почта алоқаси объектлари обуна учун буюртмалар қабул қилади

ва ахборотни ААТ маълумотлар базасига киритади. Ушбу ахборот қайта ишланади. Қайта ишлаш натижалари бўйича обуна тўғрисидаги ахборот почта ва нашриётларга тақдим этилади, бу асосида улар даврий нашрларнинг зарур бўлган тираж ҳажмини шакллантирадилар. Қўшимча равишда нашриётлар бевосита нашриётларда ёки бошқа компаниялар орқали буюртма қилинган даврий нашрларни почта орқали етказиб бериш, обуначининг маълумотлари, даврий нашр тури ва уни етказиб бериш даврийлиги тўғрисидаги ахборотни ААТга киритади.

Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш ААТ даврий нашрларни почта алоқаси объектларига ёки адресатга (обуначига) етказиб берилишини назорат қилиш учун почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва етказиб бериш ААТ билан ўзаро ҳамкорликда ишлаши керак. Етказиб берилганлик тўғрисидаги ахборот даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш ААТга ахборотни қайта ишлаш ва етказиб берилишини назорат қилиш (мониторингини ўтказиш) учун узатилади.

Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш ААТ орқали обуначиларга қўшимча хизмат кўрсатиш сервиси ташкил қилиниши мумкин бўлади. Обуначилар учун Интернет тармоғида фойдаланиш мумкин бўлган даврий нашрларнинг, шунингдек бошқа нашрлар электрон каталогининг базаси веб-сайт кўринишида шакллантирилади. Обуначи сайтда буюртма қилади. Буюртма тўғрисидаги ахборот ААТда

қайта ишланади. Даврий ёки бошқа нашр учун, шунингдек унинг етказиб берилиши учун тўловни обуначи электрон тўлов тизими орқали амалга ошириши мумкин ёки буюртмани амалга оширгандан сўнг обуначининг уйига келадиган почтальонга тўлаши мумкин.

Айни вақтда «Ўзбекистон почтаси» АЖ корхоналари ва обеъктларида жорий этилган «Обуна» автоматлаштирилган ахборот тизимининг интерфейси 9.1. расмда келтирилган.




*9.1.расм*

Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш ААТнинг жорий этилиши қуйидаги имкониятларни (устуворликларни) беради:

- обуна учун буюртмаларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш;

- даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш тўғрисидаги ахборотни қайта ишлаш ва олиш жараёнини автоматлаштириш ҳамда мувофиқ равишда почта ходимлари томонидан ушбу ахборотга қўлда

ишлов бериш учун сарфланадиган вақтни қисқартириш;

- даврий нашрларни ўз вақтида етказиб бериш устидан назоратни таъминлаш.

### Назорат саволлари

1. Почта алоқасида обуна жараёнини ташкил қилишнинг тамойиллари нимадан иборат ?
2. Почта нашриётларга қанақа воситачилик хизматларини тақдим этади?
3. Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш ААТнинг вазифасига нималар киради?
4. Даврий нашрларга обуна қилиш ва етказиб бериш ААТда қанақа ахборотни ҳисобга олиш ва тўплаш амалга оширилади?

# 10-БЎЛИМ. ПОЧТА АЛОҚАСИ СОҲАСИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ

## 1§. Молиявий ҳисобга олиш жараёнларини автоматлаштириш.

Молиявий ҳисобга олиш жараёнларига қуйидагилар киради:

- даромадни ҳисобга олиш – почта алоқаси объектларига хизматларнинг барча турлари (почта жўнатмалари, пенсияларни тўлаш, аҳоли томонидан амалга оширилган коммунал хизматлар тўлови, даврий нашрларга обуна, уларни етказиб бериш ва бошқалар) кўрсатилганлиги учун пул маблағлари тушумларининг келиб тушиши;

- хизматларни кўрсатишда ўзаро ҳисоб-китобларни (мижозлар, коммунал хизматлар, бюджет (банклар), нашриётлар ва бошқалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар), шунингдек кредиторлик ва дебиторлик қарзларини ҳисобга олишни олиб бориш;

- хизматларни кўрсатиш ва ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олиш;

- почта алоқаси субъектлари ўртасида молиявий маблағларнинг ҳаракатланиши;

- бюджетлаштириш – маълум давр давомида компаниянинг молиявий маблағларининг ҳаракатини режалаштириш;

- бухгалтерия ҳисоби;

- корхонанинг моддий ва номоддий активларини ҳисобга олиш.

Бухгалтерия ҳисобига қуйидагилар киради:

- банк ва касса бўйича операциялар,
- асосий маблағлар ва номоддий активларни ҳисобга олиш:
- материаллар, товарлар, маҳсулотларни ҳисобга олиш;
- харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни ҳисоблаш;
- солиқ ҳисоби – солиқнинг барча турларининг тўлови;
- валюта операциялари;
- ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар;
- ҳисоб берувчи шахслар билан ҳисоб-китоблар;
- иш ҳақи тўлови бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар;
- бюджет билан ҳисоб-китоблар.

Почта алоқаси объектларида даромадларни ва молиявий маблағлар ҳаракатини ҳисобга олиш учун 130-шакл юритилади. Ушбу шакл почта алоқасининг туман (шаҳар) узели доирасида юритилади, кейин почтамтлар билан биргаликда вилоят филиалларида компаниянинг марказий даражасида умумлаштирилади. Ушбу шаклларни тўлдириш ва уларга ишлов бериш қўлда амалга оширилади.

Мавжуд молиявий ҳисобга олиш тизимининг камчиликлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- молиявий маблағларни йиғиш, уларга ишлов бериш ҳамда уларнинг келиб тушиши ва сарфланишини ҳисобга олишда тезкорликнинг мавжуд эмаслиги;

- молиявий ахборотларни тайёрлашда ва қайта ишлашда инсон омилининг мавжудлиги ҳамда ахборотни киритиш ва уни қайта

ишлашда тегишли равишда хато ва маълумотларни тақдим этиш ноаниқлигини истисно этиш мумкин эмас;

- молиявий маблағлар ҳаракатининг тўлиқ функционал ва самарали назоратининг йўқлиги.

Почта алоқаси соҳасида молиявий ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларини автоматлаштириш учун молиявий ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими (МҲААТ) қўлланилиши керак.

МҲААТнинг асосий вазифаси бўлиб, ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида молиявий ресурсларни тезкор ва самарали назорат қилиш ҳамда бошқаришни ташкил этиш ҳисобланади.

МҲААТ модулларининг структураси



*10.1. расм*

Маҳсулот модуллари бўлиб, ААТ молиявий модуллари ҳисобланади:

- электрон пул ўтказмалари;

- тўловларни қабул қилиш;

- пенсия ва нафақалар тўлови;

- даврий нашрларга обуна ва уларни етказиб бериш ва бошқалар.

Ушбу модулларнинг асосий вазифаси бўлиб; хизматларни кўрсатиш жараёнида молиявий харажатларнинг тушуми ва уларнинг сарфланиши тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш ҳисобланади. Масалан, ўтказмаларни қабул қилиш ва тўлаш, пуллар тушуми ва пенсияларни тўлаш, тўловлар учун пул маблағларининг келиб тушиши ва бошқалар.

«Асосий маблағлар» модули компаниянинг асосий маблағлари: асосий ва депозит ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари, шу жумладан кредит маблағлари, техник ва бошқа ишлаб чиқариш маблағлари (бино, автотранспорт, инвентарь, ёрдамчи воситалар, дастурий воситалар ва ҳ.к), қимматли қоғозлар ва улардан келиб тушадиган дивидендлар ва ҳоказолар ҳисобга олиниши (харажатлари, келиб тушиши, қолдиқ) ни таъминлайди.

«Захираларни бошқариш» модули захира маблағларини: омбор ёки таъмирлаш цехларидаги материаллар, бутловчи қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий қийматга эга товарлар (МҚТ) ҳисобга олиниши (келиб тушиши, харажатлари ва қолдиқ) ни таъминлайди.

«Кредиторлик ва дебиторлик қарзларини бошқариш» модули (бошқача номи «ўзаро ҳисоб-китоблар модули») хизматларни кўрсатиш

ва ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш жараёнида шериклар, сотувчилар, харидорлар ва мижозлар билан молиявий маблағлар қарздорлигини ҳисобга олишни таъминлайди (кредиторлик – компания олдидаги қарз, дебиторлик – компаниянинг қарзи).

«Пул маблағларини бошқариш» модули компанияда пул маблағларининг ҳаракатини ва амалга ошириладиган тўловлар назорат қилинишини самарали бошқариш учун зарур бўлган қуйидаги функцияларни бажаради:

- пул маблағларининг ҳаракати ва қолдиқларини ҳисобга олиш;
- режалаштирилган тушумлар ва пул маблағларининг харажатларини рўйхатга олиш;
- ҳисобвароқлар ва кассалардаги амалга оширилиши керак бўлган тўловларнинг пул маблағларини резервлаш;
- кутиладиган кириш тўловларида пул маблағларини жойлаштириш;
- тўлов тақвимини шакллантириш ва бошқалар.

«Иш ҳақининг ҳисоби» модули ҳақиқий ишлаб чиқиш тўғрисидаги ҳужжатларни киритишдан, касаллик варақаси ва таътилларнинг тўловидан иш ҳақини тўлаш учун ҳужжатларни шакллантиришгача ва тўловлар тўғрисидаги ҳисоботларгача ходимлар билан ҳисоб-китобларнинг бутун комплексини автоматлаштириш имконини беради.

«Ходимларни бошқариш» модули компания ходимларини ҳисобга

олинишини ва ходимлар тўғрисидаги қуйидаги турли-туман маълумотларнинг сақланишини таъминлайди:

- жисмоний шахслар сифатида ходимлар тўғрисидаги шахсий маълумотларни;
- бўлинма ва ходимларнинг лавозимлари, эгаллаган ставкаларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни;
- хизмат телефон рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа боғланиш мумкин бўлган маълумотларни.

«Асосий китоб» модули пул маблағларининг келиб тушиши, сарфланиши, қолдиғи, компания қарзининг шаклланиши ва бошқалар тўғрисидаги асосий ахборотни шакллантиради. «Асосий китоб» модулининг ушбу ахбороти ҳисоб-китоб куни (операцион кун) ёпилганидан сўнг шакллантирилади. Операцион кун ёпилганидан сўнг, ҳар бир (МҲААТ) модулидан келадиган ахборот «Асосий китоб» га келиб тушади. Ишлов бериш натижаларига кўра маълумот тегишли модулларга киритилади, масалан, ўзаро ҳисоб-китоблар модулига – янги қарзларнинг шаклланиши, асосий воситалар модулига – молиявий қолдиқларнинг ўзгариши ва бошқалар киритилади.

МҲААТга ахборот қуйидагилардан келиб тушади:

- хизмат кўрсатиш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимларининг ўзидан (бунинг ҳисобига хизмат кўрсатишда олинган фойда ва молиявий маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишининг тезкорлиги ва аниқлиги

таъминланади);

- МҲААТ фойдаланувчилари – бухгалтериялар, кассалар, омборхона ҳисоби, таъминот, кадрларни ҳисобга олиш, қимматбаҳо қоғозлар, шартномалар бўлимларидан.

МҲААТ жорий этиш қуйидагиларга (афзалликларга) имкон беради:

- молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши, сарфланиши ва ҳаракатини назорат қилишни таъминлашга;

- бухгалтерия ва молиявий ҳисобни автоматлаштириш ва унумдорлигини оширишга;

- ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишга;

- молиявий маблағларнинг йўқолиши, ўғирланиши ва улардан мақсадсиз фойдаланишни аниқлашга;

## 2 §. Автоматлаштирилган бошқарув ахборот тизимлари

Ҳар қандай ташкилотда (компанияда) қуйидагилар бошқарув (менежмент) тизими ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш;

- молиявий ресурсларни бошқариш;

- ходимларни бошқариш;

- мижозларни бошқариш ва улар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- савдо-сотиқни бошқариш;

- омборхона ҳисобини бошқариш;
- ҳарид қилиш ва етказиб беришни бошқариш;
- ахборотни бошқариш;
- ҳужжат таъминотини (ҳужжат айланишини) бошқариш;
- маркетингни бошқариш ва ҳ.

Ушбу жараёнларнинг ҳар бири автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали ҳисобга олиниши ва назорат қилинишлари керак. Ушбу тизимларни яратиш ва жорий этишнинг асосий вазифаси – тегишли жараёнларни бошқариш самарадорлигини оширишдир.

**Бошқарув тизимининг турлари:**

1. Электрон ҳужжатларни бошқариш тизими (электрон ҳужжат айланиши) – EDMS (Electronic Dokument Management Systems) корхоналарнинг ҳужжат айланишини бошқарувини автоматлаштиришнинг корпоратив тизимидан иборат. Бундай тизимларда у ёки бу ҳужжатларнинг ҳаракатланиш қоидалари ва йўналишларини таърифловчи бизнес-процедуралар бундай тизимларда асосий автоматлаштириш объектлари ҳисобланади.

2. Ходимларни бошқариш тизими -- HRMS (Human Resource Management Systems) – ходимлар, ходимларни танлаш ва ўқитиш бўйича тадбирларни ўтказиш, ишлаб чиқариш ва бошқариш таркибининг малакасини баҳолаш тўғрисидаги маълумотларни бошқариш тизими. Ходимлар бўлими, меҳнатни ташкил қилиш ва бандлик бўлими ҳамда бухгалтериянинг ходимлари ходимларни

бошқаришнинг ушбу тизимидан ягона ахборот маконида кундалик иш учун фойдаланишлари мумкин.

Тизим компаниянинг ходимларга оид сиёсатини ахборот қўллаб-қувватлаш ва ходимлар билан ҳисоб-китобларни автоматлаштириш учун мўлжалланган. Тизимнинг имкониятлари қаторида қуйидагилар ҳам ҳисобда бор:

- ходимларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш;
- ходимлар бандлиги ва таътилга чиқиш жадвалини режалаштириш;
- бизнесни ходимлар билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш – танлаш, анкета тузиш ва баҳолаш;
- кадрлар таркибини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш;
- кадрлар қўнимсизлиги даражаси ва сабабларини таҳлил қилиш;
- тартибга солинган ҳужжат айланишини юритиш;
- корхона ходимларининг иш ҳақини ҳисоблаш;
- қонун ҳужжатлари томонидан тартибга солинган ҳисоб-китобларни, чегирмалар ва солиқларни автоматик тарзда ҳисоблаш;
- сугурта бадалларини автоматик ҳисоблаш.

3. Омборларни бошқариш тизими – WMS (Warehouse Management System) -- бу омборхона жараёнларини бошқаришнинг автоматлаштирилишини таъминловчи тизим.

Тизимда омборлардаги материаллар, маҳсулотлар ва товарларни

батафсил оператив ҳисобга олиш жорий этилган, корхонада МҚТ заҳираларини назорат қилиш таъминланади. Тизим қуйидагиларга йўл қўяди:

- омборларнинг кўпида МҚТ қолдиқларини ўлчовнинг турли бирликларида бошқаришни амалга оширишга;

- ўз товарларининг, қабул қилинган ва сотувга берилган, қайтган товарларнинг алоҳида ҳисобини юритишга;

- серия рақамлари, яроқлилик муддати ва сертификатларнинг назорати ва ҳисобини амалга оширишга;

- серия рақамлари ва маълум сақлаш муддатига ҳамда сертификатга эга бўлган товарларни ҳисобдан чиқариш тўғрилигини назорат қилишга;

- тўпламнинг ихтиёрий тавсиф (ранги, ўлчами ва ҳ.к)ни бериш ва омборхоналар нуқтаи назаридан тўплам бўйича ҳисобини юритишга;

- МҚТни комплектлаш ва ажратишга;

- МҚТ ордерли ҳисобга олиш ва резервлаш функцияларини амалга оширишга.

4. Асосий фондларни бошқариш тизими – EAMS (Enterprise Asset Management System) – тизим корхонанинг асосий фондларини (маблағларини) ҳисобга олиш, назорат қилиш ва бошқаришни таъминлайди. Ускунанинг бекор туриб қолишини, техник хизмат кўрсатишга, таъмирлаш ва моддий техник таъминотга сарфланадиган харажатларни қисқартириш имконини беради.

EAMS қуйидаги жараёнларни келишилган ҳолда бошқариш имконини беради:

- техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;
- моддий-техник таъминот;
- омборхона заҳираларини бошқариш;
- маблағларни бошқариш;
- ходимларни бошқариш;
- ҳужжатларни бошқариш.

Тарихий нуқтаи назардан ЕАМ-тизимлар CMMS – таъмирлашларни бошқариш тизимларидан пайдо бўлган. Ҳозирги вақтда EAMS модуллари шунингдек, ERP-тизимлар – бошқарув дастурий таъминотининг йирик пакетлари таркибига киради.

5. Ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш тизими – MES (Manufacturing Execution System) – ишлаб чиқариш ижро тизими. Бундай классдаги тизимлар синхронлаш масалаларини ҳал қилади, қандайдир ишлаб чиқариш доирасида маҳсулот чиқаришни мувофиқлаштиради, таҳлил қилади ва оптималлаштиради.

Ишлаб чиқаришни бошқариш тизимларининг халқаро ишлаб чиқариш уюшмаси (MESA International) 11 та умумлаштирилган намунавий MES – тизимлар функцияларини белгилайди:

- ресурслар ҳолатини назорат қилиш ва тақсимлаш (RAS) – ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш: технологик ускуна, материаллар, ходимлар, ҳужжатлар, асбоблар, ишлар методикасини;

- оператив ва батафсил режалаштириш (ODS) – ишлаб чиқариш жадвалларининг устунликка, атрибутларга, характеристикалар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳамда технологияларининг ўзига хослиги билан боғлиқ усулларга асосланган ҳисобини;

- ишлаб чиқаришни диспетчерлаштириш (DPU) – операциялар, буюртмалар, тўпламлар, сериялар бўйича тайёрланадиган деталларнинг оқимини ишчи нарядлар воситасида бошқаришни;

- ҳужжатларни бошқариш (DOC) – маҳсулот тайёрланишини кузатиб борувчи ҳужжатларнинг таркибини ва ўтишини назорат қилиш, цехнинг режали ва ҳисобот ҳужжатларини юритиш.

- маълумотларни йиғиш ва сақлаш (ДСА) – корхонанинг ишлаб чиқариш муҳитида айланувчи технологик ва бошқарув маълумотларини олиш, тўплаш ва узатиш мақсадида ахборот қуйи тизимларининг ўзаро ишлаши;

- ходимларни бошқариш (LM) – ҳар минутлик режимда ходимларни бошқариш имкониятини таъминлаш;

- маҳсулот сифатини бошқариш (QM) – ишлаб чиқариш даражасидан келиб тушадиган ахборот асосида ҳақиқий вақт режимида маҳсулот сифатини ўлчаш маълумотларини таҳлил қилиш, сифатнинг тегишли назоратини таъминлаш, алоҳида эътибор талаб қиладиган критик нуқталар ва муаммоларни аниқлаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш (PM) – ишлаб чиқариш жараёнларининг мониторинги, автоматик тузатиш киритиш

ёхуд оператор карорларини диалогли кўллаб-кувватлаш;

- техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни бошқариш (MM) – техник таъмирлашни, ускуна ва асбобларнинг фойдаланишга тайёр туришини таъминлаш учун уларни режали ва тезкор таъмирланишини бошқариш;

- маҳсулот тарихини кузатиб бориш (PTG) – ҳар бир маҳсулот бўйича ишлар бажарилган жой ва вақти тўғрисидаги ахборотни визуаллаштириш. Ахборот ижрочилар, технологик маршрутлар, бутловчи материаллар, тўплам ва серия рақамлари, бажарилган қайта тузатишлар, ишлаб чиқаришнинг кундалик шароитлари ва ш к. тўғрисидаги ҳисоботларни ўз ичига олиши мумкин;

- унумдорликни таҳлил қилиш (PA) -- ишлаб чиқариш операцияларининг ҳақиқий натижалари тўғрисида батафсил ҳисоботларни тақдим этиш, режа кўрсаткичлари ва ҳақиқий кўрсаткичларни таққослаш.

6. Етказиб беришни бошқариш тизими – SCM (Supply Chain Management) – корхона таъминотининг барча босқичларини автоматлаштириш ва бошқариш ҳамда корхонадаги барча товарлар ҳаракатини назорат қилиш учун мўлжалланган тизим. SCM тизими компания маҳсулотига бўлган талабни бирмунча яхшироқ қондиришга ва логистика ҳамда харид қилиш учун харажатларни анча сезиларли даражада камайтириш имконини беради. SCM хом ашёни харид қилиш, товар ишлаб чиқариш ва тарқатишнинг бутун циклини қамраб олади.

SCM-тизими таркибида шартли равишда иккита қуйи тизимни ажратиш мумкин.

- SCP (Supply Chan Planning) – етказиб бериш занжирларини режалаштириш. SCP асосини календарь жадвалларини кенгроқ режалаштириш ва шакллантириш учун мўлжалланган тизимлар ташкил этади.

- SCE – (ингл. Supply Chan Execution) – етказиб бериш занжирларини ҳақиқий вақт режимида бажариш.

7. Маркетингни автоматлаштириш тизими – EMM (Enterprise Marketing Management) – мижозлар тўғрисида маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишдан бошлаб режаларни, бюджетларни тузиш, маркетинг ресурсларини, ишлаб чиқаришни бошқариш ва маркетинг самарадорлигини таҳлил қилиш билан тугайдиган корхонанинг маркетинг жараёнларини автоматлаштириш учун платформа сифатида фойдаланиладиган маҳсулотлар дастурининг тоифаси. Маркетинг бажарилишининг барча аспектларида уюшқоқлик ва аниқликни анча ошириш имконини берувчи маркетинг соҳасидаги раҳбарлар ва мутахассислар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган дастурий таъминот.

8. Мижозлар билан ўзаро ишлашни бошқариш тизими – CRM-тизим (Customer Relationship Management System) – мижозлар билан ўзаро ишлаш бўйича компаниянинг стратегиясини автоматлаштириш учун, хусусан, сотувлар даражасини ошириш,

маркетингни оптималлаштириш ва мижозлар (контрагентлар) тўғрисидаги ахборотни ва улар билан ўзаро муносабатларнинг тарихини сақлаш йўли билан мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, бизнес-жараёнларни ўрнатиш ва яхшилаш ҳамда натижаларнинг кейинги таҳлили учун мўлжалланган корпоратив ахборот тизими. Унинг асосий принциплари қуйидагичадир:

- мижозлар билан олдинги ва режалаштирилган ўзаро ишлаш тўғрисидаги барча маълумотлардан исталган вақтда фойдаланиш мумкин бўлган ахборотнинг ягона сақланадиган жойининг мавжудлиги;

- барча ўзаро ишлаш каналларидан фойдаланиш. Илгари ўзаро ишлашнинг шунга ўхшаш каналларига фақат телефон қўнғироқлари, электрон почта, воқеа-ҳодисалар учрашувлар кирган. Веб-технологияларнинг фаол ривожланиши билан ўзаро ишлашнинг бошқа каналлари – веб-сайтлардаги рўйхатга олиш шакллари, реклама ҳаволалари, корпоратив веб-чат тизимлари ва ҳ к. пайдо бўлди;

- мижозлар тўғрисидаги йиғилган ахборотни доимо таҳлил қилиш ва тегишли ташкилий қарорларни қабул қилиш учун тайёрлаш – масалан, компания учун мижозларнинг муҳимлиги асосида уларнинг сегментацияси.

9. Корхона ресурсларини бошқаришнинг комплексли тизими - ERP-тизим (Enterprise Resource Planning System) – корхонанинг барча ресурсларини -- молиявий, моддий ва номоддий, меҳнат ва бошқаларни ҳисобга олишни ва бошқаришни автоматлаштириш учун мўлжалланган

корпоратив ахборот тизими. Одатда, ERP-тизимлар модуль принципи бўйича қурилади ва у ёки бошқа босқичда компания фаолиятининг барча асосий жараёнлари – ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сотиш ва ҳ.ларни қамраб олади.

ERP-тизим асосида барча корпоратив бизнес-ахборотни ўз ичига олган ва ундан корхона ходимларининг ҳар қандай зарур миқдори бир вақтда фойдалана олишни таъминлайдиган маълумотларнинг ягона сақланадиган жойини яратиш тамойили ётади.

ERP тизимларнинг асосий функциялари:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таркиби, шунингдек уларни тайёрлаш учун зарур бўлган моддий ресурслар ва операцияларни белгилайдиган конструкторлик ва технологик хусусиятларни юритиш;

- сотув ва ишлаб чиқариш режаларини шакллантириш;

- моддий ва бутловчи қисмларга эҳтиёжлар, маҳсулотларни ишлаб чиқариш режаси бажарилиши учун муддатлар ва етказиб бериш ҳажмларини режалаштириш;

- заҳиралар ва сотиб олинган маҳсулотларни бошқариш: шартномаларни юритиш, марказлаштирилган сотиб олинган маҳсулотларни сотиш, омбор ва цех заҳираларини ҳисобга олиш ҳамда оптималлаштиришни таъминлаш;

- яхлит режалаштиришдан тортиб алоҳида станоклар ва ускунадан фойдаланишгача ишлаб чиқариш қувватларини режалаштириш;

- маблагларни тезкор бошқариш, шу жумладан молиявий режани тузиш ва унинг бажарилиши, молиявий ва бошқарув ҳисобининг назоратини амалга ошириш;

- лойиҳаларни бошқариш, жумладан босқичлар ва ресурсларни режалаштириш.

ERP-тизимга мисол бўлиб, mySAP Business Suite; IFS Applications, Oracle E-Business Suite ва бошқалар ҳисобланади.

Шунингдек, ERP-тизим классига «1С: Корхона» тизими киради. «1С: Бухгалтерия» дастуридан фарқли равишда «1С: Корхона» дастури бухгалтерия ҳисобининг модулидан ташқари, қуйидагиларни таъминлайдиган модулларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқаришни бошқариш, шу жумладан: ишлаб чиқаришни режалаштириш, харажатларни бошқариш ва таннархни ҳисоблаш, маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни бошқариш;

- асосий воситаларни бошқариш ва таъмирлаш ишларини режалаштириш;

- молияларни бошқариш, шу жумладан: бюджетлаштириш, пул маблагларини бошқариш; ўзаро ҳисоб-китобларни бошқариш; бухгалтерия ва солиқ ҳисоби, консолидацияланган (бирлашган) ҳисоботни шакллантириш;

- омбор (заҳиралар)ни бошқариш;

- сотувларни бошқариш;

- сотиб олинган маҳсулотларни бошқариш;

- ҳаридорлар ва етказиб берувчилар билан муносабатларни бошқариш;

- ходимларни бошқариш, шу жумладан иш ҳақини ҳисоблаш;

- корхона фаолияти кўрсаткичларининг мониторинги ва уларни таҳлил қилиш.

## Назорат саволлари

1. Молиявий ҳисобга олиш жараёнлари нимадан иборат ?
2. Бухгалтерия ҳисоби жараёнлари нималардан иборат?
3. Мавжуд молиявий ҳисобга олиш тизимининг камчиликлари нималардан иборат ?
4. Молиявий ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими (МҲААТ) нима ?
5. МҲААТнинг асосий вазифаси нималардан иборат?
6. МҲААТ модулларининг структураси нима?

## Глоссарий

**Автоматлаштириш** – инсонни жараёнларда қисман ва тўлиқ иштирок этишидан озод этувчи замонавий техник воситалар, метод ва тизимларни жорий этиш ҳамда қўллаш жараёни.

**Ахборот технологиялари** – методлар, усуллар ва ахборот жараёнлари – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, қайта ишлаш ва беришни амалга ошириш воситаларининг тизими.

**Ахборот тизими** – ахборотни тўплаш, узатиш, сақлаш, қайта ишлаш, излаш ва бериш билан боғлиқ бўлган ахборот жараёнларини амалга оширувчи тизим.

**Компьютерлаштириш** – компьютер техникаси билан жиҳозлаш жараёни ва улардан ахборот ва технологик жараёнларда фойдаланиш.

**Ахборотлаштириш** – бошқариш ва янада такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш мақсадида ахборотни тўплаш, ўзгартириш, сақлаш ва тарқатиш методлари ҳамда воситаларини кенг миқёсда қўллаш жараёни.

**Автоматлаштирилган тизим** – жараёнларни автоматлаштириш учун мўлжалланган методлар, усуллар ва воситалар мажмуи.

**ААТ** - ахборот тўплаш, сақлаш, излаш ва истеъмолчиларга уларнинг сўровлари бўйича бериш билан боғлиқ бўлган ахборот жараёнларини автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий ва техник воситалар ҳамда ахборот технологияларининг комплекси.

**Маълумотлар базаси** – Амалий дастурлардан қатъи назар,

маълумотларни тавсифлаш, сақлаш ва манипуляция қилишнинг умумий принципларини кўзда тутувчи белгиланган қоидалар бўйича ташкил қилинган маълумотлар жами.

**Иловалар сервери** - ААТ фойдаланувчиларини маълумотлар базаси билан ўзаро ишлашини таъминлаш учун мўлжалланган. Иловалар сервери ААТ фойдаланувчиси томонидан маълумотларни маълумотлар базасига киритиш ва чиқариш учун фойдаланувчи интерфейсини ташкил этади.

**Фойдаланувчи интерфейси** (*user interface*) – воситалар жами, улар ёрдамида фойдаланувчи турли қурилмалар, кўпинча компьютер ёки маиший техника, ёхуд бошқа мураккаб асбоблар (тизим) билан муомалада бўлади.

**АИЖ** – фойдаланувчининг ААТда ишлаши учун зарур бўлган аппарат ва дастурий воситалар билан жиҳозланган иш жойи.

**Очиқ ААТ** – ААТнинг модуль принципи бўйича қурилганлиги.

**ААТнинг масштабланиши** – маълумотлар базасидаги тўпланган ахборотларни йўқотмасдан ҳамда ААТнинг асосий функцияларини бузмасдан ААТ қувватини кенгайтириш, ошириш имконияти.

**ААТнинг муҳофазаланганлиги** – ААТдан муҳофазаланган фойдалана олиш, шунингдек ААТнинг воситалари, ахборот ва унинг ишлашидан рухсат этилмаган тарзда фойдалана олишдан муҳофазалаш воситаларининг мавжудлиги.

**ААТ ишончлилиги** – ахборотнинг сақланганлиги ва бутунлиги

ҳамда ААТнинг авария ҳолатларидаги ишлашини таъминлаш.

**ААТнинг корпоративлиги** – фойдаланувчининг ААТдан тўсқинликларсиз (тақдим этилган ҳуқуқларга мувофиқ) фойдалана олишини таъминлаш.

**Архитектурали структура** – ААТга кирувчи қуйи тизимлар рўйхатини, уларнинг вазифасини, асосий характеристикаларини, уларнинг тақсимланиши ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини, шу жумладан иерархия даражалари сонига ва ААТнинг марказлаштириш даражасига қўйиладиган талабларни, шунингдек ёндош ААТ билан ўзаро боғлиқлигини белгилайди.

**Модулли структура** – ААТ функционал модуллари таркиби ва миқдорига қўйиладиган талаблар ҳамда улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги белгиланиши керак.

**Ташкилий-техник структура** – техник воситалар (ААТнинг реал компонентлари) рўйхати, тури ва характеристикаларини, уларнинг ҳудудий тақсимланиши ва объект ичида жойлаштирилишини белгилайди.

**МББТ** – маълумотлар базасини ташкил қилиш ва киритиш учун мўлжалланган ихтисослаштирилган дастур (одатда дастурлар комплекси).

**Операцион тизим, ОТ (*operating system*)** – фойдаланувчи билан интерфейсни, компьютер аппарат воситаларини бошқаришни, файллар билан ишлашни, маълумотларни киритиш ва чиқаришни, шунингдек

амалий дастурлар ва утилитларни бажаришни таъминлайдиган компьютер дастурларининг асосий комплекси.

**Транзакция** – МБ бир ёки бир нечта жадвалларидаги сатрларнинг баъзи тўпламининг келишилган ўзгартирилишига йўналтирилган мантиқан ўзаро боғлиқ бўлган сўровларнинг мажмуи.

**TPC (Transaction Processing Council)** – нотижорат ташкилот, унинг вазифасига транзакцияларни қайта ишлаш тезлигини ва маълумотлар базаси билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш учун эталон тестларни яратиш, шунингдек кўрсатилган тестларни бажаришда олинган объектив унумдорлик кўрсаткичларини эълон қилиш киради.

**Серверлар кластери** – ўхшаш сўровларни қайта ишлаш қобилиятига эга бўлган мантиқан бирлашган ва ягона ресурс сифатида фойдаланиладиган серверлар гуруҳи.

**Маълумотлар базаси кластери** – мураккаб сўровларнинг бажарилишини тезлаштириш учун турли жадваллардаги маълумотларни бирлаштириш.

**Телекоммуникациялар тармоғи** – узатишнинг бир ёки бир нечта турларини таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи: телефон, телеграф, факсимиль, маълумотлар ва бошқа турдаги ҳужжатли хабарларни узатиш, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилиш.

## Қўшимча адабиётлар


1. "Соғлом бола йили". давлат дастури тўғрисида. №-ПҚ-1920, 14.02.2013.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2010 йилдаги "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида" ги ПҚ-1446 сонли Қарори.
3. Каримов И.А 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.-Т:Ўзбекистон, 2014.-36 б.
4. Каримов И.А 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари-Т:Узбекистон, 2013.-38 б.
5. Каримов И.А 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: "Ўзбекистон", 2012. – 36 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
7. Қориева Ё.К. Ташқи иқтисодий фаолиятда транспорт таъминоти.

амалий дастурлар ва утилитларни бажаришни таъминлайдиган компьютер дастурларининг асосий комплекси.

**Транзакция** – МБ бир ёки бир нечта жадвалларидаги сатрларнинг баъзи тўпламининг келишилган ўзгартирилишига йўналтирилган мантиқан ўзаро боглиқ бўлган сўровларнинг мажмуи.

**TPC (Transaction Processing Council)** – нотижорат ташкилот, унинг вазифасига транзакцияларни қайта ишлаш тезлигини ва маълумотлар базаси билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш учун эталон тестларни яратиш, шунингдек кўрсатилган тестларни бажаришда олинган объектив унумдорлик кўрсаткичларини эълон қилиш киради.

**Серверлар кластери** – ўхшаш сўровларни қайта ишлаш қобилиятига эга бўлган мантиқан бирлашган ва ягона ресурс сифатида фойдаланиладиган серверлар гуруҳи.

**Маълумотлар базаси кластери** – мураккаб сўровларнинг бажарилишини тезлаштириш учун турли жадваллардаги маълумотларни бирлаштириш.

**Телекоммуникациялар тармоғи** – узатишнинг бир ёки бир нечта турларини таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи: телефон, телеграф, факсимиль, маълумотлар ва бошқа турдаги ҳужжатли хабарларни узатиш, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилиш.

**Телекоммуникация воситалари** – электромагнит ёки оптик сигналларни шакллантириш, узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш, коммутация қилиш ва уларни бошқариш имконини берувчи техник қурилмалар, ускуна, иншоотлар ва тизимлар.

**Локал ҳисоблаш тармоғи (ЛҲТ)** – битта бино ёки битта корхона билан чекланган битта локал зонадаги бир қатор ҳисоблаш техникаларини боғловчи ахборот-ҳисоблаш тармоғи.

**Корпоратив тармоқ** – битта давлат масштабидаги каби, бир нечта давлатлар масштабидаги корпорациянинг айрим корхоналарининг (фирмалар, ташкилотлар, акциядорлик жамиятлари ва ҳ.к) локал тармоқларини бирлаштирувчи ахборот-ҳисоблаш тармоғи.

**Глобал тармоқ** – бир нечта мамлакат ёки минтақалар ҳудудини қамраб олувчи ахборот-ҳисоблаш тармоғи.

**Интранет** – Интернет-технологияларида қуриладиган корпоратив ички компьютер тармоғи.

**Интернет** – компьютер тармоқлари фойдаланувчилари каби, шахсий компьютерлар фойдаланувчиларини ҳам ўзаро боғлайдиган глобал компьютер тармоғи.

**Коммутаторлар (switch)** – келиб тушувчи пакетларни қабул қиладиган, уларни вақтинча сақлайдиган ва сўнгра ушбу пакетни олувчи адресига мувофиқ бошқа портга узатадиган қурилмалардан иборат.

**Маршрутизатор (router)** – тармоқ топологияси тўғрисидаги ахборотга ва белгиланган қоидаларга асосланиб, тармоқнинг турли сегментлари ўртасида тармоқ даражасидаги (OSI моделининг 3-даражаси) пакетларни жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи тармоқ қурилмаси.

**Модем (modem)** – маълумотлар сигналини унинг телекоммуникация каналлари бўйлаб узатилишини таъминлайдиган кўринишга ўзгартирадиган қурилма, яъни модуляция ва демодуляция функциясини бажарадиган қурилма.

**Модем пули.** Коммутацияланадиган линия абонентлари телекоммуникация операторининг модем пули орқали уланади. Модем пули фойдалана олиш серверидан ташкил топган, бу модемларнинг тармоқ билан уланиши учун мўлжалланган ихтисослаштирилган компьютер бўлиб ҳисобланади.

**Гибрид пул ўтказмаси (ГПЎ)** – почта алоқаси тизими ва электрон пул ўтказмаси тизимларидан фойдаланган ҳолда юбориладиган пўл ўтказмаларидир. Бир аҳоли пунктидан (шаҳар, туман) ташқари манзилларга қабул қилинадиган пул ўтказмалари гибрид ёки электрон пул ўтказмаси тарзида юборилиши керак.

## Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

### Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги Қонуни, 512-XII, 13.01.1992 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни, № 822-I, 20.08.1999 й.

3. Ўзбекистон Республикаси "Почта алоқаси тўғрисидаги" Қонуни, №118-ИИ 31.08.2000 й.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, 11.12.2003 й.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуни, 11.12.2003 й.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги "Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида"ги 339-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни, 29.04.2004 й.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, N 200, 06.06.2002 й.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, N 336, 27.09.2002 й.

10. Закон Республики Узбекистан об иностранных инвестициях и гарантиях деятельности иностранных инвесторов: Олий Мажлис 30.04.1998й.// Народное слово. 1998 г. 20 мая.

11. Закон Республики Узбекистан о введении в действие закона Республики Узбекистан «Об инвестиционной деятельности»: Постановление/ Олий Мажлис №720-1 от 24.12.1998 г.// Народное слово-1999й.-12 января; Налоговые и таможенные вести -1999 г.-№4 -с.3-6 Прил; Ведомости Олий Мажлиса РУз. 1999й. №1. С.11.

12. Закон Республики Узбекистан о гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов: Закон/ Олий Мажлис 30.04.1998 г.//Народное слово. 1998 г. 21 мая.

13. "Ўзбекистон почтаси" АЖ нинг иқтисодий техник ҳисоботлари.

## Қўшимча адабиётлар


1. "Соғлом бола йили" давлат дастури тўғрисида. №-ПҚ-1920, 14.02.2013.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2010 йилдаги "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида" ги ПҚ-1446 сонли Қарори.
3. Каримов И.А 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.- Т:Ўзбекистон, 2014.-36 б.
4. Каримов И.А 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари- Т:Узбекистон, 2013.-38 б.
5. Каримов И.А 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: "Ўзбекистон", 2012. – 36 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
7. Қориева Ё.К. Ташқи иқтисодий фаолиятда транспорт таъминоти.

Ўқув услубий модул, -Т.:ТДИУ, 2004. – 125 бет.

8. Ходжаев А. Развитие транспорта в Узбекистане. Учебник -Т.:Мехнат, 2004. – 234 бет.

9. «Ўзбекистон почтаси тарих ва тарраққиёт" С.Ахмедов ва бошқалар. Маънавият 2014 й.

## Интернет сайтлари

1. www.tuit.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.pochta.uz
4. www.ccitt.uz

## ҚАЙДЛАР УЧУН

**Л.Н.ЖЎРАЕВ, Ғ.Р. МАМАТҚУЛОВ, Р.Ф.ХУДОЙБЕРДИЕВ**

# ЗАМОНАВИЙ ПОЧТА АЛОҚАСИ

**Тошкент – «Алоқачи» – 2017**

Муҳаррир: М . Миркомилов

Тех. Муҳаррир: А . Тоғаев

Мусаҳҳиҳ: Ш.Мусирмонов

Саҳифаловчи: Ф . Тоғаева

**«Алоқачи» нашриёти.**

**Бичимчи 60x84 1/16. «Time uz» гарнитураси.**

**Офсет босма усулида босилади.**

**Шартли босма табоғи 14,0. Нашрйоти босма табоғи 13,75.**

**ОК «NIHOL PRINT» босмахонасида чоп этилди.**

**Тошкент., Мухтор Ашрафий кўчаси, 101/99.**

**Тираж 50**. **Буюртма №11.**